

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Зокир Сотиболдиев

ДИЗАЙН АСОСЛАРИ

5140900 - Касбий таълим (5140700 - Амалий санъат)
бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўкув қўлланма

ТОШКЕНД
«IQTISOD-MOLIYA»
2008

Такризчилар:

Тасвирий санъат ва уни ўқитиши
методикаси кафедраси мудири,
п.ф.н. доцент **Ботир Бойметов**

Тошкент Архитектура Курилиш институти
катта ўқитувчиси, санъатшунос **Шухрат Абдуллаев**

Зокир Сотиболдиев

Дизайн асослари. Ўқув кўлланма / Зокиров Сотиболдиев. Масъул
муҳаррир. Педагогика фанлари номзоди доцент Нозим Толипов. ЎзР Олий
ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008- 100 бет.

Мазкур ўқув кўлланма «Дизайн асослари» фани бўйича педагогика
университетларининг «Санъат» факультети бакалавр йўналишидаги талаба-
ларнинг бадий лойиҳалаш соҳасидаги назарий ва амалий билимларини
шакллантиришга каратилган бўлиб, келажакда талаба-ёшлиарни авлоддан ав-
лодга ўтиб келаётган миллий қадриятлар, анъаналар асосида вояга етказишни
ва хунар ўргатишни ўз олдига максад килиб кўяди.

ISBN 978-9943-13-073-9

© «IQTISOD-MOLIYA», 2008
© Зокир Сотиболдиев, 2008

МУҚАДДИМА

Мамлакатимизда «дизайн» термини пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Инглизчадан таржима қилинганда «дизайн» чизма, расм, лойиха маънолари ни англатади. Бунга қадар нарсаларни лойихалаштириш «бадий конструкциялаш», нарсаларни яратиш назарияси эса «техник эстетика» деб аталиб келинарди. «Дизайн» сўзи ясама тушунчалар: «дизайнер» — рассом конструктор, «дизайн-шакли» — буюмнинг ташки шакли тушунчаларини вужудга келтири ва ҳоказо.

Хозирга қадар дизайннинг мазмуну, унинг мақсадлари ва имкониятлари ҳакида баҳслар юритиб келинмоқда. Чунончи, машхур италян архитектори ва дизайнери Д.Понти дизайннинг мақсади — ғўзал шакллар, нарсалар дунёсини яратишдан иборат бўлиб, улар цивилизациямизнинг чинакам ҳаракетири ни очиб бериши лозим, деб ҳисоблади. Дизайннинг бошқа бир назариётчиси Т.Мальдонадо ўзгача фикрни қўллаб-кувватлади. Унинг тасдиклашича, истемол предмети бадий асар функциясини бажариши мумкин эмас, санъат тақдирни эса саноат буюмлари тақдирни билан мос кела олмайди. Чет элларда дизайннинг асосий вазифаси — сотилиши осон бўлган нарсалар яратишдир, деган фикр кенг тарқалган. Шундай килиб, дизайн бозор эҳтиёжлари ва талабларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Олимлар, мутахассислар дизайнни рассом — конструкторнинг оммавий саноат маҳсулотларини лойихалаш соҳасидаги ва шу асосда буюмлар мухитини вужудга келтириш соҳасидаги фаолиятидир, деб қарайдилар. Замон бизнинг кўз ўнгимизда меҳнаткашларнинг шароитлари ва турмушнинг эстетик мазмунига тобора юксак талаблар кўймоқда.

Саноат-техника маҳсулотларининг бадий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, уларга эстетик тус бериш — олимлар, инженерлар, ишлаб чиқариш ходимларнинг мухим вазифасидир: «кулай ва чиройли буюмлар яратишга қаратилган бадий конструкциялаш (дизайн)нинг дикқат марказида ҳамиша одам, унинг ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжлари истемол ва маънавий талаблари туради.

Дизайн соҳасини аниқлаш ҳамиша ҳам осон бўлавермайди. Дизайн архитектурадан (интерьерларни лойихалаш ҳакида гап боргандা), хайкалтарошлиқдан (айтайлик, болалар майдончалари ёки аттракционлар лойихалаштирилаётганда), амалий санъатдан (идиш-товорклар ёки мебелларнинг янги турлари яратилаётганда) ажратиш қийин.

Фикримизча яратилаётган, ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай буюм ёки маҳсулотдаги шакл, ранг ва безак тушунчаларининг уйғунлиги дизайн маҳсули деб қабул қилиниши тўғри бўлади. Яъни яратилаётган буюмлар ишлатиш жиҳатидан қулай, арzon ва гўзал бўлишини таъминлаган ҳолда лойихалашдир. Китобимизнинг мақсади — китобхонни уни курсаб олган буюмлар олами билан том маънода таниширишдан иборатdir. Бу олам бизларнинг ҳаммамизга шу қадар яқинки, у ҳақиқатан ҳам биз учун тушунарли ва очиқдир, уни ҳамма билиб олади, деган фикрдан узоклашиб бўлмайди.

Ҳар бир предмет (буюм) санъат асаридан фарқли ўларок қандайдир хаёттый мухим вазифага, бошқача сўз билан айтганда, функцияга эгадир. Лескин деярли ҳар бир кишида ўзини гўзал буюмлар билан камраб олиш эхтиёжи бор. Шунинг учун ҳам буюмнинг қиммати икки асосни — фойда ва гўзалликни камраб олади. Ҳар бир буюмда техник ва эстетик асос мавжуд бўлиб, у хамиша мухим бўлмайди ва тарихан алмашив туради.

Буюмнинг амалий фойдаси тушунтириб ўтишини талаб қилмайди, лекин бу фойдага баъзи бир эстетик кечинмалар ҳам хамроҳлик қилиши мумкин экан. Ҳакиқатдан ҳам машинанинг қандай ишлайтганлигини кузатишни биз учун ёқимили эмасми, ахир; айниска, бу иш жараёни, мақсади бизга тушунарли бўлганда, шундай туюлади. Шунинг учун ҳам биз бўлажак китоб табоқлари босилаётганлигини, у ёқдан бу ёққа тушаётганлигини ва конвейер билан олиб кетилаётганлигини кузатганимизда, экскаватор қандай ишлайтганлигини кўрганимизда «аккли машина», деб қўямиз.

Айрим буюмлар хайриҳоҳлик, хатто ўзига нисбатан эхтиросли эмоционал муносабат уйготиши мумкин. Инсон билан буюм ўртасида чукур индивидуал алокалар: қандайдир оиласиев анъянани эслатувчи креслога мухаббат бўлиши, фурожка армиядаги хизмат тўғрисида хотира бўлиши мумкин.

Биз буюмларни камдан-кам ҳолларда алоҳида тарзда идрок этамиз: чунки улар одатда группалар, комплекслар ёки буюмлар мухити деган мухитни ҳосил қиладилар. Бинобарин, бу мухит баъзан жуда аниқ характеристикага эга бўлади. Деворлар ҳам, уларни бирлаштириб турган бўшлиқнинг ўзи ҳам инсон шахсининг, жойнинг, замоннинг изини акс эттиради.

Корхона ёки муассасанинг буюмлар мухити ҳам ўз характеристига эга, лекин бу характер у қадар шахсий характер бўлмайди. Мухит ва унинг ҳусусиятлари уйнинг деворларидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин, чунончи, маданият ва истироҳат bogи ҳамда унинг аттракционлари, уйлар ўртасидаги болалар ўйин майдончаси. Факат бу ерда бўшлиқнинг ўзи, сув ва яхшиликлар, дараҳтлар ва бутгалар буюмлардан кам роль ўйнайди.

Бизни куршаб олган нарсалар камдан-кам ҳолларда бир-бирига тенгдош бўлади: янги сотиб олинган стол билан ёнма-ён бундан юз йил аввалги соат осигуллик турган бўлиши, эски китоб шкафида яқинда нашр этилган китоблар бўлиши мумкин. Буюмлар ўз умрини ўтайди, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади, буюмларнинг мана шу — янгиланиш жараёни узлуксиз давом этади. Биз замон изини оддийгина бир ликобда ҳам хис этишимиз, лекин хамиша ҳам буни онгли равишда ва аниқ хис этмаслигимиз мумкин. Аммо бизнинг турмушимизда эски буюмлар энди у қадар кўп эмас — улар эндиликда музейлардан ва коллекционерларнинг тўпламларидан топилади.

Биз кўргазма витринасида ўтган асрдаги улкан қисқични (у билан қанд майдалашган) кўрганимизда, тасаввуримизда зангори коғозга ўралган калла қанд, каттакон чойнак ва мислари ялтираб турган самовар намоён бўлади. Лекин у ёки бу буюм бизнинг кўз ўнгимизда эски бўлиб кўриниши учун бир аср вақт ўтиши шарт эмас: эллигинчи йилларнинг қандили ёки радиоприёмниги хозирнинг ўзидаёқ ўзининг эллик йиллик даврни бошдан кечиришганлигини айтиб турибди.

Бизга таниш бўлган кўпгина буюмлар ўзининг узок ўтмишларига эга. Турмушнинг зарур буюми бўлган стуллар ва креслолар қанчалик ажойиб эволюцияни бошдан кечирган! Инкрустация қилинган. Миср креслоси қадимги грекларда катъий конструкция қилинган ўриндиқка айланган. Бу ўринидик асрлар ўтиши билан барокко дабдабасига эга бўлиб, кейин рококо-нинг мураккаблиги ва носозлиги, унинг албатта зархал билан безатилиши, гоят нозик накшлари ва оқ левкасга эга бўлиб колди.

Хўш, бу буюмлар вақт ўтиши билан нима сабабдан ва қандай қилиб ўзгариб кетди? Ахир, улар тахминан айни бир хил материалдан қилинган эди-ку?

Бунинг содир бўлишига сабаб шуки, бу буюмларнинг ҳар бири ўз даври билан, ўша замон маданияти ва аввало техникаси ва санъати, (архитектураси, ҳайкалтарошлиги ва рассомлик санъати) билан узвий боғланган эди. Ҳар бир давр бир нарсани биринчи ўринга сурса, бошқасини четга чиқариб ташлаган, бир хил таъсиirlарни кучайтирган бўлса, бошқаларни заифлаштирган.

Уйғониш даврига қадар бўлган техника билан санъат кўпроқ бирбиридан ажралмас эди, шу сабабли теварак-атрофдаги барча нарсаларнинг услуг бирлиги тўлиқ ва узвий бўлган эди. Техниканинг ажралиб чиқиши XVII — XIX асрларда рўй берди ва ўтган асрнинг ўрталарида ғалати шакллар кашф этди, бу вактда энди тугалланган буюмга жило бера бошлаган эдилар. Бунга иккита ихтисослик — инженер ва рассом ихтисосининг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Бу ўзгарган шарт-шароитлар буюмлар оламида қандай из колдирганинги ва дизайнерлик лойихаларининг пайдо бўлиши билан ахвол накадар ўзгариб кетганинги тасаввур қилиш кийин эмас. Дизайнерлик лойихалари ўзининг техник ва эстетик асослари бирлиги билан ҳарактерли эди.

Архитектура буюмлар оламини хамиша ўзига сингдириб келган, у аслида буюмлар оламининг кўшимишаси бўлган. Уйнинг деворлари билан уй-рўзгор буюмлари — мебель ёки идишлар ўртасида хамиша чукур ички боғланиш мавжуд бўлган. Буюм билан ҳайкалтарошлиқ, рассомлик санъати узвий равишида бир-бирига боғлик бўлган. Масалан, Миср сандиги билан Миср ҳайкалтарошлигининг шакллари ўхшаш бўлганлиги кишини хайратда колдиради. Қадимги грек ҳайкаллари ўша даврдаги чинни идишларга хос пластик ҳарактерга эга бўлган. Рассомлик санъати греклар кўзасила ва Миср пардоз-андоз кошикласида, сандик деворчаларида ва камин экранида ўзининг жонли изини колдирган. Буюмлар ҳам, ҳайкалтарошлиқ ҳам, рассомлик санъати ҳам безакчини боғлаб турган — хунармандчилик ишлаб чиқариши даврида у ана шу ишлаб чиқарishнинг бирдан-бир ва муҳим кисми ҳисобланган.

Шундай қилиб, ўтмишнинг буюмлар олами эволюциясини яхши билиб олгач, бугунги кун муаммоларини яхширок билиб олиш мумкин. Лекин бизнинг мавзумизни чинакамига билиб олиш учун тарих сабоқларини билишининг ўзи ҳали етарли эмас. Биз нарсани ва умуман атрофдаги буюмларни қандай баҳолаймиз?

Буюмнинг эстетик сифатларига берадиган баҳомиз баъзан субъектив, энг асосийси, исботланмаган бўлади. Биз буюм ҳакида у «гўзал», ёки «хунук», «нозик» ёки «қўпол» дейишидан ташқари нима ҳам дея олами? Деярли хеч нарса, маълум бўлишича, буюмга баҳо беришни ўрганиш унчалик осон нарса эмас экан. Бунинг учун бир қанча тушунчаларни ўзлаштириб олиш керакки, улардан хунармандчилик асари ёки дизайннинг ҳарактеристикаси ҳосил бўлади.

Буюмнинг эстетик сифатлари нималарни такозо қилишини аник билиб олиш учун гўзаллик тўғрисидаги умумий тушунчани таркибий қисмларга ажратиш зарур. Гўзаллик тўғрисида буюмнинг ташки шаклига караб фикр юритилганлиги сабабли аввало ташки шаклга караб белгилари мавжуд эканлигини билиб олиш лозим. Факат шундан кейингина конкрет нарса қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги, у чиройли деб аталишга ҳакли бўлиш учун қандай конунлар асосида яратилиши кераклиги ҳакида гап юритса бўлади. Ана шунда бизнинг берган баҳомиз далил-исботли бўлади.

Инсон идрокининг асосий конуниятлари билиб олингандан кейин кўп нарсалар тушунарлироқ бўлиб қолади. Биз инсоннинг қандай қилиб буюмга ёндошганлигини, ундан қандай фойдаланишини, унга баҳо беришини, фарқ қилишини, киёслашини билиб оламиз. Факат идрок қилиш механизмини ўрганиб чиккандан кейингина биз бу предметнинг нима учун гўзал бўлиб туюлаётганлигини, уни қандай қилиб чиройли, бутун предметлар мухитини эса уйғун қилишини тушуниш, қалитини кўлга киришган бўламиз.

Бизни куршаб турган предметлар оламининг бадий эстетик моҳиятини билиб олишдан иборат мураккаб илмни ўзлаштириш айнан мактаб партасидан бошланади. Шунинг учун ҳам мактабни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида ёш авлодга бадий таълим беришни ва уни эстетик руҳда тарбиялашни яхшилаш масалаларига катта эътибор берилганлиги бежиз эмас. Гўзаллик туйғусини, юксак эстетик дидни ривожлантириш керак — бусиз чинакам ижод, бунёдкорлик иши, «гўзаллик конунлари асосидаги ҳаётининг бўлиши мумкин эмас.

Олий ўкув ѝртлари бакалавриат йўналиши амалий санъат, тасвирий санъат ва мухандислик графикаси ихтисослиги бўйича дастур ва ўкув кўлланмалар бадий лойихалаш хусусиятлари, дизайн тарихи, бадий лойихалашнинг асосий конуниятлари билан танишишни, ҳамда айрим амалий топширик (рамзий белгилар, қадоклаш қутилари, ёдгорлик буюмлари, турли костюмлар, реклама стендлари конструкциялари, мебель, ёритиш асблоблари ишланмалари, болалар ўйин комплекси, интеръєр ва экстеръєрни бадий лойихалаш эскиз ва макетлари)лар бажариш назарда тутилган.

Ўкув кўлланманинг асосий максади:

- бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган ўкув дастурларидан жой олган мавзуларини ёритиб бериш;
- вазифаларни бажариш методикасини ишлаб чикиш,
- ўкувчиларни устоз ва шогирд анъаналарини давом эттиришга ўргатиш,
- турли вазифаларни бажаришда компьютер технологиясидан фойдаланишта қаратилган.

Кўлланмада мутафаккир-олимлар, ҳалқ усталари, рассом- педагогларларнинг фикрларидан фойдаланилган. Шунингдек, машхур ҳалқ усталари ҳамда ўкувчи талабаларнинг ижодий ишларидан намуналар келтирилган. Маълумки, ёшларни бадиий жиҳатдан баркамол, Ватангва ва миллий санъатга садоқат руҳида тарбиялаб вояга етказишда амалий санъатнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида санъат факультетларида ўқитиляётган маҳсус фанларнинг чуқур ва асосли бўлишини тақозо этади, олим ва рассомлар, ҳалқ усталари зиммасига юксак вазифаларни белгилайди.

«Дизайн асослари» предмети «Санъат» факультетларида олиб борилабётган эстетик циклдаги ўқитиладиган барча маҳсус фанларнинг бири бўлиб, улар ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлайди. Талаба чуқур билим ва малакаларга эга бўлиш учун Дизайн ва унинг турлари борасида етарли маълумотларга эга бўлмоғи лозим. У шунингдек, композиция асослари, каламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат, амалий санъат, наккошлиқ, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, бадиий безак санъати каби бошка мутахассислик фанларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юқори даражада ўзлаштира олиши керак.

Мазкур ўкув қўлланма кўп йиллик тажриба синов машгулотларида амалга оширилган тажриба ва хулосалар асосида яратилган бўлиб, унда «Дизайн асослари» фанининг мақсад ва вазифалари, тасвириш методлари тарихидан киска лавҳалар, дизайнда мавжуд асосий қонун-коидалар, амалий санъат турлари ва унда ишлатиладиган ашёлар тавсифи ўрин олган. Ушбу ўкув қўлланмадан «Дизайн» ва «Амалий санъат» бўйича шуғулланувчи барча мутахассислар, бакалаврият таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари мумкин.

I-БОБ ДИЗАЙН САНЬЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки, инсон томонидан яратилган барча буюмлар бадиий ижод маҳсулидир. Тараккиёт жараёнида илк меҳнат куроллари, уй-рўзгор буюмларини мукаммаллаштириш билан бирга инсонда илк бор шакллар, уларнинг гўзаллиги ҳакида фикрлаш хусусияти хам ривожлана борди. Кейинчалик илмий техника тараккиёти билан боғлиқ ҳолда янги материаллар, янги шакллар, қашф этилди. Бадиий лойихалаш соҳаси ривожланишининг юкори чўқисига кўтарилиди. Рассом-дизайнерлар иш услубининг такомиллашиши билан бир қаторда уларга қўйилган вазифалар тобора мураккаблашиб бормоқда. Бу замон талаби. Ижодкор эса ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиши зарур.

Амалий санъатнинг илк қадамлари бадиий ижодкорлик, техника маданияти ва асосан тасвирий санъатта боғлиқ ҳолда бошланди. Амалий санъатнинг конунийлатларидан бири унинг бошка санъат турлари билан бирга ривожланиш, такомиллашишдир. Яратилган ҳар бир асарнинг (буюмнинг) шакли, безаги, фактураси, ранги турли ҳалкларнинг иклими, яшаш тарзи, урфодатлари ва маданиятига чамбарчас боғлиқдир.

XVII-XIX аср Европа ва Осиё давлатларидағи миллий амалий санъат мактаблари бошка давлатлар санъати таъсиридан четда колмаган. Аксинча улар бири иккинчисига бевосита боғлиқ тарзда ривожланган. Шундай килиб, маълум бир ҳалқка хос миллий маданият элементларини иккинчи бир ҳалкнинг идиш-товорлари, кийим-кечаклари ва бошка буюмларининг яратилиш услубида учратиш мумкин.

Маълумки, турли хил буюмлар, жихозлар амалий санъатнинг бутун тарихи давомида ҳалқ усталари томонидан мохирлик, катта дид – савия билан яратилиб келинди. Фақат ўтган асрнинг бошларида техника тараққий этиб, усталар меҳнати маълум маънода, ўз-ўзидан четга сурилди. Иккинчидан рассом билан бажарувчи ва ҳаридор ўргасидаги алоқа ўзгарди. Бундан ташкири буюмларнинг бадиий лойихаси сустлашди. Хуллас, техника ишлаб чиқариш технологиясининг мураккаблашуви охир оқибатда рассом-дизайнернинг иш услубини кайта ишлаб чиқишига ва ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини ўзгаришишга олиб келди. Рассом-дизайнер куйидаги жамоага аъзо бўлди: инженер-лорийҳачи, технолог. Бу мутахассислар жамоасида у архитектор вазифасини бажарувчи бўлди, яъни буюмни идрок этиб, унинг лойиҳасини чизибгина қолмай, балки унинг яратилишига, ишлаб чиқари-

лишига ҳам бош бўлди. Лекин амалий санъат айрим соҳаларининг сакланиб колиши бекиз эмас эди. Зеро, бунда буюм яратилишининг барча муаммолари ҳал қилинади. Бунга идиш-товоқлар, кийим-кечаклар, турли тақинчоклар ва бошқалар мисол бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, декоратив амалий санъат ривожи ва такомилида тарихий жанрларнинг ўёки бу кўринишда сакланиши табиий хол.

«Дизайн» инглизча атама бўлиб, чизма, тасвир, лойиха маъносини билдиради. Бунга кадар нарсаларни лойихалаштириш «бадиий конструкциялаш», нарсаларни яратиш назарияси эса «техник эстетика» деб аталиб келинарди. Шу тарика «Дизайн» сўзи ясаш, ихтиро тушунчаларини вужудга келтиради; «дизайнер» - рассом, конструктор, «Дизайн-форма» - буюмнинг ташки кўриниши, шакли маъноларни англатади.

Хозирга қалар дизайн ва унинг мақсади, имкониятлари ҳакида турли баҳслар юритилган. Чунончи итальян дизайнери Д.Понти дизайннинг максади гўзал шакллар, нарсалар дунёсини яратишдан иборат деб ҳисоблайди. Дизайннинг бошқа бир назариётчиси Т.Мальдонадо ўзгача фикрни кўллаб кувватлайди. Унинг таъкидлашича, истеъмол предмети бадиий асар вазифасини бажара олмайди.

Хозирда дизайн бозор эҳтиёжлари ва талабларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, немис архитектори ва дизайнери Вальтер Гропиус таъкидлаганидек, «ҳар бир давр муқаррар равиша янги шакллар ва қадриятлар яратади, шу билан бирга уларни бузади ҳам ...»

Тарихий ўзгаришлар, тараққиёт жараённида ўз-ўзидан буюмларнинг киёфаси ва уларнинг тузилиши ҳам ўзгариб борди. Ҳолбуки, ана шу буюм ва ашёларни тайёрловчилар, ҳунармандлар хамиша анъаналарга бўйсинар эдилар. Бинобарин, маҳорат ва миллий анъана авлоддан-авлодга ўтиб, такомил топиб келади. Демак, буюмлар ва ашёларни тайёрлаш усули билан бирга, уларнинг миллий шакллари ҳам мерос бўлиб ўтади.

Ибтидоий жамоа даври санъати тарихи, одамзод тафаккури, хис-туйгуларининг пайдо бўлиши, ривожланиш ва такомилдан бошлаб, ер юзида биринчи давлатнинг юзага келишигача бўлган давр санъатини ўз ичига олади, ўрганинди ва тахлил этади.

Ибтидоий жамоа давридан бизгача кўплаб ашёвий далиллар: меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжом ва турли ҳил безак буюмлари, одамлар яшаган манзил маконларнинг қолдиклари ва бошқалар етиб келган. Булар, ўз-ўзидан ибтидоий жамоа кишисининг ғоявий эстетик ва диний - эътиқодий қарашларини билишга, ибтидоий жамоа кишиларининг маданияти, уларнинг дунё-қарашлари, тафаккур тушунчалари ҳакида тасаввур ҳосил килишга ёрдам беради. Тупрок остида қолиб кетган моддий ва маданий ёдгорликлар, одам ва хайвонлар жасадларининг қолдиклари, гор ва ертўла деворларига чизилган сурат ва бўртма тасвиirlар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг мухим манбалари ҳисобланади.

Замонлар ўтиб маданият ўзининг тадрижий тараққиётига юз тутди. Санъатнинг юзага келиши инсоннинг объектив вокелик тўғрисидаги билимларининг чукурлашишига, ўз авлоди тажрибаларидан баҳраманд бўлишига

олиб келди. Бу уни турли күчларга карши изчил курашишга даъват этди, унинг аклий камолоти, эстетик қарашлари ривожини жадаллаштириди.

Юкори полеолит даврида одамлар яшаган манзилларда тош, сүяк, шох ва лойдан ясалган ҳар ҳил хайкалчалар ҳам учрайди. Топилдиклар шундан далолат берадики, хайкалтарошлиқда хайвонлар тасвирини ясаш ва ёхуд турили ашёларга жониворлар суратини солиш кенг ўрин эгаллайди. Одам тасвири, айникса, аёллар хайкали полеолит даврида кўп учрайди. Шунингдек, бу даврда декоротив амалий санъат намуналари ҳам кенг тарқала бошлаган. Айни пайтда буюмларни накш билан безашга, турли тақинчокларга, туморларга эҳтиёж бўлган ва бу талаб тез суръатлар билан ортиб борган. Бу хол археологлар топган ва топаётган ашёвий буюмларда намоён бўлмоқда.

Маълумки, мезолит (ўрта тош аср) даврида меҳнат ва ов куролларининг ихчам, кулай бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Одамлар замонлар ўтиши билан ёғоч, камишдан фойдаланиб, ўзларига керакли буюмлар яратишига кўпроқ эътибор берила бошлагандар. Санъатимиз тарихини кузатар эканмиз, худди шу асрда жанг воеалари, овчиликни акс эттирувчи мураккаб композициялар яратилган-лигига гувоҳ бўламиз.

Неолит ёки янги тош асрода ишлаб чиқариш жараёни кучая борди. Шу билан бирга, кишиларнинг маънавий олами, дунёкараши ҳам кучая борди. Тошни кайта ишлаш, уни пардоzlаш, шу асосда жуда нозик буюмлар яратишига кўпроқ эътибор берилади. Кулолчиликнинг пайдо бўлиши ҳам янги тош асрига тўгри келди ва тез суръат билан ривожланди. Бу даврнинг кўзга яққол ташланадиган хусусиятларидан бири-сопол ва бошка буюмларни накш билан безашнинг кенг тус олганлигидир. Лой, ёғоч, шох ва суяклардан ҳамда кисман тошдан хайкаллар ишланди, бежирим санъат асарлари яратилди.

Эрамиздан аввалги З минг йиллик ўрталарига келиб, одамлар мисни қалай, кўргошин, рух ва сурма билан эритиб, бронза тайёрлашни ўргандилар. Натижада бронза турли хил куроллар, ярок-аслаҳа, зебу-зийнат ясаш учун асосий ҳом ашё бўлиб қолди. Айни шу пайтдан ер юзида Бронза асрни бошланди. Санъат тарихидан маълумки, бу асрда амалий-безак санъати янада ривожланди. Эндиликда сопол буюмлардан ташқари хаётда мис, олтин ва бронзадан ишланган буюмлар ибтидой жамоа кишиси хаётида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Турли тақинчокларни ўйма чизикли накшлар билан безаш одат тусига кирди. Айрим минтақаларда кулолчилик дастгоҳларининг вужудга келиши сопол буюмлар шаклининг текис ва кўримли бўлишини таъминлади. Хайкалтарошлар лойдан ташқари, металл, ёғочдан ҳам кенг фойдалана бошладилар.

Кавказда металл қўйиш ва қайта ишлаш ниҳоятда ривожланди. Кўргон ости қабрларидан топилгандар кумуш, олтин ва бронзадан ишланган безак буюмлари, уй-анжомлари, курол-аслаҳалар ўзининг тузилиши ва бадий безатилиши билан характерлидир. Идишлар юзаси бўртма тасвиirlар билан безатилган. Бу тасвиirlарда ов манзараси, кўп фигурали композициялар учрайди.

Ўрта Осиёда бронза асрининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 3 минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Бу ерларда металлдан буюм ишлаш кенг тарқалди. Жумладан, Фарғонадан топилган билакузукларда кўй ва шер тасвирлари ўта нозиклиги, бежиримлиги билан диккатга сазовордир. Бронза асирида Ўрта Осиёда кулолчилик янада ривожланди. Кулолчилик дастгоҳларининг юзага келиши эса, ярагилган буюмларнинг янада нафис ва гўзал бўлишини таъминлади. Шу жиҳатдан Чустда топилган кизил фонга кора бўёклар билан расм ва нақшлар ишланган сопол буюмлар алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, эрамиздан аввалги I мингинчى йилларда Ўрта Осиёда дастлабки ибтидоий давлатлар шакллана борди. Худди шу асрда Зардуштийлик (эр.ав. VII аср) дини ёйилди. Унинг дастури Авесто эса шу дин қарашларини, унинг ақидаларини тарғиб этади. Қадимги Ўрта Осиё санъати ва маданиятини ўрганишда бизгача сакланиб қолган қальба, сарой, турар жой ва қабрлар билан бирга зардустийлик дини билан боғлиқ бўлган турли оссуарийлар (астадонлар) деб аталувчи одамлар суюгини сақлаш учун мўлжалланган соподдан ясалган идишлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, инсон ижодий тафаккури билан яратилган барча буюмлар бадиий ижоднинг маҳсулидир. Тарихий тараққиёт мобайнида буюмларнинг киёфаси ва тузилиши ҳам ўзгариб борган. Ҳолбуки, ана шу буюмларни тайёрловчилар, ҳунармандлар ҳамиша анъаналарга бўйсунар эдилар. Маҳорат авлоддан авлодга, отадан ўғилга, ўғилдан неварага ўтиб келарди. Буюмларни тайёрлаш усули билан бирга уларнинг ўзига хос шакллари ҳам мерос бўлиб ўтарди.

Шунга карамасдан айни бир ҳил буюмлар вакт ўтиши билан бутунлай янгича кўринишга, янгича тузилишга эга бўлиб боради. Ўз-ўзидан англашлидикни, бизгача сакланиб қолган турли хил жиҳозлар, буюмлар ўзининг қадимий тарихига эга эди. Миср ёдгорликлари бунинг яккол далилидир.

Бинобарин, узок тарихга эга бўлган цивилизация даври буюмлари турли хил жиҳозлаш тарихида алоҳида ўрин тутади. Биз буюмлар олами ҳақидаги кисқача маълумотимизни айнан шу таридан бошлаймиз. Бинобарин, бизгача сакланиб қолган хилма-хил асори атикалар қадимги Миср цивилизациясидан яхши тасаввур беради. Қадимда кишиларнинг кўмилган жасадлари билан бирга, уларга тегишли буюмларни ҳам кўмганиларки, бу ҳол бизга узок авлодларнинг турмуш тарзидан, улар санъатидан атрофлича маълумот беради. Марҳум билан кўмилган мазкур буюмлар гўё вафот этган кишиларнинг нариги дунёдаги ҳаёти учун мўлжалланган эди. Мисрнинг қумли тупроғи ва куруқ иклими бу каби турли – туман буюмларнинг, жиҳозларнинг яхши сакланиб қолишига имкон берган.

Ўзининг ҳайкаллари, қум босган ғордаги касрлари, шунингдек, папирус қоғозига чизилган ёзувлари билан машхур бўлган бу қадимги сирли цивилизация узок вақтгача афсонавий мўжиза бўлиб келган эди.

Қадимги Миср ҳунармандчилиги намуналари микдори бошка олимларнинг топган буюмлари ҳисобига секин-аста ортиб борди ва асрлар оша авлодларнинг маънавий мулкига айлануб колди. Шубҳасиз, бу асори-атика-

лар бизда ниҳоятда катта қизиқиши уйғотади. Шу тариқа айтиш лозимки, кадимги Мисрда биз учун анъанавий бўлиб қолган одатдаги ҳисобсиз буюм жихозлар, мебеллар, уй-рўзгор ашёлари, турли асбоблар, кийим-бошлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар кадимги Миср хонадонларининг буюмлар мұхитини ташкил этди.

Маълумки Миср маданийти жуда мураккаб ва зиддиятли. Унинг ўз тарихи, ўзига хос услуби бўлиб, бу цивилизация аспи қолдирган мерос ниҳоятда бебаҳо. Айни тараккىёт ривожланган давридан сўнг, санъат оламида бетакрор ва ноёб нарсалар кўп қолган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз киёфасига, ўз санъат хусусиятига эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, бу санъат намуналари ўша вактдаёқ кўшни мамлакатларга тез тарқалди, уларнинг маданий таомиллари ва анъаналарига кириб колди.

Эрамиздан олдинги V асрға келиб ўтмишнинг яна бир бошқа буюк цивилизация маркази – Грециянинг антик давридаги гуллаб-яшнаши бошланди.

Грециянинг сиёсий ва маданий маркази Афина эди. У ҳар жиҳатдан шиддат билан тараккий топди. Афинанинг иморатлари оддий тараашланган тошдан курилган, деворлар оҳак билан окланган. Кичик-кичик хоналарда устига чойшаб ёпилган ўрин тўшак, стул, курсилар, сандиклар бўлган. Бундан ташқари чиройли кўзачалар, деворларга осилган қуроллар, оддий мойчироқ ва манқаллар уйнинг безаги, чиройини ташкил этган.

Греция ўзининг бемисл тараккىёт даврини ўтаб бўлгандан кейин унда бадавлат хусусий уйлар пайдо бўла бошлади.

Грек маданийти эстетик завқланишининг янги-янги сахифаларини очди. Архитектура иншоотларидаги кўтариувчи ва кўтарувчи нарсаларни қарама-карши кўйиш каби мутлақо янги манбалари шулар жумласидандир. Бинонинг таянчлари (устунлар, девор қисмлари)га анча жиддий тус берилди, уларни жонли организмнинг мускуллари билан киёслаш мумкин эди. Грекларнинг архитектура иншоотини организм сифатида англаган ҳолда чукур реалистик тушуниш эстетикаси бутун санъат обидалари оламига тарқалди.

Бу жиҳатдан греклар стули, айникса, алоҳида ахамиятга сазовордир. Клисмос деб аталувчи бу стуллар бизнинг ҳозирги стулларимизни айнан эслатиб туради. Бу ўринда, биз, буюмларнинг ички структурасини, унинг композицион ўзагини топишдан иборат чинакам грекларга хос интилиш намунасига дуч келамиз. Чунончи, ўша даврдаги архитектура иншоотлари каби кундалик рўзгор буюмини ҳам греклар конструктив тафаккурнинг ўзига хос модели деб караш мумкин.

Ҳар кандай эхтиёжни қондирувчи машҳур грек керамикаси бу жиҳатдан диккатга сазовордир. Греклар кўзаси ёки идишнинг ҳар кандай кўриниши ёки хили ўз вазифасига эга. Бинобарин, ҳар бир идиш ўзининг максадга мувофик аник, мукаммал шаклига эга. Бу нарса асрлар оша кишилар эътиборини қозониб келди. Ҳамма буюмлар ички томондан одамга қиёсланарди.

Миср санъати учун характерли бўлган хайкалтарошлиқ ва меъморчилик шаклларининг яхлитлиги греклардаги аниклик ва изчиллик билан алмашди.

Греклар учун барча кўзга кўриниб турган нарсалар мухим ва зарур бўлган, чунки буюмлар олами яхлит ва узвий тарзда идрок этилган. Бу ҳол фақат безагига асосланниб қолмай, шу билан бирга, мантиқ ва конструктивликка, пластика ва буюмнинг узвийлигига бўлган умумий муносабатга асосланган эди.

Рим давлати ўз ҳаётини тахминан эрамиздан аввалги VI асрда бошлигаган Римликларнинг Марказий Европани, Шимолий Африка ва Яқин Шаркни забт этиши санъат, ҳаёт тараккиётида ўзига хос жараён эканлиги билан ажралиб туради. Лекин Римнинг маданий ҳаёттида, тараккиётида греклар, албатта, алоҳида ўрин тутади.

Вақтлар ўтиши билан Рим Афинани хар жиҳатдан ортда қолдирди, уйжой жихозлари технологияси анча содда эди. Манқаллар киздирилган кўмир билан иситилар, ёритиш мойли ёриттичларни олмай ёкишга асосланган эди. Буларнинг барчасида техник янгиликлар бор эди. Масалан, ичимликларни иситишига мўлжалланган турли курилмалар диккатга молик. Шулардан бири оутепса (анттик самовар) дир.

Хурмачага ўхшаш балаид идишда иккита очиқ жой бўлиб, биттасига кўмир, иккинчисига суюқлик солинган. Унга ён томонидан маҳсус тешик оркали киздирилган кўмир ташланиб, суюқлик чўмич ёрдамида солинар эди ва кўйиб олинарди, оутепсанинг жўмраги йўқ эди.

Ошхона идишлари пухта ўйлаб ясалган. Ҳатто оддий челак ҳам ўзининг барча деталлари (қисмлари) билан айни максадга мувофиқ ясалган. Пачокланиши ва эгилиш эҳтимоли кўпроқ бўлган юкори қисми кенгайиб, худди шу жойига тутқич ўрнатилган. Ҳозир ҳам челак ана шу тарзда ясалади.

Баъзан буюмларнинг зўр бўртма шакли ҳашамларга қизикиш, назарий Омизда бекиёс эди. Столининг мармардан ўйиб ишлаб ясалган таянчи ҳайвон оғининг шаклига эга бўлиши назарда тутилган. Асосига яқин борганда у тирнокли панжага ўхшаб кетса, юкорида эса гул япроклари орасидаги бола киёфасига эга бўлган гулга айланади.

Бир нақш турининг бошқасига, ўсимликнинг одам қиёфасига, одам қиёфасининг архитектура деталига кўчиши деворга нақш солишда ҳам қабул килинган.

Буюмларнинг белгили вазифаси ҳарбий техника буюмларига мажозий образли муносабатни ҳам вужудга келтирган. Бироқ турмушда ишлатилмайдиган машина ва механизмлар ҳали эстетик мазмунга эга бўлмаган. Кейинги аср мобайнида уйлар ва уларнинг анжомлари, мебель ва асбоблар қанчалик ўзгариб кетган бўлмасин, уларнинг кўплари ўзининг узоқ аждодлари-анттик хунармандлар томонидан ишланган буюмларнинг авлодлари бўлиб келди ва бўлиб келмоқда.

Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юкори оқими томонидан топилган «Амударё бойлиги» (Окс бойлиги) мухим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сакланяётган бу ёдгорликлар ичida олтиндан ясалган аравача ва қуроллар диккатга сазовордир. Бу буюмларда учрайдиган тасвиirlар бирмунча шартли бўлса ҳам, лекин ниҳоятда ифодали ишлан-

ганлиги билан ажралиб туради. Деталлари аниқ ва тугал ишланиши билан характерланади. «Жангчи Сак» бўртма тасвирида айни фазилатлар мужас-самлашган. Ўрта Осиё ерларида топилган кўпгина сопол буюмлар кулол-чилик дастгоҳларида ишланган ва маҳсус печларда пиширилган. Ўлар шу асарларда кулолчилик хунармандчилиги юксак бўлганлигини далолат беради. Булар ичиза геометрик накшлар солиниб безатилган идишлар айниқса диккатга сазовордир.

Марказий Козоқистон кабрларидан уч оёкка ўрнатилган бронздан ясалган козонлар топилган. Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда ишланган бу козонларининг тела кисми ҳайвонлар тасвири-кўпроқ тоб эчкиси ҳайкали билан безатилган. Бу ердан топилган тақинчоларда ёввойи кунг, кийик ва эчки тасвиirlари учрайди.

Македониялик Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский) эрамиздан аввалги IV асрларда Ахмонийлар давлатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ерларининг кўпгина кисмини тасарруфига олган. Факат Хоразм, Фарғона ва Сирдарё бўйидаги кўчманчи қабилаларгина ўз мустакиллигини саклаб колгандар.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Парфиёна давлати (Туркманистоннинг жанубий-гарбий томони ва Эроннинг шимолий-шаркий кисмлари) Ўрта шаркнинг йирик давлатларидан бири сифатида танилди. Аршакийлар сулоласи бошқарган даврда эса жаҳондаги йирик давлатлардан бирига айланди. Парфиёна санъатини ўрганишдан ҳам танга юзасига ишланган бўртма тасвиirlар кенг ўрин эгаллайди.

Янги асрнинг бошларига Ўрта Осиёнинг хар томонлама ривожланган марказлардан бири –Хоразм эди. Кўйкирилган қалья, Гаур қалья, Тупрок қалья ҳаробалари, у ерлардан топилган тасвирий ва амалий санъат намуналари шу даврларда (илк феодализм, яъни V асрга қадар) Хоразмда ижтимоий ҳаётнинг бирмунча интенсив бўлмаганлигини кўрсатади.

Кўйкирилган қальядан топилган кулолчилик буюмлари ҳам диккатга сазовордир. Сополдан ишланган сув идишлари, турли кўзалар жуда нафис ишланган. Гаур қалья саройи қолдиклари ҳам янада диккатга сазовордир.

I асрнинг бошларига келиб, Грек-Бактрия подшолигининг парчаланиши натижасида вужудга келган майда давлатлар бирлаштирилиб Кушон давлати ташкил этилди. Унга Ўрта Осиё хукмдори Кудзула Кадфиз бошчилик килди. Бу даврда Буддизм дини кенг тарқалди. Буддизм билан боғлик бўлган ибодатхоналар вужудга келди, ҳайкаллар яратилди, деворий суратлар ишланди. Кушон даври санъатини билишда Холчайнда (Сурхондарё ҳудуди) сакланниб қолган бино қолдиклари ҳамда тасвирий ва амалий санъат намуналари мухим ўрин эгаллайди.

Айритомдан (Термиз яқинида) топилган тошдан ишланган рельефлар ва сўнги Кушон давлати меморчилик ҳаробалари бу ерда Буддизм кенг ёйла бошлаганлигини кўрсатади.

Далварзинтепа ва Қора тепадаги (Сурхондарё вилояти) Буддизм ибодатхоналаридан топилган ганч ҳайкаллар ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Бу ҳайкаллар натуран катталикда ишланган.

Амалий санъат намуналари ҳам дикқатга сазовордир. Янги аср бошлариди кулолчилик, заргарлик ва металлардан буюмлар ясаш (кумуш, олтин ва бронза) санъати ўзининг нағислиги билан дикқатни тортади. Айникса, металл буюмлар ясаш ва уларнинг юзасини бўртма тасвирлар билан безаш санъатида Ўрта Осиёлик усталар катта ютуқларни кўлга киритгандар.

Кўпгина археолог ва санъатшуносларнинг меҳнати туфайли Ўрта Осиё халқлари санъатининг ўтмиши бой ва серкирра эканлиги исботлаб берилди. Ўрганиш эса хали тугагани йўқ. Сўзсиз, Ўрта Осиё санъати қадимий даврга оид янги-янги маълумотлар билан янада бойитиб борилади.

ТАРИХ ВА БУЮМЛАР ОЛАМИ

Замонлар ўтиши билан буюмларнинг киёфаси ва тузилиши ўзгариб борди, ҳолбуки ана шу буюмларни тайёрловчилар, хунармандлар ҳамиша анъаналарга бўйсунар эдилар. Маҳорат авлоддан-авлодга, отадан ўғилга, ўғилдан неварага ўтиб келарди. Буюмларни тайёрлаш усули билан бирга уларнинг шакллари ҳам мерос бўлиб ўтарди: улар қадим замонларда конунийлаштирилган эди.

Одамлар яшайдиган уйлар хом ғиштдан қурилган бўлиб, баъзан майдада новдалар ва камиш билан кориширилган лойдан, мустаҳкам бўлмаган материаллардан қурилган бўлгани сабабли узоқ вактгача сақланиб колмаган. Ўша замондаги уйни ички кўрининшини деворларга чизилган расмлар ёки папирос қофозига туширилган тасвирлар орқалигина тасаввур килиш мумкин.

Мисрлик амалдорларнинг уйларини куйидагича тасаввур килиш мумкин: бўйра тўшалган пол, баланд улкан хоналар. Унинг полидан шипигача бўлган деворларини ёркин гиламли нақшлар билан коплаб олинган. Айни шипига якинроқ жойда озгинча ёруғлик тушиб турибди. Икки тавакали эшиклар ёки пардалар тутилган очик жойлар бошка хоналарга олиб киради.

Одамлар яшаган хоналарда биз ўзимизга таниш бўлган кўпгина буюмларни, ухлаш учун каравот, уччалик катта бўлмаган столлар, бир неча хилдаги табуреткалар, стуллар, креслолар, сандикларни кўрамиз. Шуниси ҳам борки, мебелларимизнинг бу аждодлари зодагонларнинг ўйида ҳам ўртacha таъминланган кишиларнинг ўйида ҳам мавжуд эди, фақат айримларники арzonроқ, бошқалариники ниҳоятда кимматбаҳо эди.

Шунга карамасдан, айни бир хил буюмлар вакт ўтиши билан бутунлай бошқача кўринишга, бошқача тузилишга эга бўлиб бораради. Шу сабабли ҳам бизни куршаб олган буюмларнинг кўпчилиги ўзининг қадимий тарихига эга эди.

Биз ўзимиз учун одатдаги буюмлар бўлган бир қатор рўзгор буюмларини (уй-рўзгор ашёлари, хозирги вактдаги кундалик буюмларнинг ўтмишдошлиарини) Қадимги Миср ёдгорликлари бўйича биламиз.

Биздан фойт узоқ даврлардаги бу ажойиб цивилизация буюмлар тарихида алоҳида ўрин тутади. Биз ўзимизнинг узоқ ўтмишдаги буюмлар олами ҳакидаги қисқача маълумотимизни айнан ана шу тарихдан бошлаймиз.

Хозирги вактдаги хилма-хил буюмлар қадимги Миср цивилизациясидан яхши тасаввур бериб турибди. Қадимги кишиларнинг кўмилган жасад-

лари билан бирга буюмлар қолдириш одати ҳам биз, узок авлодларга ёрдам берди. Мазкур буюмлар гүёки вафот этган кишиларнинг нариги дунёдаги хаёти учун мўлжалланган эди. Мисрнинг кумли тупроги ва курук иклими буюмларнинг яхши сакланиб қолишига имкон берған.

Ўзининг хайкаллари, кум босган гордаги касрлари, шунингдек папирус қоғозига чизилган ёзувлари билан машхур бўлган бу қадимги сирли цивилизация узок вактгача ярим афсона бўлиб келган эди. Бироқ 1922 йилда инглиз археологи Говард Картер қандайдир мўъжиза туфайли таланмай колган кабрга тирқиши орқали караб ёш фиръавн Тутанхамонга мансуб бўлган ҳакикий рўзгор буюмларни кўргач, одатдаги барча тасаввурлар ағдар-тўнттар бўлиб кетди.

Қабрда ҳайвон бошлари ўрнатилган ғалати каравот, пойабзал ва кийимлар, елпигич ва катта елпигичлар, асо ва таёччалар, тахт ўтиргичлари ва табуреткалар, дон солинадиган қути ва сандиклар, ёриткич шағамлар ва икки гилдиракли аравалар - бир неча юз фоят хилма-хил буюмлар топилган. Улардан айримлари давр синовига бардош беролмай колган, баъзилари шикастланган, улкан икки гилдиракли аравалар ер остиган тушиб кетиши учун арралаб киркиб кўйилган эди.

Қадимги Миср хунармандчилиги намуналари микдори бошқа олимларнинг топган буюмлари ҳисобига секин-аста ортиб борди ва ҳозирги замон маданиятининг мулки бўлиб колди. Бу барча тарқоқ, баъзан эса парчаланиб кетган буюмлар бизда ниҳоятда катта қизикиш уйғотади, чунки худди Қадимги Мисрда биз учун анъанавий бўлиб қолган одатдаги кўпгина буюмлар - мебель, уй-рўзгор ашёлари, асбоблар, кийим-бошлар вужудга келган эди. Улар қадимги Миср хонадонининг буюмлари мухитини ташкил этади.

Уй-рўзгорда ишлатиладиган буюмлар ташки қўриниши жихатидан ҳозирги буюмларга ўхшаб кетса ҳам, уларнинг вазифаси ва фойдаланиш усули бошкacha эди. Масалан кроват бизда бош томон деб аталадиган (яни тик девори) томонидан эмас, балки оёқ томонидан кўйилган бўлиб, ёстик кўйиш учун хизмат қиласди Мисрликларда ёстик умуман бўлмаган, бўйин тагига маҳсус эгарсизон таянч кўйилган. Каравотнинг ўзи эса бош томони бироз кўтарилиган ҳолда бўлган. Буларнинг ҳаммаси одам уйғонгандан кейин ўрнидан турмасдан куёшнинг чиқишини кўриши учун мўлжалланган. Ўриндиклар ўша вактда эндингина урф бўлаётган эди: энг қадимги тасвиirlарда факат илоҳлар, фиръавн ва унинг хотини ўтиришган. Колган барча кишилар: меҳмонлар ва машшоқлар-бевосита полнинг ўзида ўтиришар, унга гилам ва бўйралар тўшалган бўларди. Афтидан, ўтириш ҳуқуки нуфуз белгиси бўлган; одамлар қабул қилинадиган залларида девор ёнларида бироз тепароқ жой бўлиб, унга энг таникли зотлар учун ўриндиклар кўйилган. Хунармандлар ҳам курсида (ёки, айниқса стулда) ўтирган ҳолда камдан-кам холларда тасвиirlangan, чунки улар ишлаш осон бўлиши учун тўнгак ёки тош устида ўтиришган, кўп ҳолларда эса тик туришган ёки полда ўтиришган. Ҳатто имтиёзли табакаларнинг намоёндалари бўлган мирзалар папирус қоғозларини тик туриб ёки оёкларини ерда чалиштириб ўтириб тўлдиришган.

Хунармандлар учун курсилар жуда содда қилиб ишланган: ясси тахта устига учта эгик оёқчалар күйилган, улар чамаси табиний эгри шох-шаббалар бўлган. Кейинроқ бориб курсилар такомиллашиб, уларнинг махсус киркилган оёклари ва ёғочдан эгарсимон қилиб кирқилган ўринидик, чарм ёки ўрилган қамишдан ўринидик бўлган. Эрамиздан 2000 йил олдинроқ таркиб топган йиғ-ма курси Х-симон таянчга ўрнатилган бўлиб, дастлаб оддий ва фойдала-нишга қулай бўлган, лекин кейинроқ бориб саройлар ихтиёрида дабдабали безатилган намуналари ҳам учраб турган. Сакланиб колган ов тасвиридан бирида ана шундай курсида ўтирган янги салтанатнинг Фиръавни Тутанхамон ёввойи ўрдакларни отаётгани тасвиранган.

Агар қадимги мисрликларнинг стуллари ва креслоларига диққат билан назар ташлаб, фикран уларни безаб турган нақш ҳамда бронза япроғи ва зарҳалдан қилинган қўшимчаларни олиб ташланса, улар худди биз фойдаланаётган одатдаги стуллар ва креслоларга ўхшайди. Ўша тўрт оёғи, гавданинг бироз орқага эгилиши учун сунячиги озрок киярок қилиб ишланган. Курсилар ва стулларнинг ўриникларига тўшак ва бўйра, сунячигига эса юмшокроқ бирор нарса-тери ёки газлама ташлаб кўйилган.

Буюмларнинг ташки шаклларидағи ўзига хос хусусиятларни айтиб ўтмасдан бўлмайди. Бу ўринда архитектурада бўлганидек, бу хусусиятларга манзараларнинг ажойиб тарздаги юмшоқлиги хайкалнинг конструкциясига ва конструкциянинг хайкалга сезилар-сезилмас ўтиши хосдир. Бурчаклари иложи борича текислаб юборилган, тўғри чизиклар букилган ва кийшатирилган. Ҳатто хўжалик столи каби оддий буюмда оёклар секин-аста столешницага (копкоққа) ўтади, уларнинг кесишган жойлари мантиқка зид ўларок думалоқлашган. Соф тасвирий хайкал бевосита ғоят кутилмаган варианлардаги предметлар формасига киради: худо Беснинг боши бир холда бош учун таглик бўлган; кора танли асиirlарнинг гавдалари – таёкнинг шохлари; аёлнинг боши – креслонинг детали бўлган ва ҳоказо. Тиник ранги алебастрандаги ўйиб ишланган стиллаштирилган поялардаги нибуфар гулининг барглари, ҳайкалчалар, майдон Тутанхамон қабридаги шагам ана шундай кўринишига эгадир. Бирорта ҳам мусика асбоби бўлмаганки, уларни тузилишида ғоят турли шаклдаги хайкаллар – Арфадаги одам гавдаси, систрдаги илоҳа Ҳаторнинг боши, лирадаги отнинг калласи акс эттирилмаган бўлсин. Ташки жихатдан сезиларли бўлган буюмга пластик нисбат конструктив нисбатта нисбатан кучлирок бўлган. Гап шундаки, мисрлик хунармандлар (архитекторлар сингари) муайян коидаларга амал қилганлар. Шунинг учун ҳам барча такомиллашувлар ва ҳар кандай ўзгаришлар вақт жихатидан бекиёс даражада чўзиб юборилган. Бунга стуллар ва креслолар ўриникларининг конструкцияси мисол бўла олади. Мисрлик мебелсозлар кабул қилинган схемага амал қилиб, ўтиргичнинг рамасини ясси қилиб, айни бир конструктив нуқсонни асрлардан асрга такрорлаб келгандар. Шунинг учун ҳам ўриникнинг ва оёкларнинг кисмлари ҳамиша мустаҳкам бўлмаган ва қўшимча равишида камарлар ёки металл бурчакликлар билан махкамланган.

Лекин шу билан бирга қадимги устайларнинг кўпгина конструктив топилмаларидан хайратда колмаслик мумкин эмас. Масалан, йиғма мебель

Х-симон таянчдаги стулларни ва жуда ихчам хамда оқилона конструкция килинган каравотни олайлик. Чоклар билан бирлаштирилган олтмиш сантиметрли кесмалар ихчам ҳажмга йигилади. Кутичаларнинг қулфи нақадар усталик билан ишланган! Уларнинг копкоғи кўп холларда штир (темир ўқ) билан фиксацияланган, бошқа томонидан эса маҳсус изга тушириладиган шнур билан боғлаб кўйилган. Шундай килиб, штирни синдиримай ва мухрни бузмай ичкарига мутлако кириб бўлмасди.

Пардоз кутичалари айникса қизиқиши уйғотарди. Улар параллелопипед ёки ярим цилиндр шаклига эга бўлиб, ўзининг ажойиб ва мураккаб, айни бир вақтда пухта ишланган ички тузилиши билан диккатга сазовор эди. Агар бу кутичанинг қопқогини озрок очиб кўрсан, ундаги ички бўшлиқнинг маҳсус кисмларга усталик билан бўлиб чикилганлигини кўрамиз: унчалик чукур бўлмаган юқори кисмиди кўзгу жойлашган бўлиб, унинг ихчам тутқичлари ёнида асблоблар кўйиладиган бўлимлар бор эди. Пастки кисмиди сурилувчи кути бўлиб, унга майдори, пардоз идишчалари таҳлаб кўйилган эди. Бутун ички ҳажм зўр билимдонлик билан бўлиб чикилган, бундай кутичадан фойдаланиш хам шак-шубхасиз қулаги эди.

Бироқ кўпдан-кўп бошқа буюмлар сингари бу буюмнинг максадга мувоғиклиги хам ўз-ўзича кадрли ва соғф истеъмол характерида бўлиб, эстетикага бевосита алокадор эди.

Эрамиздан олдинги V асрга келиб ўтмншнинг яна бир бошка буюк цивилизацияси-антик давр Грециясининг гуллаб-яшнаши бошланади.

Греция кудратли бўлган даврларда унинг сиёсий ва маданий маркази Афина бўлган эди. Ўша даврларда йирик шахар Афинанинг иморатлари анча тартибсиз курилган эди. Оқ суяқ афиналикнинг уй-жойи оддийгина: тарашланган тошдан килинган деворлар оҳак билан окланарди. Кичик-кичик хоналарда устига чойшаб ёпилган ўрин-тӯшак, стул, курсилар, сандисклар бўлар эди. Бир нечта чиройли кўзачалар бўлар, деворларга курол осиб кўйилар, оддий мойчироқ ва манкал-уйнинг безаги бор-йўғи мана шундан иборат эди. Лекин булар греклар уй-жойларининг киёфасига бефарқ, деган маънони асло билдирамасди. Қалимги грек ёзувчиси ва тарихчиси Ксенофонтнинг қаҳрамонларидан бири мана нималар дейди: “Кундалик ишлатиладиган энг оддий мебель, уй-рўзгорда ишлатиладиган энг оддий буюмлар тўғри жой-жойига кўйилса, нихоятда чиройли кўринади, ҳатто ошхонадаги туваклар акл билан жойлаштирилган бўлса, ёқимли кўринишга эга бўлади”.

Греция ўз гуллаб-яшнаган даврини ўтиб бўлгандан кейингина унда бадавлат хусусий уйлар пайдо бўла бошлади. Лекин жамоат биноларини куришга келганда хеч қандай чикимлар билан хисоблашишмади. Афинанинг марказидаги тепаликда машхур Парфенон қад кўтарди, унинг устида Афина шахрининг ҳомийиси Палладанинг улкан ҳайкали бунёд этилди. Бу тўқиз метрли ҳайкал қимматбаҳо тошлар, фил суяги, олтгин билан безатилган. Ҳатто бор-йўғи юз-икки юзта ҳонадондан иборат кичик шахарчада хам ўз театри, стадиони, каср ва йигилишлар ҳамда савдо қилинадиган жой-агора бор эди. Антик грекларнинг хаётни оммавий характерда эди, шу сабабли хусусий нарсалар ижтимоий нарсалардан кейин туради.

Асосан мисрликларда ўзлаштириб олинган буюмлар фактат энг олдинги намуналардагина ўз “аждодлари” га ўхшашикни саклаб қолган эди: архиак услубдаги рельефли креслолар байзан Миср хукмдорларининг тахтларини эслатиб туради. Факат буюмларнинг ўзи ўзгариб қолмай, уларнинг вазифаси, роли, уларга бўлган муносабат ҳам ўзгаради.

Грек маданияти эстетик завқланишининг архитектура иншоотидаги кўтариувчи ва кўтарувчи нарсаларни қарама-карши кўйиш каби мутлақо янги манбаларни очиб берди.

Грекларнинг архитектура иншоотини организм сифатида англанган ҳолда чукур реалистик тушуниш эстетикаси бутун буюмлар оламига таркалади.

Бу жиҳатдан греклар стули айниқса алоҳида диккатга сазовордир; клисмос деб аталадиган бу стуллар бизнинг хозирги стулларимизни айнан эслатиб туради. Бу ўринда биз буюмларнинг ички структурасини, унинг композицион ўзагини топишдан иборат чинакам грекларга хос интилиш намунасига дуч келамиз. Орқа сунячикка айланиб кетадиган олдинги таянчлар ҳам, кетинги таянчлар ҳам охирига томон торайиб кетарди. Уларнинг абриси (чизмаси) ўринидан узоклашган сари тобора киярок бўлиб бораради. Ўриндик маҳкамланган жойдаги, яъни материалнинг кичик таранглигини хаммадан кўра кўпроқ бўлган жойдаги таянчлар анча йўғонлашиб кетарди. Ана шу жойда ўриндик билан оёқ катта мих (нагель) билан маҳкамланади. Шуниси характерлики, клисмоснинг энг умумлашган тасвирларида мих каллаги хамиша аник кўзга ташланиб туради. Клисмос одатдан ташқари чиройли бўлиб, унинг барча тузилиши ва деталлари фактат муайян конструктив маънога эга бўлиб колмасдан, ана шу маънони таъкидлаб турар, унга эстетик тус берарди. Чунончи, ўша даврдаги архитектура иншоотлари каби кундалик рўзгор буюмини ҳам греклар конструктив тафаккурининг ўзига хос модели деб караш мумкин.

Максадга мувофиқлик эстетикасини бошқа шаклларда ҳам кузатиш кийин эмас. Ҳар кандай эҳтиёжни кондирувчи машхур грек керамикаси (ундан ошхона идишлари ва озик-овқатларни саклайдиган идишлар, ёритичлар ва бошка кўп нарсалар килинарди) бу жиҳатдан жуда диккатга сазовордир. Греклар кўзаси ёки идишининг кандай кўриниши ёки хили (уларнинг ўз номига эга бўлганлари ўнларча саналарди) ўз вазифасига эга эди ва бу вазифа фактат сувга тўлдириб, ташишга кулаг бўлиб колмасдан, уни бадий тасвир белгиларига караб бошқа идишлардан фарқлаш ҳам мумкин. Бино-барин, балиқ таомлари солинадиган чукур ликоблари ҳам, сув билан вино аралаштирадиган картерлар ҳам ўзининг максадга мувофик аник, мукаммал шаклига эгадир. Мойчироқ мисрликларда оддий чиройли идиш хисобланган бўлса, Грецияда кўзга ташланиб турадиган функционал хусусиятларга эга бўлди: ташқарига пилик чиқариладиган томондан корпуси чўзиқ бўлиб, бурун шаклини эслатарди. Мойчироқни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун тутқич хизмат қилди, мой сочилиб кетмаслиги учун ёнилғи солинган идиш копқоқ билан бекитиладиган бўлди.

Миср санъати учун характерли бўлган ҳайкалтарошлик ва формаларининг бир бутунлиги (яхлитлиги) греклардаги уларнинг аниқ ва изчил бўлининши билан алмашди. Ҳайкал сира буюмнинг бутун юзасини қопламаган, у катъий аниқ бир жойда жойлашган. Нақшнинг барча оз миқдордаги типларипальметга, меандр, киматий ва бошқалар ниҳоятда мукаммал бўлган. Рассом ўз бўёклари палитрасидан ёки музикачи торларидан аниқ нисбатларда, топилган интервалларда, маҳсус танланган жойларда қандай фойдаланган бўлса, грек устаси ҳам улардан шундай фойдаланган.

Мебель ва идишлар, пардоз ашёлари ва мусика ассобларининг ҳар бири ўз негизида амалий аҳамиятга эга бўлиб, маълум максадга хизмат килган. Ҳунар санъатдан ажралмаган: греклар еридан факат амалий аҳамиятга эга бўлган ва факат безак учун хизмат килган бирорта ҳам буюм бўлмаган деса ҳам бўлади. Донги кетган рассомлар майда пластика билан шугулланганлар, уй-рўзгор сопол буюмларини эса кўзага моҳир гул солувчиilar безаганлар. Греклар учун барча кўзга кўриниб турган нарсалар мухим ва зарур бўлган, чунки буюмлар олами яхлит ва узвий тарзда идрок этилган. Бу ҳол факат безакка асосланиб колмай, шу билан бирга мантиқ ва конструктивликка, пластика ва буюмнинг узвийлигига бўлган умумий муносабатга асосланган эди.

Рим давлати ўз ҳаётини тахминан эрамиздан олдинги VI асрда бошлаган. Римликларнинг марказий Европани, Шимолий Африкани, Якин Шаркни забт килиши ўзи билан бирга турили халклар таъсирини улар турмуши, динлари, санъати таъсирини олиб келди. Лекин Римнинг маданий ҳаётида греклар, албатта, алоҳида ўрин тутади.

Қадимги Римнинг ижтимоий турмушини ташкил этишда биз ҳозирги кунда (мухитни функционал ҳал килиш) деб атайдиган нарсалар билан биринчи бор дуч келамиз. Бунинг учун бир мунча чекланган бўшлиқ хисоблаб чикилади ва жиҳозланади. Масалан, этикдўзнинг устахонаси ана шундай жиҳозланган бўлиб, унда маҳсулотни кўрсатиш учун маҳсус шкаф-витрина, янги кийимни ўлчаш мумкин бўлсин учун куляй пештахта бор эди. Эгаси шкаф-витринанинг тавакаларини ёпиб кўйиб, уни маҳсулотлар сакланадиган жойга айлантиради. Тезрок тамадди килиб олишга мўлжалланган хўрак хона мураккаброқ курилган эди. Унинг ўзига хос схемаси бор эди: Г-симон тош пештахта айни бир вактда савдо-сотик учун ҳам, пештахталардаги катта идишларда сакланаётган таомни иситиш учун ҳам хизмат қиласарди. Энсиз томонида тоза идишлар тўплаб кўйиларди.

Буларнинг ҳаммаси унчалик мураккаб жиҳозланмагандай туюларди, лекин биз уларни меҳнат жараёнларини ташкил этишининг тарихда биринчи мисоллари деб қарашимиз ва уларга етарли баҳо бермаслигимиз мумкин эмас.

Уй-жой жиҳозлари технологияси анча содда эди-манкаллар киздирилган кўмир билан иситилар, ёритиши мойли ёриткичларни аямай ёқишига асосланганди. Лекин шунга қарамай, буларнинг ҳаммасида кўпгина техник янгиликлар бор эди.

Бир накш турининг бошқасига, ўсимликнинг одам қиёфасига, одам қиёфасининг архитектура деталига ўтиши деворга накш солишда ҳам қабул қилинган. Бу бир хил шаклларнинг бошқа шаклларга ўтиши бутун-бутун

хайкалтарошлил композицияларининг бамисоли ташқаридан очиқдан-очик келтирилиши билан уйғунлашиб кетарди.

Турмушда ишлатилмайдиган машина ва механизмлар ҳали эстетик мазмунга эга эмас эди. Рим кулдорлик давлати антик цивилизациянинг сүнгги бўгини эди. Бу ерда буюмлар оламига ва хозирги замоннинг моддий мухитни ташкил этишга асосий негиз яратилган эди. Бу айниқса манишой соҳада шахар ва айрим уй-жойлар миқёсида кўзга ташланади. Шундан кейинги асрлар мобайнида уйлар ва уларнинг анжомлари, мебель ва асбоблар канчалик ўзгариб кетган бўлмасин, уларнинг кўплари ўзининг узок аждодлари антик хунармандлар томонидан ишланган буюмларнинг авлодлари бўлиб келди ва шундай бўлиб келмокда.

Эрамизнинг V асри охирларидан бошлаб қадимги Рим инкирозига учрагандан кейин Европада Ўрта асрлар даври бошланади, у буюмлар мухитини тубдан ўзгартириб юборади. Ўрга аср шаҳарларининг тор кўчаларига тор баланд-баланд уйлар тизилиб кетган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзича биққи бир макон хисобланарди. Кўшни иморатлар ўргасида (уларда кичик темир эшик тавакалари ва химояловчи дераза тавакалари бор эди) кисиб кўйилган уй одам яшайдиган хоналарни ва хўжалик биноларини ўз ичига оларди. Асосий хона айни вактнинг ўзида овқатланиш ва овқат пишириш хоналари бўлиб ҳам хизмат киларди. Ўчок устида мис козон осиғлиқ бўлиб, нарирокда идишлар туралиган шкаф, катта тўғри тўрт бурчакли стол, кийим ва жихозлар солинган сандилклар турарди.

Антик давр хунармандлик санъати эришган мувафақкяятлар унугиб юборилган, барча мебель кисмлари ва кесмаларнинг турли бирикмаларидағи нозик томонларини билмайдиган дурадгорлар томонидан ясаларди. Ўша замонлардаги стол чорпоялар устига кўйиладиган тахта шчитдан иборат бўлар, скамейка ва курсилар энг оддий конструкциялар бўлиб, оёклари пастга томон ёйилиб кетадиган ўтиргич устига кўйиларди.

Бирок XII-XIII асрларда Италияда республика-шахарлар пайдо бўлади-ки, уларда савдо-сотиқ ва хунармандчилик тез тарақкий этапи. Бу ҳол маданиятнинг гуллаб-яшнашига кулагай шароитлар яратиб беради. Поэзия, санъат, маориф тобора уйғона бошлайди, сўнгра XV ва XVI асрларда антик даврлардан бўёнги мисли кўрилмаган ривожланишга эришади. Бу даврни одатда Уйғониш даври ёки Ренессанс деб атайдилар.

Уйғониш даврининг гуманизм (инсонпарварлиги) инсон ақл-идроқи ва дунёни билишни дунёкарушнинг асоси деб эълон қиласди, унугиб юборилган антик давр маданиятига, фалсафасига ва айниқса санъатига кучли қизикиш пайдо бўлади. Одамларнинг маънавий ва моддий турмушида кўп нарсалар; мафкуравий карашлар, эстетик эҳтиёжлар, социал-маданий шароитлар, улар билан бирга эса буюмлар олами ҳам ўзгаради.

Лекин ўша даврда биз учун энг мухим бўлгани шу эдик, тарихда биринчи марта машина ва механизмлар олами бадий музаммолар (проблемалар) доирасида муайян ўрин эгаллади. Табиийки, машиналарнинг лойихачилари бир вактнинг ўзида ҳам меҳаниклар, ҳам рассомлар эдилар. Бадий ва техник ижодиётнинг бир-бирига боғликлиги шу нарсада ифодаланадики,

рассомчилик ва хайкалтарошлиқ одатдаги ҳунарларга тенглашадилар. Рассомлар цех ташкилотларига мансуб эдилар, шу билан бирга рассомлик саньати усталари күпинча аптекачилар цехига, хайкалтарошлар эса тоштарош усталарга мансуб бўладилар.

Машиналарнинг бунёдкорлари ўз фоалиятларини табиатдаги шакллар-ўсимликлар, хайвонлар, хашоратлар устида фикрлаш билан боғлардилар. Машхур архитектор ва санъат назариётчиси Леон-Баттиста Альберти (1404-1472) машиналар одам мускуллари ва пайларининг харакатига таклид килиши лозим, дер эди. У фойда гўзалликни англаб етади, гўзаллик эса фойлани илҳомлантиради, деган фикрни доимо тарғиб қилиб келган.

Ўша даврдаги уй ҳоналарида факат энг зарур нарсалар: курсилар, скамейкалар ёки креслолар, унчалик баланд бўлмаган, баъзан деворга киритиб ишланган шкаф ва сандик бўларди. Буюмларни (мебель сингари) ҳонанинг ичидаги жойдан бу жойга олиш ёки умуман чиқариб ташлаш мумкин эди-бунда интерьернинг киёфаси ўзгармасди. Умуман мебель типлари кўп эмасди, ҳар бир предметнинг вазифаси эса ҳамиша кўриниб туарди.

Тахминан XVI асрдан бошлаб архитектура секин-аста ўзининг ёрқинлиги ва оддийлигини йўқота борди. Шунга мувофик равишда ички саранжом-саришталиктининг, анжомлар ва мебелнинг харакети ўзгаради: улар кўпинча анча мураккаброк нафис шаклларга эга бўла боради, ҳашамли ўймакорлик ишлари, мураккаб киёфалар, бой накшлар билан безатилади.

Масалан, ёғоч сандиклар ўзининг монументаллиги ва мураккаб хайкалтарошлиқ либослари билан қадимги Рим саркофагларига ўхшаб кетадиган бўлиб колди. Мебелларнинг деталлари шерларнинг панжаларига, маскаларга хос шакллар касб этиб, юзлари эса ҳар хил архитектура киёфалари, пилястрлар (тўрт киррали устунлар) ва колонналарга бўлинниб кетади.

Мебелнинг бутунлай янги типлари, жумладан, кабинет-шкаф тури пайдо бўладики, унинг сирткиси ҳар хил суриладиган яшиклардан изборат бўлиб, уларда ишга доир қоғозлар, пул, кимматбаҳо буюмлар сакланарди. Баъзан кабинетнинг олдинги девори суриладиган бўлиб, стол ўрнига ҳам ўтарди.

Юз йиллар мобайнида каттиклигича қолиб келган стулнинг юмшок тури яратилди. Илгарилари ўтиргични юмшоқ килиш учун тўшакча ёки ёстикча тўшалган бўлса, энди гўё ўтиргич билан бирга ўсиб чиккандай эди. Баъзан ўйиб ишланган нарса эмас, балки кимматбаҳо газламадан қилинган қоплама ёки йирик жез каллакли мих билан қопланган тери асосий безатувчи элемент бўлиб қолади; турли чўтка ва шокилали безаклар ҳам пайдо бўлади.

Гарчи маҳаллий анаъаналар ҳам катта аҳамиятга эга бўлсала, Альп тоғларидан шимолроқда ва жануброқда жойлашган Европа мамлакатларида мебелларнинг хиллари умуман бир-бирига ўхшаш бўлган. Лекин улардан айримларнинг хусусиятлари ҳатто бигта мамлакат ичидаги ҳам баркарор хисобланган. Масалан, Франциянинг шимолидаги Бургундияда шкафлар одатдан ташкари катталиги билан ажralиб турган, спиралсимон колонкалар, атлантларнинг фигуранлари ва бошқа ўйма ҳайкаллар билан безатилган. Айни бир вақтнинг ўзида эса Париж дурадгорлари курган шкафлар бекиёс дара-

жада тор ва баланд, уларни безовчи бўртма расмлар эса вазмин ва графикага амал килиб ишланган.

Оддий шахарлик кишининг уй-рўзгор жихозлари авлоддан-авлодга ўтиб келган, лекин зодагонлар даврасида эса тўхтовсиз мода кетидан кувилиб, дабдабабозлик ва шаклтарнинг бойлигига, буюмларни безатишга катта ётибор берилган.

XVII асрнинг бошларига келиб, хашаматли саройлар ва қасрлар қурилади, ўзининг миқёслари билан ажойиб бўлган майдон ансамбллари ичкари томон шиддат билан кириб боради, баланд, зинопоялари гоят мураккаб, хайкаллар билан безатилган фонтанлари бўлади. Римда курилган иморатлар ниҳоятда кенг кўламли билан ажралиб тўради: масалан, авлиё Петр соборининг устунларидан ҳар бирининг узунлиги уч юз метрдан ортиқ келарди.

Нартов ясаган барча нарсалар давр услубига бўйсундирилган бўлиб, айни бир вақтда жуда мантикий ва ўйлаб ишланган нарсалар эди.

XVIII асрнинг иккинчи чорагида жаҳон архитектураси монументаллик ва конструктив равшаникнинг ҳар қандай белгиларидан маҳрум бўлади, бу хол интеръерларда айниқса сезиларни кўзга ташланади: деворлар ва шиплар ялии декорацияларга айлантириларди. Рококо услуги ("рокайль"-раковина кўринишидагина ўрам деган сўздан) бошланади.

Ана шу вақтда машхур рус архитектори Варфоломей Растерелли (1700-1771) императрица Елизаветта ва унинг катта амалдорларига ажойиб саройлар-Петергоф, Царское село, Қишки, Воронцов, Строганов саройларини куриб беради. Бу саройларнинг кенг заллари ўзига ишланган накшлари, кўзгуларда акс этадиган ялтироқ паркетлари, маҳорат билан ишланган плафонлар билан кишини лол қолдиради.

XVIII асрнинг ўрталарида Европа зодагонлари осонлик билан суриладиган паст бўйли креслолар, столлар билан безатилган шинам хоналарни кўпроқ ёқтирар эдилар. Бир хил газламалар қопланган бу буюмлар гарнитура-ларни ҳосил киласдилар. Бундай мебель кўрплалари маҳсус тагликлар ва консилларга кўйилган вазалар, хайкаллар билан тўлдирилар, улар пол устига кўйиладиган соатлар ва бошка кам аҳамиятироқ буюмлар билан бирга таомилга кирган эди. Хотин-кизлар яшайдиган хоналарда-будуарларда бўш жойлар кичик ёзув столчалари, этажеркалар, чинни идишлар кўйиладиган супачалар билан тўлдириларди. Зодагонлар ҳәти асосан будуарларда ўтар, бу хоналар факат аристократларнинг эмас, шу билан бирга уларга таклид киласдиган энг бадавлат кишиларнинг ҳам мулоқот жойлари бўлиб колган эди.

«Рококо» услуги факат архитектурадагига эмас, шу билан бирга мебелларда тўғри чизикларни ёқтирасди. Факат столларнинг қопқокларигина горизонтал бўлиб, қолган барча юзалари одатда қаерда жойлашган бўлишидан ва вазифасидан қатъий назар эгри чизикли эди. Мебеллардаги деярли барча буюмларнинг таянчи бўлиб кабриолалар, яъни пастга томон нозик бўлиб торайиб кетувчи оёқлар хизмат қиласди.

Уша давр уй жихозларининг энг севимлиларидан бири комод (паст жавон) хисобланади, у ўзининг шишиб турган шакли билан худди анъанавий Хитой идишларини эслатади. Безак бу сезгини янада кучайтиради: паст

жавоннинг олдинги девори аввало ажойиб мозаикали панно сингари идрок килинади. Факат сезилар-сезилмас чоклар чиройли конструкцияни бўлиб турди, шунга қараб суриласидиган яшикларнинг чегараларини билиш мумкин.

Буюмларнинг конструктив тузилишини ҳамиша ҳам билиб олиш мумкин бўлавермайди. Креслолар, стулларда, ёзув столларининг кўргина вариантиларида буюмлардаги айрим қисмларнинг бошка қисмларига ўтиб туриши, уларнинг аник яхлитлиги кўзга ташланади. Айрим қисмларнинг уланган жойлари нақш билан бамисоли ниқоблангандай бўлади: креслонинг ўтиргичи силликкина оёкларига ўтади, столнинг қопқоғи унинг асоси билан худди бирга кўшилиб кетгандай бўлади.

Буюмларга пардоз бериш чинакам мукаммаллика эришади: тилла суви юритилган бронза ҳам, тошдан ёки турли ёғоч навларидан ишланган мозаика, Шарқдан ўзлаштириб олинган локли, раинг-тасвир ишларидан фойдаланилади. Орнаментал шинамликнинг эркинлиги ва дадиллиги, мебелни безаган расм ва композициянинг аниклиги кишини хайратда колдиради. Фантастик раковиналарнинг мотивларини ўзгартирган Рокайль накши, поялар, барглар, гажакларнинг гўё жонли оқими ҳам металда ҳам, чиннида ҳам, ёғочда ҳам бирдай муваффақият билан гавдаланган эди.

Мебель тайёрланадиган асосий материал хисобланувчи ёғоч сиртига бўёк ёки зарҳал копланарди: XVIII аср ўрталарида буюмлар маданияти материалнинг “ҳақиқийлиги”га амал килмасди. Худди шу даражада ўша давр буюмларида конструкция “ҳақиқийлиги”ни топиш кийин. Ҳеч маҳал идишлар мебелга, комод ўз шаклига кўра, кумушдан ишланган таом солинадиган ликобга, ликоб эса чинни таксимчага шу қадар ўхшаш бўлмаган.

Кийимлар ҳам ўша давр буюмларига ўхшаш бўлган. Бел томонга қараб ҷўзилиб кетган, хаддан ташқари кенг, безаклари, тўрлари мўл бўлган юбка кийган оксусяк аёл худди чиннидан ишланган хайкалчага ўхшаб кетарди. Гуллар, патлар ва кимматбаҳо нарсалар билан безатилган аёл соч турмаклари маҳсус санъят мавзуига айланади, унга бир қанча рисолалар бағишлиланган. Эрракларнинг кийимларини ҳам аёлларнинг кийимларига ўхшаш чиройли газламалардан тикишар, уларни тўр ва кўркам тутгmalар билан безатишарди. Бу тутгmalар баъзан жуда кимматбаҳо бўларди: масалан, гардиши кимматбаҳо тошлардан бўлган кичик соатлар тутгма сифатида ишлатиларди.

Кийимлар ҳам шунга мувофик равишда ўзгаради, анча камтарона бўлиб қолади. Париклар рад килинади, кийимнинг енгил ва оддий бўлиши унинг интеръерларнинг янги қиёфаси билан услубий алоқасини кўрсатиб турди. Айни вактда инсонни куршаб турган буюмлар олами тобора хилма-хилроқ ва мукаммалроқ бўлиб боради. Арzon ва кулаги чинни идишлар кенг таркалади. Европада чинни ишлаб чиқаришни ўрганиб олишади, ундан факат чиройли ва кулаги идишлар эмас, балки майда-чуйда рўзгор буюмлари – игнадон, тамакидон, чекиши трубкалари, фланконлар ва шу кабиларни тайёрлашади.

Антик санъатнинг моҳиятига чукур кириб борилиши катта-кичик барча буюмларнинг шаклини ясашга таъсир кўрсатади.

Аввало буюмни асосий қисмларга бўлиш сезила бошланди. Рококо қўшилиб кетгач, бир конструктив қисмдан бошласига ўтишни кўз илғамаган-

дан кейин, биз уларни дархол фарклай оламиз ва фикран бир бутун килиб берлаштирамиз, бу худди ҳарфлардан сўзлар, сўзлардан иборалар ҳосил қилишига ўхшайди. Бу қисмларнинг туташган жойлари турлича ифодаланган: масалан, стул ва креслоларда оёқ ва ўтиргичларни берлаштириш жойларига кўпроқ эътибор берилган. Худди шунга ўхшаш нарсаларни биз классик архитектурада учратганимизни эслайлик. Унда устунлар билан тўсинилар туташган жойга токи равон кўйилган.

Креслоларнинг тирсак суюнчиклари деярли ҳамиша ўтиргичдан (худди ўтиргич орка томондан ажратилгандек) ажралган, у мустакил шакл касб этган. Ёзув столлари ва паст жавонларда яшиклар ва эшик тавақлари аник кўзга ташланиб турган, уларнинг кўриниши нақшлар орасида йўқ бўлиб кетмаган, яқин ўтмишда эса бу кўриниш йўколиб кетарди.

Классицизм даври идишлари ҳам қатъий аник кўринишга эга бўлиб борди, унда унинг асосий қисмлари: масалан, қаҳва идишининг копқоғи, туткич ва тумшуғи аник кўзга ташланиб турарди. Декоратив вазаларга уларнинг анъанавий классик шакли қайтарилди, унда вазанинг таги, танаси, бўйни, туткичлари яққол кўриниб турарди.

Мебель, идиш ва бошқа ҳар қандай буюмдаги қисмлар яхлитлигининг йўкотилиши асло ташки шаклнинг бирлигига путур етказмаган. Бу шакл яхлитлик ва композицион пухталика эга бўлиб, факат бу яхлитлик энди илгарига караганда бошқача асосларда, туташлик эмас, балки қисмларнинг таккосланиши негизида курилади.

Классицизм учун материалга рококога нисбатан бошқача муносабатда бўлиш характерли эди. Материалга унинг табиий сифатлари қайтарила бошлади, бу сифатлар таъкидлаб кўрсатиладиган бўлди. Мебелнинг чинакам асоси бўлган ёғочни зархал ва бўёқ билан камрок бўяшарди; унлаги текстуранинг табиий гўзаллигига факат бронза ва керамикадан қилинган кўшимчалар соя бериб турарди. Металл, фаянс ва чиннининг хусусиятлари идиш шакларида кўрина бошлади. Бу ҳол классицизм даври учун жуда характерли бўлган улкан комплекслар барпо этилганда айникса кўзга ташланарди.

Ана шу даврда саноатда улкан сиљишлар рўй беради. Энг янги машиналар, станоклар ўз ажлодларини - хунаманчилик куролларини энди камрок эслатарди, чунки улар тобора такомиллашиб ва мураккаблашиб бораётган эди.

Машиналарни шиддат билан муваффакиятли ишлаб чиқариш уларнинг бунёдкорларини айнан ўзининг техник ва иктисадий томони билан қизиктиради, шакл ҳосил қилиши, бадий дид эстетикаси масалалари бу жараёнда чамаси бутунлай унугилгандай эди. Лекин ҳатто одамларнинг иродасидан ташки давр услуби аввалгидек машиналарда акс этади. Классицизм даври станокларига бу услубнинг характерли хусусиятлари – конструктив равшанлик, қисмларнинг аник мароми, юзаларнинг геометриклиги ҳосдир. Лекин улар баъзан назаримизда, ғалати туюлар, устунлари ва карнизовларига эга бўлган архитектура иншоотини эслатарди.

XIX асрнинг бошларида, Наполеон империяси даврида янги услуб классицизмнинг ривожланишига якун ясаган ампир услуби вужудга келади.

Бу даврда архитектура аввалги катъий характерини йўқотди, унга тантанавор монументаллик, дабдабали улуғворлик ва хашамдорлик хос бўлиб колди. Қадимги Миср, Рим ва антик давр Грекиясининг бадиий мероси бу даврга келиб янгича талкин килина бошлади: архитектура давлат қурдати ва ҳарбий шухрати гояларини улуғлаши лозим эди.

Россияда ампир XIX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва Европа ампиридан анча жиддий фарқ киларди. Ана шу вактда рус буюмлари, санъатида кўпгина қизикарли нарсалар, аввало ўзининг бадиий савиясига кўра бутунлай ажойиб ансамбллар яратилди.

Ампир услубида ҳайкалтарошлиқ актив роль ўйнайди – булар кресло ва стулларнинг оёқ учларига ўйиб ясалган панжаралар бўлиб, лиралар тасвири ва шу кабиларни сяյб турувчи сунячиклардир.

Кўпинча ҳайкалтарошлиқ конструктив деталь сифатида намоён бўлади. Мебель бошка барча майший буюмлар сингари, ўзининг бадиий қийматига кўра бир хилда бўлмасди, бу ҳол уни ким ишлаганига бояглик бўларди. Император устахоналаридан ташкари, хусусий мебель фабрикалари, чинни ва фаянс заводлари, тўқимачилик корхоналари ҳам мавжуд эди.

Амалий безак санъати турли – туман буюмлари шаҳар ва қишлоклардаги кичик-кичик устахоналардан ҳам келиб турарди. У жойларда ҳам кўпгина қизикарли нарсалар яратилган: крепостной мебелсоз усталар бизга жуда қизикарли ва ўзига хос буюмлар колдиришган бўлиб, уларда классик формалар билан ағъланавий формалар оригинал равишда чатишиб кеттган эди.

1830 йиллардан бошлаб “кахвахоналар” идишлари пайдо бўла бошлади, уларнинг бундай деб аталишига сабаб шуки, бу идишлар ҳалкча дағал ишланган бўларди.

Кирқинчи йиллар архитектура ва санъатга услубий изланишларни, бирбирига зид ва ҳатто очикдан-очик дидсиз нарсаларни олиб кирди, улар айникса саксонинчи йилларга бориб кескин тус олди. “Архитектура жихозлари” даври бошланди, уларни ҳар қандай биноларга ўрнатиб кўйиш мумкин эди.

Ҳар турли “византияча”, “мавританча”, “готик” услублар ва шунга ўхшашиб соҳта бадиий услублар пайдо бўлди.

Кўп сонли бўлиб колган янги буржуазия маданий анъаналар, яхши нарсаларга қизикмас, ўз хонадонига бирмунча самимий якинлик белгилари ни, романтикани олиб киришга ҳаракат қиласарди. Бирликка, архитектура яхлитлигига, ҳар қандай интилишга барҳам берилади: бир хона готика услубида пардоз қилинган бўлса, бошкасига турк услубида, учинчисига қадимги Миср услубида пардоз берилади.

Янги мебель намуналарини яратишда ҳам худди шу нарса кўзга ташланади – турли услублар ғалати равишда бир-бирига қўшилиб кетади. Ўтмиш мотивлари такрорланади. Услубни бадиий – эстетик яхлитлик, тугаллик сифатида тушунишга птур етади; архитектура ишоотлари ва буюмларнинг ташки қиёфаси уларнинг техник ва функционал мазмунидан батамом ажралиб қолган эди.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОШЛАНИШ ДАВРИ, ТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой, ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужуду келиб гуллаб-яшнаган санъат турлари бенмисл ва бетакорлиги билан дунёга машхур. Бундай камолот ва тараккиёт боскичлари хакида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий безак санъати турларининг шоҳ илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиш.

Ўлкамиз заминидаги тарих катламларини қазишлар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериш усулидан буюм яратиш фаолияти тош асида ёки бошланган бўлиб, асрлар оша хозиргача узлуксиз давом этиб келмокда.

Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлмиш бадиий тафаккур ва шунга мувофик бадиий-ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараккиёти жараённида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай фаолият натижасида келиб чиқадиган эстетик-бадиий идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудодлар, нарсалар ва воеа-ходисаларни, атроф-мухитдаги шакллар ва рангларни турфа шакл-шамоилда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади. Шакл ва рангларнинг реал ҳамда стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тариқа келиб чиқди ва у ўз навбатида, одамларнинг кундаклик турмушларидан ўрин ола бошлади. Натижада бадиий безакларнинг хилмажил шакллари ва турлари пайдо бўлди. Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқларининг бизгача етиб келган санъат асарлари орасида нақшлар асосида яратилган бадиий асарлар алоҳида кўп сонни ташкил этади. Бошка санъатларга иисбатан бундай нақшли безаклар кўплигининг ва такомил топганилигининг муайян тарихий сабаблари бор. Маълумки, Ислом мамлакатларида мавжудодлар тасвирини ишлаш кенг одат тусиға кирмаган, зеро, мавжудодини ярат олиш факатгина қодир Тангрига хосдир, инсонлар эса бундай ишни бажаришга оқизидирлар, инчунин, бордию бирор ишни юкори такомил даражасида ижро этиш имкони ўйклиги аввалдан маълум экан, бундай ишга киришмокликининг ўзи ақлдан эмасдур.

Бошқача айтганда, хеч бир тасвир унда ифодаланган мавжудод даражасига кўтарила олмайди, шу боис тасвир соҳта бўлади.

Тасвирий санъат бу кадар чукур, фалсафий ёндашиш натижасида шартлилик, стиллаштириш, рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, хозирда жаҳонга машхур меймормчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлиқ, ҳаттотлик, тоштарошлиқ ва бошка турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғулашган мужассамлигидан иборатдир.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон ва бошка шаҳарлардаги меймормчилик ва халқ амалий санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, тақрорланмас ва тарихан бебаҳо

санъат асрларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва шу билан бирга жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маданий меросни ташкил этади. Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, рухиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий, ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёкарашларини шакллантиришда ҳамда маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, мавжуд барча санъат турлари ўз ўкувчисига, тингловчисига ёки томошабинга ўтказадиган бадиий, хиссий, рухий таъсири орқали билим беради ва тарбиялайди. Шу ўринда амалий безак санъати турларининг фазилатлари жуда ҳам ўзига хос бўлиб, уларни бошқа хеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Яъни, бундай санъат асарлари айни чоғда ҳам бадиий, ҳам амалий вазифаларни бажара олиши уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Якин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган ганчкорлик, наккошлиқ, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичокчилик, заргарлик, каштачиллик, зардўзлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари унуга борилиб, йўқолиб кетиш хавфи остида колган эди.

Бундай ҳолат ҳозирги кунда санъаткорлар, халқ усталари, муаллимлар ва санъат хаваскорлари олдига амалий безак санъатини саклаб қолиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш ва ривожлантириш, ёш авлодга санъат сир-асорларини ўргатиш орқали ўринбосарлар тайёрлаш санъат асарларини кенг тарғиб килиш орқали жамоатчиликнинг эстетик дидини, маданий даражасини янада юкори боскичга кўтарилишига эришиш вазифаларини қўяди.

Бу максадлар йўлида олиб бориладиган ишлар халқ усталари, санъаткорлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг бадиий таълим олишлари, санъатларини эгаллашларини ташкил этиш ва тўғри илмий-методик йўналишда олиб бориш, санъаткор-педагоглар тайёрлашни йўлга кўйиш, тегишли илмий тадқикотларни олиб боришдан иборат бўлиши керак.

Халқ амалий санъати ва халқ усталарини тарғиб қилиш ўчоклари сифатида мактаблар, колледж-лицейлар, маданият саройлари, уйлари, ўкувчилар саройларида ташкил этиладиган тўгараклар алоҳида ахамиятга эга.

НАҚҚОШЛИК

Ўрта Осиё наққошлиқ санъати кадимдан дунёга машхур. Утмишда отабоболаримиз курган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвалисини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз ғоятда бой мазмунга эга. Оддий қошиқ, лаган, кутича, сандик, беланчак, чолғу асбоблари, уй-рўзгор буюмларидан тортиб

туар жой ва жамоат биноларининг девор ҳамда шифтларига солинган нақшлар инсонни ҳайратга солади, уни ўйлантиради. Бу гўзал нақшлар ажойиб нақшлар томонидан яратилган бўлиб, асрлар давомида бунёд топди, ривожланди, мъеморчилик ҳамда тасвирий санъат ривожи билан боғланган ҳолда такомиллашиб борди.

Накш — арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Куш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошка элементларни маълум тартибда тақорланишидан хосил қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандакорлик, каштадўзлик, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўкиш, тўқимачилик, инкурустация, панҷаралар ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади. Масалан, ўйиб, чизиб, чок ёрдамида, зарб билан, қадаб ва бошка усулларда нақш солинади. Наккошлик санъати тарихи инсоният маданияти билан бир каторда қадимийдир. Маданиятнинг ривожланиши натижасида рассомлик ва нақкошлик ажралиб чиқди ҳамда ривожланди. Ҳар хил археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, нақкошлик жаҳондаги барча ҳалқларда қадимдан мавжуд эканлиги бизга маълум бўлди. Чунончи, Хитойда, Қадимий Эронда, Ҳиндистонда ва бошка жойларда нақшнинг ҳар хил турларини кўриш мумкин. Наккошлик ҳар бир давлатнинг ўзига хос муҳитига: географик ўрнига, ўлканинг ўсимлик дунёсига кўра ривож топди. Масалан, арман ва грузинларда узум ва узум барги, шимол ҳалкларида арча ва ҳар хил ҳайвонлар, киргиз ва қозокларда мол шохи, тожиклар ва ўзбек ҳалсларининг нақшларига қарасак анор, бодом, гуллар, қалампир ва бошқаларни рамзий нақш тарисицизм услублари ҳар хил давларда хукмрон бўлди. Бу эса ўз ўзидан нақкошлик санъатининг ривожланишига таъсир этди.

Ўзбекистон худудидаги археологик қазилмалардан Ҳоразм, Сўға, Бактрия ва бошка вилоятларда нақш санъатининг ривожланганлиги маълум. Олимларимиз Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I—II аср), Далварзинтепа (I аср) будда ибодатхоналари қазилмаларидан топилган нақш қолдиклари оркали исботлаб берганлар. Ҳоразмдаги Тупроққалъя заллари монументал нақшлар билан безатилганлиги бизга маълум. VI—VII асрларда ибодатхоналар, қасрлар ва бойларнинг уйлари ўйма нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган. Тантанали маросимларга мўлжалланган хоналардаги дабдабали ажойиб нақшларни кўриб ҳайрон бўлади киши. Уларнинг бирини қарасангиз деворларда базми жамшид, ов, уруш, манзаралари ҳамда диний маросимлар тасвирланган. Жонли маҳлуклар кизил ва кўк ранглар билан бўяб тасвирланган. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёни араблар босиб олиши натижасида қарор топган ислом дини ўзидан олдинги маданиятнинг илдизига болта урди. Янги дин ҳамда янги гоя Ўрта Осиё тасвирий санъатига таъсирини ўтказди. Жонли мавжудотларни акс этдириш ман этилди. «Кейинчалик юзага келган диний шарҳлар ва ҳодисалар кўпроқ муросасиз йўл тута бориб, катъий равишда шундай дер эди: «Тангри ёки одамзод сувратини чизишдан тийилинг, фақатгина дараҳтлар, гуллар ва жонсиз мавжудотларнинг сувратини чизиш акс ҳолда бу қоидани бузган киши гуноҳи азим килган бўлади», деб кўркитилган. Жонли мавжудотлар сувра-

тини чизиш ман этилишининг маъноси шундаки, худодан бошқа ҳеч ким бирор нарса яратиш ў ёқда турсин, ҳатто Худо яратган нарсани қайта гавдалантириши ҳам мумкин эмас ва бу унинг кўлидан келмайди, акс ҳолда мусаввир Худо билан бас бойлашиб, унинг иродасига шак келтирган бўлади».

Ислом талабларига бўйсуниш оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирилаш йўқолиб бориб нақошлик ривож топди. Араб ёзуви ўзлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуо афсунлар вазифасини бажарди. Хуллас тасвирий санъат ривожланмади. Бунинг ҳисобига ҳалқ амалий безак санъати нақошлик ҳисобига ривож топди. IX—X асрларда Ўрта Осиёда нақошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада гишт қадаб нақш солиш юксак даражада ривожланди, биноларнинг ички томонига ганч, ёғоч ўймакорлигини кўллаш юксак ривож топди. Айникиса мақбараларнинг пештоклари девор ва равоқлар ганчнақшлар билан жуда нафис безатилди. Нақшлар мураккаблашиб борди. Уларнинг янги нусхаларида рамз, тасвиirlар, тимсол, дуо афсунлар, тасбеҳ ва бошқалар нақадар мўллигини кўрамиз. Рамзий нақшлар дунёда содир бўлаётган вокеликлар, тилакларни акс эттирган. Ҳар бир чизилган нақшда ўзига хос маъно бўлган. Чунончи, ўсимликсимон нақш гулсафсанни олайлик, у осоишталик ва умр узоклик тимсоли, «печак ислимий» нақши бойлик ва фаровонликни, новда ва япроқлар эса тўкинчилек ҳамда баҳор чогида уйғонишни билдиради. Мусаввирнинг тасвиirlари бу унинг она табиатга бўлган муҳаббатини билдиради. Унинг ранглари ўзига хос маъно ва характеристерга эга. Накш ўзбек маданиятининг ҳамма босқичларида ҳамроҳ бўлиб келган. Энг оддий принциплари бир бирига мутаносиблиқ, уйгунилк, йўсун ва усулларини ажойиб қайта қайта такрорлашувидир. Ҳалқ нақошлари нақшларнинг ҳар бир деталига алоҳида эътибор бериб, унинг табиийлигини йўқотмаганлар, ҳар бир элемент устида пухта фикр юритганлар. Ҳар бир нақш негизида маълум рамзий маъно сингдирилган. XI—XII асрларда Ўзбекистон худудида археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичida геометрик нақш кўп ишлатилган.

Гириҳ—форсча, чигал, тугун деган маънони англатади. Ҳандасий нақш -тўртбурчак, учбурчак ва бошқа элементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш туридир. Гириҳ тўғри, эгри ва аралаш чизикларга бўйсундирилган бўлиб, ўзига хос шартлиликка эга. Бу нақш турининг кенг таркалиши безак санъатининг ривожланишига янгидан янги имкониятлар очиб берди. Ўзбек маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса кўшган бутун дунёга машхур олимлар - Абу Али ибн Сино (Авиценна), Беруний, Фирдавсий ва Рӯдакилар етишиб чиқдилар. Ўша вактда бутун дунёга машхур бўлган (ЮНЕСКО муҳофазасидаги) Сомоний мақбараси курилди. У 1127 йили мемор Арслон Муҳаммадхон бошлилигида пиширилган оддий гиштни ҳар хил комбинациялаштириб курилган. Гиштлар ёз фаслида энг тоза ганч билан терилиб ишланган.

«ХІІІ асрда юксакликка күтарилигган миллий маданиятни монгол боскинчилари издан чиқарди. 1219—1221 йилларда Бухоро, Самарканд, Урганч, Балх, Марв босиб олинин тормор килинди».

ХІІІ асрда Чингизхон хукмронлигига миллий санъат бирмунча издан чиксада, лекин бутқул йўқ килинмади. Темур ва темурийлар даврида эса ўзбек миллий халқ амалий санъати юксак даражада ривожланди.

«ХІV—ХV асрларда Ўрта Осиё халклари тарихида тараққий этган феодализм иқтисодий ижтимоий формацияси даврида феодал ишлаб чиқаришга асосланган ўзига хос бир иқтисодий маданий кўтаринкилик рўй берди. Бу даврни биз хозир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Бехзодга ўхшаш жуда кўп истеъоддли адабиблар, олимлар, мутафаккирлар, санъаткорлар номлари билан боғлиқ бўлган Уйғониш (Ренессанс) даври деб атаемиз. ХІV—ХV асрларда Самаркандла тез суръатлар билан турли туман иншоотлар курила бошлаган. Бу курилишларда Хиндистон, Эрон, Ирок, Кавказорти, хуллас Амир Темур хукмронлиги остида бўлган барча ўлкалардан келган меъморлар, хунармандлар, усталар, санъаткорларни кўриш мумкин эди. Улар ўзлари бунёд этаётган иншоотларга бутун билимлари, хунарлари ва санъаткорона маҳоратларини баҳш этганлар. Ўша даврда Самарканд ва Мовароунахнинг бошқа жойларида бунёд этилган жуда кўп ҳашаматли тарихий маданий обидаларда Ўрта Осиё халкларидан ташқари бутун якин ва Ўрта Шарқ халкларининг ўзига хос бой, сермазмун бадиий эстетик меросининг синтези коришиб, уйгунлашиб кетган эди, десак муболага бўлмаса керак».

Темурийлар хонлигига хунармандчилик юксак даражада ривожланди. У босиб олган ерлардаги ҳамма усталарни Самарқандга йигди».

У тикувчи, тоштарош, заргар, кулол, наккош ва бошқа усталарни олиб келиб ишлатган. Шу санъат турлари катори наккошлик хам тез ривожлана бошлади. Темур хукмронлиги остида жуда кўп бино, мачит, мадраса ва бошқалар кад кўтарди. Ундаги безаклар янада бадиийлаштирилди. Шахарлар атрофи бугу бўстонга айлантирилди. Хуллас у ўзбек миллий маданиятини ривожлантириша катта хисса қўши. Айниқса тасвирий санъат кайтадан тикланиб, тез орада ривожланиб кетди. Деворларда осмон, собит сайёralар, тоғлар, денизлар, саҳролар, одамлар, ҳайвонлар ва бошқалар акс эттирилди. Ўша даврда тасвирий санъатнинг асосий вазифаси хукмдорларнинг куч кудратини, ҳарбий шавкатини улуғлашдан иборат эди. Афсуски кўпгина урушлар оқибатига қасрлардаги, турар жойлардаги ва жамоат биноларидағи табият расмлари бизгача етиб келмаган. Айрим қолдиқларгина сақланиб қолган. Айниқса оппок ганч устидан чизилган гуллар, манзаралар, кушлар тасвири ниҳоятда нафис ифодаланган. «Табият манзаралари мусаввир томонидан шу кадар усталик ва чакқонлик билан адо этилганки, унинг кўли бамисоли куш парвозидан эркин ҳаракат қилган, шоир тили билан айтганда, туттган мўйқалами мусаввирнинг ўз бармоқларидай аниқ ҳаракат қилган, уста билан кил ўтмас дўст мўйқалам гўё унинг амрига маҳталдай».

ХІV—ХV асрларда кошинкорлик ривожланди, курилган биноларни кошин ва парчинлар билан беzaтиш авж олди. Кошин ва парчинлардан ажо-

йиб нақшлар ҳосил қилишга эришилди. Чунончи, Самарқанддаги Шохи Зинда комплекси, Ашратхона, Оқ сарой, Кўхна Урганчдаги Тўрабекхоним мақбараси ва бошқалардир. XV асрда наққошлиқ санъати янада ривожланди. Натижада наққошлиқда кундал техникаси пайдо бўлиб ривож топди. Самарқандда Ашратхона, Оқсарой мақбаралари ва бошка архитектура ёдгорликларининг ички қисмини кундал усулида безалди.

Кундал — архитектурада деворга бўртиб ишланган безак техникаси меморчиликда кенг тарқалган. Мўйқалам билан деворга суртилган қизил кесак бўртма шакл олади, устидан бўёқ ва зарҳал берилади. Замин зархалга, асосий бўртма нақш элементлари турли туман рангларга бўялади ёки аксинча, бўртма нақш зархалга, замин эса турли ранга бўялади. XV асрдан бошлаб Самарқанддаги Ашратхона мақбараси, Бухородаги Амир мақбараси, Баланд мачитида жозибадор намуналар сакланган. Ўрта ерда кундал техникасидаги безаклар кенг тарқалган.

XVI—XVII асрга келиб сюжетлар деярли чизилмай, балки кундал усулида нақшлар билан безаш ривож топди. Кундал усулида Бухородаги Хўжа Зайниддин хонақоси (XVI аср), Баланд мачит (XVI аср), Абдулазизхон мадрасаси (XVI), Самарқанддаги Тиллакори мадрасаси (XVII аср) ва бошқалар безалди. Бу архитектура биноларида безалган нақшлар ўзининг бадиийлиги, ҳаракатчанлиги, ўзига хос оригиналлиги билан кишини ҳайратга солади. Нақшларнинг ҳар бири бир катта асар бўлиб вокеликни наққош тили билан куйлаётгандек туюлади. Лекин XVII асрнинг охирига келиб, бир неча жойда такрорланадиган нақшлар ва мавзуларнинг бир хиллиги, тилланинг ҳаддан ташқари сарф этилганлиги кўзга ташланди. Айниқса бу соҳада ижодий изланишлар кам бўлғанлиги сезилди.

XVI—XVIII асрлар орасида ўзаро ички урушлар ва низолар маданиятнинг ривожланишига салбий таъсир этди. Бу эса миллий наққошлиқ санъатининг ривожланишига ҳам таъсир этди. Бухоро, Хива, Кўкон хонликлари вужудга келиши билан санъаткорлар бу шаҳарларга йиғила бошлади. Шу вактдан наққошлиқ ҳалқ амалий санъат турлари каби гуллаб яшнай бошлади. Хивадаги Тош ҳовли. Кўқондаги Худоёрхон ўрдаси Бухородаги Ситораи Моҳихоса сингари йирик бинолар ажойиб нақшлар билан безатилди. ҳажмли — планли нақш композициялари пайдо бўлди. Бу безаклар ниҳоятда нағислиги билан ажralиб турар эди. Накш санъатининг рангбаранг ривожланиши, ҳар бир шахар ва воҳнанинг ўзига яраша наққошлиқ мактаби пайдо бўлди. Чунончи Фарғона, Тошкент, Хоразм, Самарқанд ва бошқалар. Улар ўзининг композициялари, ранги жихатидан ва бошка томонлари билан фарқланади.

XIX ва XX аср бошларида турар жой бинолари, маҳалла мачитлари, сарой ва ўқув юртлари бинолари, чойхоналарнинг девор ва шифтлари жимжимадор нақшлар билан безатилди. Айниқса деворлар сиртига дартахтлар, гулдасталар, гулдонли гулдасталар, гулли бутоклар жонли чизиклар билан безатилди. Чунончи Қувадаги Зайниддин бойнинг уйи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовлар саройи, А.А.Половцевнинг уйи, Марғilonдаги Саидахмад-

хўжа мадрасаси ва бошқалар (Тошкентдаги ҳалқ амалий санъати музейининг айвон пештокига ишланган нақшлар).

Ўзбек ҳалқининг қаровсиз ётган маданият дурданалари, тарихий ёдгорликларини саклаш ва маданий меросини тўплашин давлатимиз ўз зиммасига олди. Маданий ёдгорликларни саклаш жамияти тузилди. Наққош усталар ҳам бошка усталар қатори мачит, мадраса, турар жойларни, саройларни таъмирашни бошлаб юбордилар. Ўтган асрнинг 30йиллардан сўнг кўпгина жамоат уйлари, чойхоналар, маданият уйлари, саройлари ва бошка жойларни ёғоч нақш ва ганч билан безатила бошланди. 1938 йили Москвадаги ҳалқ хўжалиги ютуклари кўргазмасидаги Ўзбекистон ресторани ва ўз павильонларини безашга нақкошларни сафарбар қилинди. У ерда ажойиб намоёнлар, қандиллар, ўйма эшиклар, ўйма ганчлар ва нақшлар билан безатилди. 1939 йилда Самарқанд ва Бухоронинг энг яхши усталаридан 12 киши Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи биносини ажойиб нақшлар билан безадилар. Шу йиллари «Бахор» концерт залини ҳам нақш, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги билан безатилди.

40 йилларда курилган Мукимиy, Навоий театри бинолари ажойиб нақш, ганч ва ёғоч ўймакорликлари билан безатилди. Накқошлик санъатини ривожлантиришда ажойиб ҳалқ усталари Фарғоналик Сайдмаҳмуд Норқўзиев, тошкентлик Тоҳир Тўхтахўжаев, Олимжон Косимжонов, Ёкубжон Рауфов, Жалил Ҳакимов, хивалик Абдулла Болтаев, С. Худойберганов, Ҳ. Раҳимов, Самарқандлик Жалол ва Болта Жалиловлар, уста Мадаминжон Ҳусанов ва бошқалар ҳамда уларнинг шогирдлари яратган асарлар ҳозир ҳам ҳалқка хизмат қиляпти. Улар авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган наққошлик санъатига катта хисса кўшдилар. Улар ўзбек нақшларининг элементларига янгича элементлар (ўроқ ва болға, кабугар, пахта, юлдуз ва бошқалар) янгича гоялар киритдилар. Лекин ўзимизнинг анъанавий ўзбек ҳалқининг ўзига хос миллий санъатини саклаб қолдилар. Улар замонавий биноларга мослаб ўзбек миллий нақш элементлари бўлмиш нозик мажнунтол ниҳоллари, анор бутоги, гулли буталар ва бошка ўсимликларни тасвиirlадилар.

XX асрнинг ўрталарида наққошлик санъати янада ривож топди. Деворларга манзарали монументал тасвиirlининг машҳур устаси Чингиз Ахмаров Шарқ миниатюрасининг энг яхши намуналаридан ҳамда Ўрта Осиё ҳалқларининг бадиий меросидан илхомланиб ажойиб деворий - расмлар яратди. Ўзбек ҳалқи икки минг йил давомида ҳалқ амалий санъатининг шундай ажойиб намуналарини яратди ва яратиб келмоқда. Накқошлар ўзларининг юксак бадиий маҳорати ва назокати билан бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратга солмоқдалар.

ГАНЧКОРЛИК

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз акси хуснижамолини дунё мъеморчилигига, шу жумладан Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошка Шарқ мамлакатлари мъеморчилигига намоён этиб келмоқда. Айникса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос

бадийлиги композицияси ва ишланиш услуги билан фарқ килади. Ҳозирги кунда ганч серкүёш Ўзбекистонимизда ардокланиб, авайлаб муҳофаза килинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига кўркамлик, гўзаллик баҳш этиб турибди. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Кўкон, Марғилон, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни куриш ва безатиша ишлатилган.

Ганч коришмаси янгилигида осон кесилади, ундан хоҳлаганча шакларни ўйиш, ясаш мумкин, лекин у котгандан сўнг каттиқ тошга ўхшаб колади. Усталаримиз унинг бу ажойиб хусусиятидан қадимлан фойдаланиб келганилар. Шу тарика ҳозиргача бу ҳунар авлоддан авлодга ўтиб тарихий анъана сифатида ривожланиб боряпти. Ганчкорлик санъатимиз фахри, бекиёс ва бебаҳо ҳазина. хеч шубҳасиз, уни чукур ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услуг билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожланишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсан бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир биридан мутлако фарқ килади. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий бўлиб, реалистик тасвиirlар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, кушлар тасвири ишланган. Эрамизнинг биринчи асрларида ёки кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, кальъалар, карвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанглар оқибатида улар вайронага айланиб, факат қолдиклари сакланниб қолган.

III асрда Тупрокъатьянинг серҳашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган. Варахша шаҳарчасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва эрамиздан аввалги III—IV асрларда ишланган ганч ўймакорлиги намунаси топилган. Унда ўсимликсимон накшлар, пальметта, геометрик шаклли накшлар ганчдан ишланган. Айниқса горельефли ишланган балиқ тасвирида ўйилган ганч намунаси диккатга сазовор.

Варахшадаги топилмалардан VII—VIII асрлардаги Бухоро саройи қолдикларидан намуналар топилган. Бу топилмалarda кушлар, ҳайвонлар, баликларни, ўсимликсимон ва геометрик шаклларнинг ўйма намуналарини кўриш мумкин. Ўрта Осиёни араблар босиб олгандан кейин ислом дини ҳукмрон бўлиб қолди, у тирик мавжудотни тасвиirlашни таъкиллади. Буни Ўрта Осиёдаги архитектура ёдгорликларидан кўриш мумкин. Ҳусусан VII—VIII асрлардаги ҳукмдорларнинг Варахшадаги саройларида бу санъатнинг хилма хил намуналари сакланган.

Бухородаги Исмоил Сомоний макбарасида ганч ўймакорлиги намуналарида тўлқинсимон ишланган накшлар топилган. Унда ўсимликсимон накшнинг ислими тури кўп ишлатилган.

X—XI асрларда наккошлиқ, ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб абстракт тасвирии акс эттирадиган накшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган ташки кисмига ҳам кўлланилган. Ҳар хил геометрик шаклли килиб гишт териш ривожланган. Афросиёбда археологик қазишмалар натижасида X—XI асрларда ишланган саройларнинг қолдиклари топилган. Айниқса

изора (пачел) ганчи топилган бўлиб, унда геометрик ва ўсимликсимон нақшнинг чуқур ўймалари ишлатилган. Ўйма чукурлиги 2—3 см гача борган, нақш корамтири соя Хисобига аник оппоқ бўлиб кўриниб турибди. Ганч деворга қалин килиб сувалган, нақш тасвири деворнинг сиртига тўппа тўғри чизилиб ўйилган. Ўша давр усталари ахтадан (улгудан) фойдаланмаганлар. Биноларнинг ташки кисмига эса қўйма асосида ганч ишлари бажарилган.

III асрда мураккаб нақшлар пайдо бўлади. Усталар табиатдан ўсимлик ва хайвонларнинг тасвирини стиллаштириб, ганч ўймакорлигида ишлатилганлар. Шу деворларда ўйманинг чукурлиги 7мм дан ошмаган. Уйларнинг ташки кисмига намоён, устун ва пештоқларига ганч ўйма ишлатилган. Фарғона водийсида XII асрда безак сифатида ҳар хил плиткасимон ўйма ганч намуналари ишлатилган. Бу биноларни ганч плиталари билан бозатиш кенг авж олганлигини кўрсатади. Ўзган (Ўш вилоятида) ёдгорликлари шартли равишда шимолий, ўрта, жанубий деб номланган мақбарааларнинг интеръери, девор пештоқлари, равоклари жуда хам нафис ўйма нақшлар билан ишланган. Моварауннахра ганчкорлик санъати, айниқса равнақ топган, мъеморчиликнинг асосий безаги даражасига кўтарилиган. Унда фантастик хайвонларнинг тасвирини кўриш мумкин.

Термиз мақбарааларида ганч ўймакорлик санъатини ўша давръинг юкори чўккиси деса бўлади. XII асрда мукарнаслар (сталактитар) хосил бўлади ва кўргина биноларда кўлланила бошланади. Мукарнаслар оддий ганч ўймакорлигидан фарқ қилиб, анча мураккабдир. У тахмон ва бошқа жойларда безак сифатида кўлланила бошланди. Биноларнинг ички қисмларига ишланган мукарнаслар айниқса ажралиб туради.

XIII асрда ганчкорлик санъати янада юксалди. Бунга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймакорлиги ишлари мисол бўла олади. XIV—XVIII асрларда ҳам биноларнинг ички томонларини безатишида ганчкорлик санъатидан фойдаланилган. Бу даврларда янги-янги нақшлар яратилди. Биноларда ганч ўймакорлиги, узвий боғланган кошинилар ва тошдан ясалган безаклар кенг ишлатила бошланди. Кошин ва тошдан ўйилган безаклардан фойдаланиш натижасида ганчкорлик аста-секин минораларнинг ички қисмida кўлланиладиган бўлди. Унинг ташқари қисмida эса жуда кам кўлланилди. Ганч ўймакорлигида машхур бўлган XVIII аср устаси Уста Мулла Обид, унинг фарзанди Муҳаммад Мусо отасининг касбини қунт билан эгаллаб, ўша вактда ҳалқка танилганлардан. Муҳаммад Мусо ўғиллари Мадусмон, Исохон ва Юсуфалилар ганчкорликда бир қанча вакт ишлашган, гишт теришда ҳам обўј қозонишган.

Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири—XIX асрнинг бошлари бўлди. Унинг услублари, техникаси анча мураккаблашди. Ганч ўймакорлигининг барча турлари ривожланди. Қурилган биноларда ҳалқ усталари ёркин жилвали бўёклар билан ганчга жило бердилар. Безакларнинг ҳамма турларига хос аниқ композицион қонунлар ишлаб чиқилди. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Фарғона водийси ва Хивада ўзига хос мустақил мактаблар вужудга келди. Ганч ўймакорлиги техникаси кишини койил қолдирадиган даражада ўеди. Бухоро безаклари майин, гуллари жуда ҳам нафис,

Маргилоннинг гулдор безаклари яхлит кўринишга эга, Тошкентники эса қатъий ва аник ритм асосида тузилган, Хиванинг динамик ўйма накшлари ўзига хос спиралсимонлиги билан фарқланади,

XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Ҳаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Ҳаёт Носиров, Уста Ҳожи Ҳофиз, Уста Насруллобой, Уста Абдужалил, Уста Азим, Уста Омонулло, Уста Фоғир, Уста Иброҳим, Уста Сари, Уста Абдуфаттоҳ ва бошкалар фаолият кўрсатдилар. Аср бошларида ишларда эса ўйма рельефли жуда майнин услуб техникаси пайдо бўлди. Рангли ганчлар, бўйсклар, нақш ва тасвиirlар кўлланиладиган бўлди. Бойлар, амалдорлар, хонлар ўзларига саройлар, бўглар ва қасрлар курдириб, уларни ўйма ганч билан безагтиридилар. XX асрнинг бошларида дипломат амалдор А. Половцев Тошкентда яшарди. У Туркистон археологияси хаваскорлари тўгарагига аъзо бўлиб, шарқ маданиятига жуда кизиқар эди. Шунинг учун у ўзига европача ўй курдириди. Бино баланд айвон, меҳмонхона, ётоқхона ва бошка хоналардан иборат эди. А. Половцев ўзбек халки санъатини яхши биладиган этнограф М. С. Андреевни безак ишларига бошлиқ килиб тайинлайди. У ўзбек халки санъати намуналарини йигиб, уларни ўрганишга хаётини баҳшида этган ажойиб этнограф олим эди. Бу бинони безашга Тошкентдан ташкари Кўкон, Бухоро, Фарғона ва бошка шаҳарлардан ганч ўймакорлар ва ёғоч ўймакорлари, наккошлар таклиф килинди. Шулар жумласидан Уста Ширин Муродов, Уста Арслонкул Назаров, Уста Усмон Икромов, Тошпўлат Арслонкулов ва бошка ганч ўймакорлар ҳам бор эди. М. С. Андреев ганчкорлик ишларини усталарга таксимлаб берди, чунончи Тошкент усталирига айвон, меҳмонхонанинг шаркий ва шимолий деворлари, токча, Гарбий ва жанубий деворларни безатиш Бухоро усталарига топширилди. 1902-1903 йилларда европача курилган ўй ўзбек милий безагида пардоз килинди. Бинонинг айвон, катта зали ва ётоқхонаси жуда жимжимадор килиб безатилган. Айниқса, Тошкент ганчкорларининг ишлари ўзига хос характерда бўлиб, ўйма нақш композициясида катта шохбарг ва тўпбарглар йирик жимжимадор килиб безатилган. Бу ерда пардознинг ҳамма турлари кўлланилган. Деворларга ўйилган ўйма ганч намоёнлар вертикал ҳамда горизонтал жойлаштирилган, атрофи геометрик, майдо энсиз занжира, ислими ҳошия накшлар билан безатилган. Намоёнлар худди юқорига қараб ўсаётган табиат ўсимликларини эслатади. Пардоз турлари хонага тушаётган ёргулик хисобига жуда ўринли танланган. Деразадан тушган ёргулик ўймани янада бадиийлашгирган. Намоёнга назар ташлаб турган киши хоҳ узоқдан, хоҳ яқиндан қарамасин, у ўзига хос жозибага эга эканлигини кўради. Албатта, усталар буларни аввалидан хисобга олганлар. Намоёнлар худди гўзал табиат манзарасининг нафис тасвирини эслатади. Ўйма ганч заминлари ажойиб рангларда берилилган. Бу бино XX асрнинг бошларида энг кўзга кўринган архитектура ёдгорлиги бўлиб қолди.

1913—1914 йилларда Бухорода амир Ақадхон томонидан Ситораи Моҳи-Хоса курилди. У ганч ўймакорлиги билан безатилди. Айниқса оқ ўй (меҳмонхона) ўша даврдаги ганч ўймакорлигининг ажойиб намунаси деса

бўлади. Бунда ойна заминида ганч ўймакорлиги бажарилган. У ўзининг ноzikлиги, жимжимадор қилиб безатилиши билан ажралиб туради. Мазкур саройнинг безак ишларини Уста Ширин бажарган. У ўша даврда энг кўзга кўринган ганчкор усталардан эди.

ЁГОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг таркалган бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир таҳта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадий санъатининг бу тури деярли барча халкларда бўлиб, қадимги Шарқда антик дунё мамлакатлари архитектурасида кенг ишлатилган. Асрлар давомида Европа ва Осиё мамлакатларида ёғоч ўймакорлигининг ривожланиб ўзига хос бадий услублари келиб чиқкан. Шу сингари Ўрта Осиёда хам ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб кишиларнинг уй-рўзгор буюмларида ва архитектурасида жуда кенг кўлланилган. Бу ўймакорлик қадимий архитектуранинг эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсинг, стол, хонтахта, кутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган. Археолог олимларимизнинг изланишларидан Ўрта Осиёда горельефли, яъни жуда бўрттик (1 мдан 20 мм гача) рельефлар билан ҳар хил нарсаларни ёғочдан ўйиб ишланганлиги маълум бўлди. Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаблиги, табиийлиги билан киши ақлини лол қолдиради. Афсуски, ёғочдан ишланган ажойиб ёғоч ўймакорлигига ҳар канча сифатли ишлов берилишига қарамай асрлар ўтиши билан улар намга дош бербаолмай деярли кўпчилиги чириб, йўқ бўлиб кетган. Буларни археологик қазилмаларда топилган ва топилгаётган намуналар исботлаб бермоқда.

V—VI асрлар ёғоч ўймакорлиги намуналари Сурхондараё воҳасидаги Юмалок тепа тубидан топилган. Олимларимизнинг аниқлашича бундан 1-1,5 минг йил мукаддам мазкур жода нақш ўймакорлиги санъати бўлиб, у жуда яхши ривожланганлиги исботланган. Бундай ноёб топилмалар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа шахарлардаги археологик қазилмалардан топилмоқда.

VII асрнинг охиригача махаллий ўзбек халқи ичидаги ёғоч ўймакорлиги жуда тез суръатлар билан ривожланган эди.

IX—X асрларда Ўрта Осиёда, шунингдек жумхуриятимиз худудида маданият ўса бошлайди. IX асрда Самарқанд мустақил давлат бўлиб колди. Халқ маданиятида янги бурилиш бўлди. Шу асрларда буюк олимлар, файласуфлар, ёзувчилар етишиб чиқдилар. Улар Абу Али ибн Сино, Рўдакий, Фирдовсий, Беруний ва бошқалардир. Ажойиб архитектура ёдгорликлари яратилди. Масалан, жаҳонга машҳур Исмоил Сомоний мақбарасидир. Маданиятнинг ривожланиши ёғоч ўймакорлигининг янада ривожланишига олиб келди. Ёғоч ўймакорлиги билан эшиклар, бинолар, устун, равоқ ҳар хил хонтахталар безатилди. Ўймакор усталар ўзи яратган санъат асарларида тимсол ва дуо афсунлар, тасбих ва таносибларнинг накадар кўплигини кўриш мумкин. Ҳар бир ўйма нақш заминида қандайдир рамзий маъно яширинган

бўлади. Улар бу мураккаб накшлар орқали воқеликдаги энг гўзал тилакларни акс эттириб келганлар.

XI—XII асрларда халқ амалий санъати янада гуркираб ривожланди. Мураккаб накш тури бўлган геометрик накш, яъни гирих накши безакда етакчи ўринни эгаллади. Архитектура, уй-рўзгор буюмлари янада бадиий, нафис килиб безатилди. Гирих накши янада ривожланди. Масалан, XII асрга оид ёғоч ўймакорлиги намунаси Самарқанддаги Шоҳизинда деворининг орасидан топилган бўлиб, у ўзининг бадиий нафис ва табиий ишланганлиги билан кишини лол қолдиради.

XIII асрда Чингизхон боскинчилиги туфайли маданий хаёт издан чиқди. 1219—1221 йилларда мўғул хукмдорлиги остида Ўрта Осиёдаги Бухоро, Самарқанд, Урганч, Балх, Мавр шахарлари остин-устун килиб ташланди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Темур бошлилигига биритирилди. Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча турлари катори халқ амалий санъати жуда тез суратлар билан ривожланди. Айниқса ёғоч ўймакорлиги хам юкори чўқкига кўтарилди. Амир Темур Ўрта Осиё маданияти ва санъатини ривожлантиришда катта хисса кўшди.

«Амир Темур ўз пойтахти (Самарқанд)нинг курилиш ва ободонлиги учун харакат килиш билан бир каторда Хурросон (Афғонистон), Эрон, Моварауннаҳр сингари ўлкалардан энг машҳур хунармандларни, санъаткорларни пойтахтга тўплади, нафис тасвирий санъатнинг наккошлиқ, меъморчилик, архитектура, ҳаттотлик каби турларини ривожлантиришда улардан унумли фойдаланди.

XIV—XV асрларда Самарқандда тўпланган маҳаллий ва хорижий санъаткорлар, хунармандлар ва муҳандислар жомеъ масҷитлари, мадрасалар, хонаколар, саройлар ҳамда бошқа улкан иншоотлар курилишида фаол катнашганлар, улар хозирги кунларда биз кўриб, кўзимиз ва дилимиз кувнаётган гўзал ва нафис тарихий маданий обидалар, асори атикаларнинг бунёд этилишида ўзларининг бутун билим, ҳунар, санъат ва маҳоратларини сарф этганлар».

XIV аср ўрталарида Шайх Сайфуддин Боҳарзийнинг даҳмасига ишланган ёғоч ўймакорлиги накши топилди. Устки кисмida ўрнатилган ёғоч таҳтасида ўймалар шундай ўйилганки, ўйма накшнинг нафислиги, унинг мураккаблиги, табиийлиги, динамиклиги, жуда сифатли ўйилганлиги кишини ҳайратга солади. Ўймани бажарган устанинг накадар нозик дидли кучли назариётчи ҳамда амалиётчи етук уста эканлиги ўз ўзидан кўриниб туриби. Ундаги накшларнинг эркин, нозик харакати инсон руҳини кўтаради.

XIV—XV асрларда ёғоч ўймакорлиги тез кўламда ривожланди. ҳаттотки тирик мавжудотлар ўйиб тасвиrlанган ишларни ҳам кўриш мумкин эди. Самарқанддаги Рухобод мақбарасининг эшигига ўйма накш бажарилган бўлиб, балиқнинг стиллаштирган тасвирини кўриш мумкин.

XVI—XVIII асрлардаги ўзаро ички урушлар маданиятимиз шу катори халқ амалий санъатининг ривожланишига салбий таъсир этди.

XVII—XIX асрларда тирик жонзодларнинг тасвири, яъни қуш, балиқ, илон ва бошқалар ёғоч ўймакорлигига жуда кам тасвиrlанган.

XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида, Бухоро, Хива, Кўқон хонларидаги етук адабиёт намояндалари қатори ҳалқ амалий санъати усталари ҳам этишиб чиқди. Бу хонадонларда қулолчилик, мисгарлик, ганчкорлик, сиркорлик қатори ёғоч ўймакорлиги ҳам гуркираб ривожланди.

XIX ва XX асрларда ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, наккошлик ва санъатнинг бошқа турлари ривожланиб ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос ёғоч ўймакорлиги пайдо бўлди. Кўқондаги Ҳудоёрхон саройи, Тошкентдаги князь Н.К.Романовларнинг саройи ва А.А.Половцев уйи, Қувадаги Зайниддинбайнинг уйи, Марғилондаги Саидхамадхўжа мадрасаси, Бухородаги Ситорай Моҳихоса ва бошқаларда ажойиб ёғоч ўймакорлиги намуналари яратилди. Бу эса ўзбек ёғоч ўймакорлиги санъатининг бебаҳо асаридир.

Ўзбек ҳалқининг энг кўзга ташланган усталаридан Олимжон Қосимжонов (1878 - 1952), Сулаймон Ҳўжаев (1866 - 1946), Мақсад Қосимов ва бошқалар ажойиб намуналарни яратдилар. Улар ўзига хос ёғоч ўймакорлиги мактаблари яратиб ажойиб шогирдлар этиштиридилар.

Республикамиз мустақилликка эришгач ҳалқ амалий санъатининг бошқа турлари сингари ёғоч ўймакорлиги ҳам ривожлана бошлади. Ёғоч ўймакорлиги усталари ҳар хил буюмлар, хонтахта, эшик, шунингдек меъморчилик обидалари курилишига ҳам жалб этилди. Буларга Тошкентдаги Хотира майдони, Қатагон қилингандар хотира мажмуаси, Муқимий, Навоий, Миллий театрлари, Темурийлар ва Ўзбекистон тарихи музейи, Ҳастимом мажмуаси, Истиқлол санъат саройи, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва кўпгина жамоат ташкилотларининг бинолари ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналари билан безаганликларини мисол килиб келтиришимиз мумкин.

КУЛОЛЧИЛИК

Кулолчилик кора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Бу кора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупрок инсонларнинг барча эҳтиёжини ўз зimmersига олган фаровонлик, тўқинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатининг заминидир. Кулолчилик билан дунёдаги барча ҳалклар шугулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фарқ килади. Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услугга эга. Сопол буюмлари содда бўлсада унинг кўриниши қисмларининг аниқлиги, мутаносиблигининг сакланиши, нақшларининг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмунининг бирлиги, уйғунлиги ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик хунари лойдан, пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тогора, хум, тандир, буюм, ўйинчоклар, курилиш материаллари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узок тарихга эга. Махсус тупроқни киздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидәёқ билганилар. Улар аввал лойдан идиш товоқлар ясад, гулханда киздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланганлар.

Кулолчилик чархи милоддан аввалги Зминг йилликнинг бошларида ихтиро килингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиштовокларни маҳсус ўчок ҳамда ҳумдонларда пиширганлар. Неолит даврида идишларни таги, учли қилиб тайёрланиб ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда Кадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меморчиликда сополдан фойдалана бошланган.

VIII—XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар, яъни Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рӯдакийлар этишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. Бухорода Исмоил Сомоний мақбараси курилди. XIII асрда мўғуллар босқинчилги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнгин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё худудида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. Кулолчилик амалий санъатини ривожлантириша жуда катта хизмат қилди. Босиб олинган жойлардан усталарни олиб келиб улар учун расталар очилди. Машҳур гўзал, нафис бинолар, қасрлар, саройлар курдириди. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро ички жанглар оқибатида Темурийлар хонлигига 'марказлашган хонлик кучсизланиб кетди. Натижада Бухоро, Хива, Кўкон хонликлари пайдо бўлди. Ўрта Осиёда бир неча феодал давлатнинг бундай ажralиши натижасида ўзаро алоқа сусайиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам кулолчилик турли ерларда турлича ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади. Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислашиб борди. Усталар турли туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташкири уларни юксак дид билан безай бошладилар.

XIX асрда арzon баҳо чинни ишлаб чиқарилиши ва Россиядан чинни идишларни кўплаб олиб келтирилиши Ўрта Осиё худудида сопол буюмлар ишлашни бирмунча пасайтириб юборди. Лекин арzon сопол идишларни меморчиликда кенг фойдаланилиши кулолчиликнинг ривожланишига тўскинилк кила олмади.

XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халклари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Фиждуон, Панжикент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди. Улар сопол идишларини сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган кулолчилик маҳсулотларининг сифатлилиги, чиройлилиги, накшларининг нафис ва таъсирчанлиги билан шуҳрат козондилар. 1930 йилда Тошкентда тажриба кулолчилик ва Самарқандда кулолчилик устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўкув ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилиб у ер халқ амалий санъати усталари шу катори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди (1943 йилда Шаҳрисабзда ўкув ишлаб

чиқариш бадиий комбинати ишга тушди). Кулолчилик сир-асрорларини машхур кулоллар ёшларга сидкидилдан ўргатдилар. Булар риштонлик Узок Шерматов, Холмат Юнусов, Фиждувонлик Мухаммад Сидик, Усмон Умаров, тошкентлик Туроб Мирадиев, шахрисабзлик Рустам Эгамбердиев, Карим Ҳазраткулов ва бошқалар эди.

Кўпигина кулолчилик устахоналари, артеллари ташкил этилди. 40 йилларда Фиждувондаги «Намуна», Риштонда «Янги ҳаёт» артеллари факат жумхуриятимизда эмас, балки бутун дунёга машхур эди.

Айниқса кулолчиликни татбик этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Мухиддин Раҳимов самарали меҳнат қилиди. У ўзига хос кулодчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир канча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдириди.

ЗАРДЎЗЛИК

Зардўзлик — хунармандчилликнинг кадимий турларидан бири зар ип билан нақш (кашта) тикиш касби. У форсча зар (тилла), дўзи (тикмок) сўзини англатади.

Зардўзлик санъати узок тарихга эга. Зардўзликнинг ватани Вавильон бўлиб, у Рим империясига карашли бўлгач, зар, ипак ва жун ип қўшиб тикилган ранг баранг каштасилиги билан бутун дунёга машхур бўлган. Византияда зардўзи кийим-кечакларни факат император аъёнлари, аслзодалар кийишган. Византия билан мунтазам маданият ҳамда сиёсий ҳамкорлик қилиши туфайли зардўзлик санъати Эрон подшолиги саройида ҳам ривож топган. Эронда зардўзлик санъатининг ривожланганингiga XV—XVII асрда ишланган зардўзлик намуналари мисол бўла олади. Византиядан кадимги Русга ҳам зардўзлик санъати кириб келди. Кичик Осиё доирасида зардўзлик XIII ва XV асрларда ҳам ривожланди. Хуллас Византия каерга таъсирини ўтказган бўлса ўша ерда зардўзлик ривожланган.

Ўрта Осиёда зардўзлик жуда кадимдан ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан биридир. Археологик топилмалар ва тарихий манбалардан маълумки, Ўрта Осиё халклари орасида кадимдан I—II асрларда зарбоф кийимлар, бадиий буюмлар кенг таркалган. 1947 йили Тошкент вилоятининг Вревский кишлогида ўтказилган археологик топилмада аёл кабридан I—II асрларга тегишли зарбоф кийимлар топилган.

Абдураззок Самарқандий «Хиндистон сафарномаси» асарида 1442 йили Шоҳруҳ замонида Шимолий Хиндистон билан Ҳирот ўртасида турган элчиларнинг совғалари орасида зарбоф кийимлар бўлганинги айтиб ўтган. 1465 йили «Ашратхона» макбараси ҳакидаги хужжатларда зарбоф кийимлар ҳакида баён этиб ўтган. Ҳиротда яшаб ижод этган Васфий ўзининг рисолаларида зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида баён этган.

XVII асрда яшаган самарқандлик шоир Фитратнинг асосий касби зардўзлик бўлган, у матоларга зардан ажойиб кашталар тиккан. XIX—XX аср бошларида зардўзликнинг ўзига хос мактаби яратилган. Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа жойларда зардўзлик мактаблари очил-

ган. Қимматбаҳо матодан тайёрланадиган зардўзи кийимлар маҳаллий ахоли-нинг турли табакалари ўртасида кенг тарқалган. Бу кийим-кечаклар асосан амир саройидагилар ва шахар бойлари учун тикилган. Юзлаб қўли гул усталар амир саройининг эҳтиёжи учун ишлаганлар. Бу усталарнинг кўпчилиги ота-бобосидан мерос бўлган касби сарой ахллари учун камзул, чакмон, чалвор, пойафзал, белбог, салла, кулок ва жул тикишидир.

Усталар бу кийимларни хон буюртмаси асосида оиласидай тантана ёки байрам муносабати билан тайёрлаш буюриларди. Ҳеч ким, ҳатто энг катта амалдорлардан бирортаси хам юкорида келтирилган кийимлардан ҳеч бирини ўзига буюртиришга ҳаки йўқ эди, улар зарбоф кийимларни амир совға килгандагина кийишлари мумкин эди.

XIX—XX аср бошларида Бухорода ҳукмронлик қилган мангитларнинг охирги сулоласига тааллукли зарбоф кийимлар ягона ёдгорликлари нусхаси хисобланади. 1800—1826 йилларда Ҳайдархон подшо замонасида ишланган зардўзи маҳси (1810 йилда ишланган) сакланиб колган. 1827—1860 йилларда Амир Насруллохондан жуда кўп зарбоф кийимлар сакланиб қолган. 1895 йилдан 1911 йилгача ҳукмронлик қилган Абулаҳадхонга мансуб жуда кўп зардўзлик кийимлар сакланиб, ўша давр зардўзлик санъати гуллаб яшнаган давр хисобланади. Ўрта Осиёда зардўзлар бошқа ҳунармандчилик каби маҳсус ташкилотга уюшган эди. Ўша вактда Бухорода 350 га яқин зардўз усталар бўлган. Улар устидан назорат килиб турадиган маҳсус ташкилот бўлган. Цех уставига ўхшаш рисолалари бўлиб, у диний расм-руссумларга ҳамда урф олатларга амал килишни талаб этар эди. Зардўзларнинг кўпчилиги теварак атрофдаги гузарларга якин жойларда яшар эдилар. Шаҳарлarda бозорбоп буюмлар тайёрлайдиган устахоналарнинг катта қисми айнан гузарда жойлашган эди. Маҳсус ташкилотга этилган ташкилотга амирнинг сарой усталаридан ташқари ёлланиб ишлайдиган хусусий усталар — ҳалфалар ҳам киради. Ташкилот уюшмасининг бошлиги энг хурматли ва тажрибали уста — оқсоқол ёки бобо бўлган. У расмий равишда сайланмай, бобо динийахлоқий масалаларни ҳамда усталарнинг хатти ҳаракатларини кузатиб борар эди. Агарда бобо бўлмаган ҳолда оқсоқол унинг ўрнини босиб туар эди. Оқсоқол Амир саройи билан амирлик маъмурияти ўртасидаги ташкилотнинг расмий вакили хисобланган. У йирик буюртмалар олишда ва таксимлашда, уста, ҳалфа, шогирд ўртасидаги низоларни ҳал килишда, бозордан чакана устахоналардан белбог, аёллар безаги, рўмол ва ҳоказоларни сотиб олишда хизмат қилган. Амирнинг бош амалдори зарур буюмлар рўйхатини күшбегидан оқсоқолга берган. Оқсоқол якка ҳолда ишлайдиган усталардан буюм нархини келишиб олган ва буюртма рўйхатидаги нарсаларни олиб күшбегига кўрсатган. Кейин эса оқсоқол усталарни рози қилган.

Оқсоқол бундан ташқари уюшма аъзоларининг турмуши билан чамбарчас бофланган бўлган. Оқсоқол уюшма аъзоларининг оиласида чақалок туғилса, тўй ва маросимларда нечта одам айтиш, нималар керак бўлишини, қанча тўёна килиш ва бошкаларни ҳамда мана шу маросимларга бошидан охиригача бош-қош бўлган. Оқсоқолга алоҳида маош ажратилмай сарой топширикларини бажаргани, ҳар хил хизматлари учун, тўй ва маросим-

ларда чопонлар кийгизишган, пул ва совгалар тақдим қилишган. Оқсоқолга пойкор, яъни ёрдамчи тайинланаар эди, у ёш усталардан сайланиб, унга ҳам маош ажратилас мас эди. Пойкорга уюшма аззолари тўй, ўлим, ховли тўйи ва бошқа маъракаларда арzon матодан тикилган чопон инъом этар эдилар.

Бухоро амиригининг шаҳардан ташкаридаги Ситораи Моҳихоса ҳамда Ширбудун саройларида ҳар йили бозор сайли бўлиб, унда ҳалк амалий санъати турларидан кулолчилик, мисгарлик, кандалорлик, пичоқчилик, дўпидўзлик ва бошқалар катори зардўзлик буюмлари ҳам ташкил этилар эди. Ширбудунда тўрт олги ҳафта, Ситораи Моҳихосада икки ҳафтача давом этади. Бу сайт ҳар йили ҳалқнинг анъанавий байрами ҳисобланниб ҳукумат томонидан қонунлаштирилган эди. Нарсаларни сотишига қулай бўлиши учун вакгинчалик расталар курилар, буларнинг ҳаммасини уюштиришга усталарнинг оқсоқоли раҳбарлик киларди. Бундай сайлларнинг бўлиб туриши ҳалқ амалий санъатининг ривожланишига катта қисса кўшган. Феодализм даврида ҳамма хунарлар каби зардўзлик муқаддас ҳисобланган. Чунки ҳар хунарга, қасбга бўлган ҳурмат шунчалик бўлганки усталар ҳар бир қилган ишларини дил виждони билан бажарган. Усталарнинг айтишича энг биринчи уста зардўз, энг биринчи устоз, гойибона ҳомий ҳамда пир Ҳазрати Юсуф бўлган дейишиади. Шу ҳақда кичкина рисолача бўлиб унда зардўзлик қасбининг пайдо бўлиши, уни ўрганиш қонун қоидалари, ишдан олдин ўқиладиган дуолар зардўзлик қасбининг ҳомийси «Арвоҳи пир»га сифиниш узоқ вактгача давом этган.

«Гули сурх» айёмида, яъни илк баҳор кунларида зардўзлар Бухоро якинидаги Баховуддин қишлоғига келиб қўй сўйиб худойилар қилишган. Пирзодалар арвоҳига багишлаб ҳафтанинг пайшанба, якшанба кунлари барча зардўзлар тўпланишган. Қироатхонлик дастурхон устида бўлиб, рисолачи зардўзликни келиб чиқиши қонун қоидалари ва ўқиладиган дуоларини тушунтириб беришган. Рисолачига қироатдан сўнг қишилар назирни ёз берганлар. Бу эса уларни зардўзлик қасбига бўлган ҳурматини янада оширган. Бухорода сарой зардўзлик устахоналари бўлиб улар аркда, подшохлик биноларида, олий давлат амалдорларнинг ҳовлиларида жойлашган бўлиб, амир хазинаси томонидан таъминланиб турилган. 1860—1885 йилда саройда битта, 1885—1911 йилларда иккита устахона бўлган. Биринчи устахона давлатнинг бош вазири—қушбегининг подшохлик уйида, иккинчиси амирнинг молия ҳамда солик ишларини юритувчи закотчининг уйида эди. Қози Калон Бадриддиннинг уйида ҳам зардўзлик устахонаси бор эди. Унга подшоҳ рухсат бериб, сарой устахоналари даражасида ҳукукка эга эди. Қози Бадриддиннинг уй устахонасида амирнинг маҳсус рухсатномаси билан ҳар хил совға салом тайёрланар эди.

1894 йили амир Абдулаҳаддинг Карманага бутунлай кўчиб ўтиши, сарой устахонаси фаолиятини тўхтатди. Сарой буюртмаларини аввал хусусий усталар тайёрлаб берар эдилар. Кейинчалик эса Чорбогигул саройи кошидаги устахонада бажарилди. 1915 йили Олимхон даврида Бухорода Қушбеги Мирзо Урганжийнинг уйида подшохлик устахонаси ташкил этилган. Бу устахона қушбеги ихтиёрида бўлган. Унда ишнинг кўп камлигидан катъи

назар 20 тадан 40 тагача усталар ишлаган. Устахонага устакор бошчилик қилган. Устакор тажрибали, малакали тархашлардан (яни накш чизувчи уста) күшбеги томонидан сайланган. Булардан бири гул тикиш санъатида коровулбеги, Салим устакорлик лавозимида ишлаган. Кейинчалик Шоиддин ва Абдушукур тархаш бўлган. Улар зардўзларга иш берган, буюргамаларни ўз вактида бажарилиши ҳамда ишни сифатли чиқишини назорат қилган. Устакор барқут, шойи, ип ва бошқа хомашёларни тарқатиб турган. Фақат устакор калобатунни, яни кимматбаҳо зар ипни қүшбеги идораси ичида тайинланган маҳсус мирзо калобатунчидан олган. Калобатун алоҳида жойда сақланган. Гул кесувчи усталар подшоҳлик устахонасида асосий кишилардан ҳисобланар эди. У гулбур деб номланган. Нақошлар ичидан (тархашлар) чиккан саркор чўбадаркаш деган чамбарак ясовчи усталар гулбурлардан кейин иккинчи ўринда турган. Матога чамбарак ясаш ҳамда гул тархини (накш нусхасини) тушуриши энг масъулиятли иш бўлиб бу ишни ҳамма зардўзлар ҳам эйлай олмаган, шунинг учун кейинчалик факат чамбарак ёки керги ясаш билан шуғулланувчи усталар ажратилган. Сарой устахоналарида иш кизгин бўлган. Усталар азондан шомгача ишлашган. Уларга малакаларига кўра иш хаки берилган. Байрам кунлари оқсоқол усталарга пул ҳамда буюмлар совга килинар эди. Усталарга ҳукумат томонидан иссиқ овқат берилар эди. Уларни маҳсус таҳтачаларга ўйиб ёзилган «ҳатчўби нон» ва «ҳатчўби гўшт» (гўшт)га бўлар эди. Маош дам олиш куни — пайшанбада күшбеги идорасидан мирзо тузган ҳисоб китоб бўйича берилган. Шогирдларга усталар пулнинг учдан бир қисмини берардилар. Устахонадаги озиқ-овқат бир маош ҳисобланган. Шогирдлар озиқ овқатни ё уйларига олиб кетар эдилар ёки камбагалларга сотиб юборар эдилар, тушган пулни бўлишиб олганлар. Усталар баъзи вактларда кечаси ҳам колиб ишлагилар. Уларга бир тангадан «кори шаб» учун кўшимча ҳак тўланган. Тезкорлик билан қилинадиган ишларни айrim ҳолларда буюргани шартнома асосида усталар уйларига олиб бориб бажаргандар. Агарда сарой устахонасида шошилинч иш бўлса ёки зардўзлар сонини кўпайтириш мақсадида күшбеги маҳалласидан оқсоқол номига аркда ишлаш учун энг яхши усталардан бир нечтаси талаф килинган, уста ва сохибкорлар аркдаги ишга сафарбар қилинган.

Подшоҳнинг зардўзлик устахонасида ташқари яна ҳусусий устахоналари ҳам бўлиб, уларнинг сони 25 тача бўлган. 1885—1911 йиллар Бухорода зардўзлик санъати гуллаб яшнаган давр бўлган.

Турли давлардаги устахоналар тайёрлаган моллари турлича бўлган Музаффархоннинг хонлигига ҳусусий устахоналарига анча эркинлик берилган, подшоҳлик устахоналарида нима тикилса, ўшаларни ҳам тикишга руҳсат берилган. Аҳадхон даврида сарой аъёнлари ҳамда катта амалдорлар киядиган кийимларни тикиш ман этилган. Айrim якка ҳол зардўзлар буюмларини бозорларга олиб чиқар, савдо гарларга сотиб юборар эдилар. Бухородаги турли музофот ҳокимлари ҳар йили амирга анъанавий тор туғи тўқсон мукофоти билан сотиб олар эдилар. «Шариф чилёлак» лақабли уста Машариф гуллардан ташкил топган, тўнга ҳам, бошқа буюмга ҳам бирдай ишлатса бўладиган нақш композицияларини олдиндан тайёрлаб қўйган. Бир неча ойда

тушириладиган гул бир икки кунда тушурилган. Хусусий устахоналар тез-тез амир саройи буюртмаларини бажарар эдилар. Уларга устага хазинадан бичилган мато ва гул тархи берилар эди. Қолган майда чыйда ашёларни устахонани эгаси сотиб олган. Буюртма харажатларини күшбеги маҳкамага тұлаган. Подшохлик устахоналари билан баравар миқдорда ўз оиласи учун нақд пул олиш хукукига эта бўлган. Зардўзлар майда чыйда таъмирлаш ишларини хам килганлар. Улар эскирган дўппи ва аёллар пешо-набанди ва бошқаларни қайтадан таъмирлашган. Эскирган пешонабанднинг зардўзи гули авайлаб кесиб олиниб рўмолга кўчириб кўйилган. Пайдо бўлган чокларни йўкотиш максадила гулларнинг чеккасидан кўшимча ингичка йўл тикилган. Зардўзи дўппиларини эса тез-тез тозалаб туришга тўғри қелган. Яхши эзилган ширачни юмшоклаб дўппининг кирланган жойига обдон айлантириб ишқаланиб тозаланган. Уста зар сувига ботирилган юмшок пахта билан зар ипларни артган. Эрқаклар чопонидан аёллар кўйлаги, халтача, болалар тўнчаси, дўппи, ёстик жилти, саллалардаги кашталардан рўмол хамда пешонабандларга гул тушуришда фойдаланишган. Усталар бозорга айrim ҳолларда олиб сотарларга хам сотганлар. Чала битган буюм, яъни абрани хам сотишган. Олиб сотарлар абрардан кераклитика олиб ёки ўз оиласининг кучи билан ёки маҳсус шу иш билан шугулланувчи аёлларга бериб, ишни ниҳоясига етказгандар. Олибсотарлар ўзи учун куляй шароитда усталарни керакли буюмлар билан таъминлаб турган, маълум миқдорда фойдаси билан мол берган. Ушбу йўл билан олибсотарлар анча муддатгача усталарни ўз измида саклашга эришган.

КАНДАКОРЛИК

Ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг таркалган турларидан бири кандакорликдир. Кандакорлик деганда металлдан ясалган бадиий буюмларга ўйиб ёки бўртик килиб нақш ишлаш тушунилади. Ўзбекистон худудида жойлашган Ўрта Осиё шаҳарларида металлдан ясалган бадиий буюмлар ишлаб чиқариш қадимдан ривожланиб келаётган санъат бўлиб, бу санъат ўзининг қадимийлиги билан кулолчиликдан кейин иккинчи ўринда туради. Савдосотикда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бу асрлар рамзий ифодаларнинг янги услублари хамда ғояларини таркатиш манбаи бўлиб хизмат килган. Маҳаллий санъат асрлари кўшни мамлакатлар санъатининг энг яхши ютуклари билан бойиб борган. Қадимда буюм яаш урф бўлиб колган. Маҳаллий усталар олтин, кумуш, жез, мис ва бошқа металлардан хар хил буюмлар ясагандар. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан ҳалланган кумуш буюмларда ўз ифодасини топди.

XI асрдан бошлиб кандакорлик маҳсулотларини мис хамда мис котишмаларидан тайёрлай бошладилар. Археологик топилмалардан эрамиздан аввалиг 111 аср охири хамда 11 аср бошларида биринчи (маҳсус мис котишмаси) тўғнағичлар Миср, Ўрта ер денгизи, Месопотамия, Ҳиндистон, Ўрта Осиёда кенг таркалганилиги аниқланган. Бу бадиий металл буюмлари ишлашнинг илк намуналари эди. Тўғнағичларда кичик кичик воқеалар, ҳайвон ва

бошқа нарсалар тасвирланган. Фарғонада топилган маросим козони 1 минг йилликнинг ўрталарида кандакорлик «Ҳайвонот услуби» ривож топганилигини исботлади.

IV асрда Ўрта Осиё жанубий вилоятларининг Александр Македонский томонидан босиб олиниши тасвирий ва амалий санъатнинг маҳаллий анъаналарининг тарқалишига имкон яратди.

III—VII асрларда, яъни сўнгги антик ва илк ўрта аср даврида Ўрта Осиёда кандакорлик жуда юқори даражада ривож топди. Қимматбаҳо металлардан ҳокимлар ҳамда аъёнлар учун ҳар хил ниҳоятда чиройли безак буюмлари ишлатилди. Бу олтин ёки кумуш буюмларда тўй томоша, таҳтга ўтириш маросимлари, дунёвий мавзулар, ширкор ва кураш манзаралари, афсонавий ҳамда эпик қаҳрамонлар, хаётий мавжудот, парранда ва бошқа тасвирларни кўриш мумкин эди.

VI—VII асрларда бадиий металл буюмлар юксак техник сифатда бажарилганлигига Аников лагани мисол бўла олади. Бу лаганда қалъа дарвозаси олдидаги саҳна тасвирланган, «Яккана якка олишув» воқеаси тасвирланган коса ўша давр ҳаётидан бир парча бўлиб, ундаги ўйманинг майнлиги, аниқ нафосати, композицияси, таъсирчанлиги, кучлилиги билан машҳурдир.

Археологларнинг топилмалари шуни кўрсатдики, араб истилоси давригача сўғд ахолиси рўзгорларида бадиий металл буюмлар кенг тарқалганлиги исботланди. Ҳайвон шакли ифода этилган мис накшлар, яъни ёввойи ҳайвонлар калласи ва бошқалар топилган.

IX—XIII асрларда кумуш ишлаб чиқариш инкиrozга учрайди Темур хукмронлигигача буюмлар асосан бронза ва мисдан тайёрланган.

XI асрда ҳунармандчилик, нақошлик янада ривожланди, жониворлар тасвири ва эртак сюжетлари усталар иш мавзусида яна кўп вактгача сакланди. Бу давр буюмлари Термиз ва Наманганд шахар музейларидаги мис лаганлар, офтобалар, кўзгулар, сиёҳдонларда юксак сифатга эга бўлган афсонавий воқеаларни ифодалаган.

IX—X асрларда ислом дини Ўрта Осиё вилоятларига кириб бориши муносабати билан турли туман ҳалкларнинг санъати анъаналарини ўзида мужассамлаштирган янги ғоявий услуг пайдо бўлди. Мусулмон Шарқда биринчи ва мис буюмлар кўп тарқалган бўлсада кейинчалик улар ўрнини кумуш ва олтин металлар эгаллади.

VIII—XIII асрларда кимматбаҳо металлардан килинган идишлар ислом дини дунёсининг кўпгина бурчакларида урф бўлиб қолган эди. Олтindan жуда кўп нарсалар ишланар, биноларнинг безакларига олтин суви югутирилар эди. Кейинчалик эса ҳом ашё сифатида биргина кимматбаҳо металларнинг ўзи кифоя килмай ҳийла арzon материаллар мис ва унинг турли котишмалари ишлатилди. Кизил мисдан ҳар хил кўзалар, декчалар, идиш-товорклар, жездан ва сарик мисдан шамдонлар, поймонлар, оқ мис ҳамда бринжидан кўзалар, кир тогоралар, катта кичик пиёла ва шу кабилар ясалар эди.

Юкорида айтиб ўтилган материаллардан ясалган буюмлар олтindan жуда кам фарқ килар эди. XI асрда яшаб ўтган шоир Носир Хусрав асарларида

бринжидан қилингандын күзани күриштеги колгани, уни олтингендеги хеч фарқ килмаслигини баён килиб ўтган эди.

XI асрнинг ўрталарида Ўрга Осиё халк амалий санъатида катта бурилиш бўлди. Кандакорлик тез суръатлар билан ривожланди, мис ва унинг қотишмаларидан янги янги буюмлар пайдо бўлди, тўғри тўртбурчакли баркашлар, корни шарсизмон ҳамда бўйнига накш солингандын кўзалар, ярим доира кетгмонлар, сиёҳдонлар, ховонча ва бошқалар жуда кўп ишлатилар эди. Бу буюмларнинг юзаларига бўртма кандакорлик усулида накш ишлаш камайиб бориб, унинг ўрнига ўйиб накш ишлаш (гравюра) урф бўлиб қолди. Ишланган безаклар IX—X асрларда беўхшов кўпол шаклини ўйқотиб жуда чиройли кўринишга эга бўлди.

XI—XII асрларда идишларни қанотли сфинкс ҳамда тақаларнинг, одамбош кушлар, арслонлар шакллари билан безаш одат тусига кирди. Бу безаклар ичига дунёвий мазмундаги безаклар, яъни сарой боф манзаралари, тўй, базм, сарой ичкариси, шикор, накш турларидан турунжалар ишлатилди. Турунж накшлар жуда кўп ишлатилиб буюмларнинг ажралмас кисми бўлиб қолди.

IX—XII асрларда кандакорлик санъатида ҳам катта янгилик бўлди. Идишларни безашда ёзувли накшлар кенг миқёсда кўлланилди. Кадаҳ ва идишларга ҳар хил ёзувлар масалан, шон шараф, омад, тан сихатлик, баҳт саодат, фаровонлик деган накшли ёзувлар «куфий» ва «насх» усулида битилган. Бу ёзувли безаклар шундай ривожланиб кетиб жуда майда, жуда нафис бўлиб, ҳаттоқи уларни ўқий олиш қийин эди.

XIII—XV асрларда кандакорлар безакларга кумуш ва олтин ипларни кадаб зеб бериб, накшларни жудаям нафис бўлишига харакат қилишган. Регистон майдони яқинида топилган ҳазиналар, яъни олтмишдан зиёд турли туман идишлар, пиёлалар, кўзалар, қопқоклар, тагликлар, қозончалар кандакорликнинг XIV—XV аср бадиий анъаналари тўғрисида мълумот берган. XIV асрда металлга бадиий ишлов беришда жиддий силжиш бўлди. Темур ўз даврида халқ хунармандчилиги ривожланишига катта зътибор берди. Темур ва темурийлар авлоди хукмронлик килган даврда буюмлар ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланди. Бу давр халқ амалий санъатининг барча турларидан бадиий услубнинг ўзгариши билан характерлидир. Металл буюмларни безаш янада ўзгарди, ўсли. Буюмлар накшлари янада бадиийлаши, нозиклашди, майда ислимиий накшлар, ёзувли нақшлар янада кўп ишлатилди. Масалан, Эрмитаждаги шамдонлар, ҳалқа, етти хил металлдан куйилган қозонлар мисол бўла олади. «Шамдонлар» садаф суюк қадаб ишланган эшиклар учун қилингандын нафис шабака ҳалкалар ўсимликсизон гуллари заминида яратилган. Бу ёзувларда шамдонларнинг ишланган вакти (1397 йил) ва уста Изабаддин Исфаҳоний номи битилган. Қозон ўсимликсизон накш ва юксак бадиий ҳуснинат ёзуви билан накшланған. Бу афсонавий қозон дунёда ягона бўлиб, уни табризлик Абдулазиз ибн Шарофиддин риҳтагар яратган».

Жумхуриятимиздаги қазилмалардан топилган металл буюмларда чет эллик усталар номини учратиш мумкин. Чунки Темур юришлари вактида чет

эллардаги усталарни күчириб Самарқандга олиб келтирған. Улар ўз асарларида маҳаллий бадий дид ва карашларига бўйсунған.

Испан элчиси Клавихонинг эсадаликларида Амир қабулида ва зиёфатида бўлган вақтида кўрган ажойиб идишларни юксак даражада бажарилганлиги хакида айтиб ўтган. Ўша давларда Самарқанд, Бухоро ва Хиваларда юкори сифатли ва бежирим металл буюмлар ишлаб чиқилган.

«Бухоро ва Хивадан Москва ҳукмронларига совға сифатида тақдим этилган буюмлар, шунингдек, Ўрта Осиё савдогарлари келтирған моллар ичидаги олтин суви юритилган майса билан ҳошияланган гурзи, ўқ, ўткир тигли киличлар, олтгин суви юритилган килич қинлари, кумуш занжирапар, «тулунбосар» (дўмбирарапар), олтинранг ва ўтранг бўёклар юритилган қиличлар тилга олиннади, тарихий хужжатларнинг гувоҳлигига қараганда, XVI—XVII асрларда Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа шахарларидаги маҳоратли усталар жуда кўп бўлган».

XVI—XVIII асрнинг бошларидаги Ўрта Осиёда ҳўжаликнинг турғунлик даври бўлди. Чунки ички нотинчилклар ишлаб чиқаришда ва савдога кагта таъсир этди. Ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш тўхтади, лекин курол яроглар ишлаш ва уни безаги янада ривож топди. Бухоро, Хива, Самарқанд ва Фарғона водийлардаги шаҳарлар аслала ва жанг кийимлари тайёрлайдиган асосий марказлар ҳисобланган. Амир ҳамда саркардалар учун мўлжаллаб ясалган қалқонлар, шамширлар, дубулгалар, ойболталар, энли камарлар, ҳанжарлар, ўйма нақшлар, кимматбаҳо металл ва рангбаранг тошлар билан безатилган. Кейинчалик эса учта марказлаштирилган давлат Бухоро, Кўкон ва Хива хонликлар ташкил этилиб ҳўжалик ишлари қайта тикслана бошлади. Ҳунармандчилик аста ривожлана бошлади.


XVIII—XX асрларда кандакорлик яхши ривожланган бўлиб, Бухоро, Кўкон, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ҳамда Тошкент шаҳарлари кандакорлик буюмлари чиқариладиган марказлар бўлган. Бой ҳонадонлари нақш туширилган идишлар билан безатилган. Улар ҳонадон соҳибининг давлатмандлигини намойиш килиб турган. XIX аср ўрталаридаги вопурушлар пайдо бўлган. Фарғона водийсида дўқо‘дор Бухоро ва Тошкентда эса вопуруш (олибсотар)лар деб юритилади. XIX аср ўрталаридан бошлаб вопурушлар ҳунармандлардан буюмларни арzon баҳоларга сотиб олар эдилар. Уларни савдогарларга оширилган нарҳда ўтказганлар ёки бозорларга олиб бориб сотганлар. Улар ҳалқ амалий санъати усталарининг тайёрллаган гилам, офтоба, кутича, килич, ҳар хил идиш ва бошқаларини ҳалкка етказиб беришда «Савдо воситачилари» ролини ўйнаганлар. Ўрта Осиёнинг Россияга кўшилиши фабрика молларини келиши ва уни шу ерда ишлаб чиқарилиши маҳаллий ҳунармандчилар ишига жиддий таъсир этди. Шунинг учун ҳам ҳунармандлар талабига бўлган эҳтиёж пасайиб кетди.




Амнир усуслидаги ўриндиқ (кресло)
IX асрнинг I-чораги




Стул (клисмос) (Қадимги Греция)



Тонет фирмасининг стуллари (XX аср бошлари)



Мусиқа асбоблари (Қадимги Миср)




Мебель (Қадимги Миср)

а) бөш учун таянч; б) курси; в) кесишган таянчлардаги ўриндик; г) фиръавн тахта



П.Беренс. Рұзғор буюмлари (Германия, XX аср бошлары)



Рұзғор бүмлари (Қадимги Рим)

- а) күчма бронза;
- б) аутепса;
- в) суюкликни иситиши мосламаси;
- г) овкатни иситиши курилмаси;
- д) бронза шамдон;
- е) уочоек печь.

Мебель типлари:

- А) х симон стул
- Б) пластиналар
- В) сандик
- Г) кабинет
- Д) юмшок стул,
сандик (Франция)





К.Росси Михайлов саройидаги мебель (Россия, XIX аср бошлари)

ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЬАТИ ТУРЛАРИ



Накқошлик санъати




Кундал техникаси



Ганч ўймакорлуги



Евоч ўймакорлуги






Егөч ўймакорлык санъаты намунаси



Кандакорлык санъаты





Гиламдұзлик



Саватчилик



Заргарлик



Зардұзлик

БИНО ИНТЕРЬЕРИНИ БАДИЙ ЛОЙИХАЛАШ





МАКЕТ ЯСАШ






ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕР



ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕР



ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕР



МИСГАРЛИК

Ўзбекистон каштачилик, мисгарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари халқ амалий санъати билан бутун дунёга машхур. Ёғочга, мисга, когозга, матога ганчга чизиб, ўйиб, тирнаб, зарб билан ишланган нақш нигоралар уларнинг гўзаллиги, нафислиги ва таъсирчанлиги кишини ўзига мафтун этади. Шу санъат турларидан бири мисгарлик бўлиб, у қадим замонлардан бўён давом этиб келаётган санъатdir. Мисгарлик деганда мисдан куроллар, ўй-рўзгор буюмлари ва бошқа жихозлар ясаш касбини тушунамиз. Мисгарлик хунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган туридир. Мисгарлика ишлатиладиган асосий материал — мис. Мис нима? Мис нима учун ишлатилади, деган савол туғилади.

Мис — қадимдан инсонга маълум бўлган металл. Мис ва унинг котишмалари инсоннинг моддий маданиятини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Қадимда юоннлар мис рудасини биринчи бўлиб Кипр оролларидан қазиб олганликлари учун унинг номи лотинча (сиргит деб аталади. У табиатда таркибида темир, кумуш ҳаттоқи олтин бўлган руда ҳолида учрайди.

Мис ҳаётний физиологик жараёнда катнашадиган муҳим элемент. У юмшок, чўзилувчан, болғаланувчан кизил ёки кизгиш металл. Мис иссиқлик ва электр токини жуда яхши ўтказиб кумушдан кейин иккинчи ўринда туради. У ҳавода тез оксидланиб қораяди. Нам ҳавода мис гидроксикарбонат хосил килгани учун кўкаради. Мис мис рудаларини қайта ишлашдан олинади. Ундан лаган, офтоба, жом, самовар ва бошқалар, шунингдек сунъий ипак олинади. Қадимда мисгарлар соғ мисни совуклайн ишлатганлар, шунинг учун ҳам мис буюмлар юмшок ҳамда мўрт бўлган. Кейинчалик мис ва қалай котишмасидан хосил килинган бронзани ишлатганлар.

Бронздан ишланган буюмлар бирмунча пишиқ бўлади. Курама топларининг жануби гарбий қисмидан Қизилкум ҳамда Нурота тоғларидан топилган топилмалар миснинг Ўрта Осиё территориясида қадимдан ривожланганлигини исботлади. Бухоро қадимдан нақшинкор мис идишлар ишлаш маркази бўлиб келган. Страбон ҳамда Геродот асарларида Ўрта Осиёда мисгарлик машгулоти ҳақидаги маълумотлар ёзилган. Х аср араб географи ҳамда сайёхи Мақдисийнинг ёзиг қолдирган маёнбалари асосида шулар маълум бўлдики, Араб мамлакатларига Самарқанддан ўша даврда катта мис козонлар, жуда чиройли мис қадаҳлари, Бухородан эса мис чироқлари келтирилган. XI—XII асрда Термиз мисгарлари бутун дунёга машхур бўлган. XII—XIII асрларда Ўрта Осиёда мис буюмлари ясашга жуда катта эътибор берилган. XVIII—XIX асрларда Бухоро, Самарқанд ҳамда Қўқон, Хива каби шаҳарларда аъло даражали бронза ва мисдан идишлар ясаш кенг тарқалган эди. Мисгарлик санъатининг ўзига хос мактаблари бўлиб, улар Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларда бўлган. Мис идишлар икки йўл билан биринчиси мисни эритиб қўйиб, иккинчиси болғалаб ясалган. Болғалаб ясашда сангдондан фойдаланилган. Буюмни ясашда металл тез-тез қиздириб турилади. Агар мураккаб идишлар ясаладиган бўлса, мис бир қанча бўлаклари қўйилиб кейин қалайланган. қолингдан чиқарилган мис идиш яхшилаб тозаланади. Идиш битгандан сўнг нақш ўювчи кандакорга берилади.

МИС БЮЮМЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Металлдан ишланган идишларнинг умумий шакли маълум пропорция ҳамда силуэтга эга. Сув солинадиган ҳамда чой дамлаб ичиладиган идишларнинг шакли хилма хил бўлади. Бу идишлар шарсизмон юмалок, агар япалоксимон бўлса сатранжи, каноти нафари, шакли қовурғали, пилтали, киррали, раҳли бўлган. Шундай идишлар борки, уларнинг корни бир хил бўлиб, дастаси ва тумшуғи билан фарқ қилган.

Мис лаганлар кўпинча доирасизмон баъзи бирларигина овалсимон ёки тўртбурчак бўлади. Буларни бухоролик ҳамда самарқандликлар чоркунж деб юритадилар. Мис лаганларининг лавхўри, дулава ва қошиғлик турлари бор.

Лавхўри — овалсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг лаблари ён томонгага кайрилган бўлади. Бу лаганлар ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан жуда нағис қилиб безатилган.

Дулава — тухумсимон ёки тўртбурчак шаклдаги мис лаганларнинг ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилган, лаблари кунгурали бўлади.

Қошиғлик — қошики, тухумсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилган, лаблари кунгурали бўлади.

Юз кўл ювишда дастшўй ва офтобалар ишлатилади. Сув келтириш учун

сатил (челак), сув олиш учун сархум, нон иситиш учун нондон ва бошка рўзгор буюомлар шаклининг ўзига хослиги ҳар бир воҳаларда ўзига хос тузилишга эга.

Сархум — катта хумлардан сув олишда ишлатиладиган мис идиш шакли кружкага ўхшаш, лекин унинг ҳажми катта банди эса жуда чиройли бўлади. Сархумни куйиб ёки ясама усулда ясалади ва безалади. Ўзбекистон кандакорлиги идишлари Хиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Кавказ ҳамда Туркия халкларига яқин ва ўхшашдир, чунки Ўрта Осиё халклари кўшини халклар билан кўшничилик алоказалида бўлган. Ўрта Осиё худудида ўрдак кўринишидаги офтобалар ҳам қўлланилган.

Ўрдак офтоба — копкоги ўрдаксимон, кафти, дастаси, жўмрак ўрнига ўр-дак тумшуғининг шакли ўрнатилган идиш. Ўрдак офтоба Кўкон шахрида инкилобгача кенг тарқалган бўлиб унда чой дамлаб ичилса ҳам бўлади. Олим-ларнинг айтишича, Шарқ мамлакатларидан келтирилган бўлиши ҳам мумкин. Бу идишлар Ўрта Осиёда факат кулолчиликда тайёрланганнадир. Жумхуриятда тарқалган баъзи бир шакллар Кавказ ҳамда Эрон халкларининг идишлари ўртасида учрайди. Офтобалар панжарасимон «шабака» қилиб ҳам ишланган.

Шабака — мис идишларга майдо қилиб тешиб ишланган панжара. Тошкентда «Сумбарно» деб юритилади. Шабака бу мисгарликда техникавий услуг хисобланади.

Хоразмда сув учун кумғон деган идиш ишлатилади, лекин бу идиш ҳеч бир вилоятда қўлланилмайди. Оригиналлиги шундаки ушлайдиган дастаси йўқ. Бошқа вилоятларда офтоба деб юритилади. Кейинги вактларда фабрика

ва заводларда ҳар хил металл ва чинни идишларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши мисгарлик хунармандчилигининг ривожига салбий таъсир қилди. Лекин шунга қарамай, кўплаб мис идишлар ясаляпти.

Сув келтириш, сув саклаш ва чой дамлаш учун мис чойнак, мис кўза, чойдиш (чойжўш), кашкил ўзбек халки орасида энг кўп таркалган мис идишлардан биридир. Чойдишда сув ташилади ёки чой қайнатилади. Унинг бўйи 25—30 см, корни эса баландлигига якин кагталикда бўлади. Улар ҳар хил кўринишига эга бўлиб тагида чамбараги бўлади. Унинг дастаси кўйилиб идишнинг ўртасига икки мих билан парчинлаб маҳкамланади. Чойдишнинг копқоғи кўпинча «шабака» яъни панжарали ўйма килиб ишланиб дастасига ўрнатилади. Дасталари ёй шаклида қайрилган бўлиб, пастки учи туморча «мадохил» шаклида тугайди. Баъзи ҳолларда илон бошига ўхшатиб кўйилиб, илоннинг оғзи очик ёки ёпик ҳолда тасвирланади. Қадимги мисгарларнинг айтишича, илон бошининг тасвири идишни жинлардан саклайди. Кўпинча идишлар дастасига идишни ишлаган устанинг номи, айrim ҳолларда буюртма берганнинг номи бадиий қилиб ёзib кўйилган. Чойдишларнинг юмалок, япалок коринли «сатранж» ва ингичка бўғизли «исфахон»лари бўлган.

Кўза — арик ёки қудук сувларини ташишда ишлатиладиган каттароқ идиш. Кўза икки хил: қорни юмалок бўғзи юкорига кичрайиб кетувчи ҳамда конуссимон коринли бўлади. Сув олиб келиш учун мис челак «кашкил» ҳам ишлатилган. Унинг пастки кисми эса текис бўлади. XX аср бошларида Европада челакка ўхшаш кашкиллар ҳам ишлаб чиқилган. Хивада сув идишлари тун деб аталиб, у юмалок шаклда бўлади, баъзида копқоғи ва дастаси ҳам бўлади. Кўл ювиш учун офтоба, обдаста, кумғон, дастшўй, селобча, чилопчин, туфдон (туфлагич) ва бошқалар ишлатилган. Бухорода офтоба дейилса, Самарқанд, Тошкент ҳамда Фарғонада обдаста деб юритилади. Бир аср илгари ясалган офтобалар хозиргиларидан катта фарқ килган. Қадимги офтобалар Афғон офтобаларига ўхшаш нафис, кўрккам ҳамда силлик пардозланар эди. ҳар бир воҳала ҳар хил офтобалар ишлатилар эди. Хивада офтобалар ясси, бўғзи узун ҳамда ингичка бўлиб дастаси бўлмайди. Шахрисабз қандакорлари офтобаларга рангли ойначалар, рангли сўрғичлардан, айrim ҳолларда эса сирли бўёклардан гуллар солишган. Бухоро офтобалари гул солинган, бўйи пастроқ, катта ва ингичка бўғизли бўлган. Оғзи кичкинагина қабарик бўлиб, четлари кунгурали қопкокча билан беркитилган бўлади. Жиякка офтобани копқоғи ўрнатилган бўлади. Қарши офтобаси ўзига хос кўринишига эга бўлиб, алоҳида ясалган жўмраги бироз юкорига эгилган ҳолда тик ўрнатилади. Офтоба жўмрагининг бироз кенгроқ дастаси тўрт киррали, ясси, жимжимасиз бўлади. Офтобанинг қорни кенгроқ бўлиб, унинг таг кисмида чамбарак килинмайди. Бухоролик усталар Қарши усталари тайёрлаган офтобалар бўғзига, жўмраги атрофига нақшлар, ўйма гуллар, рангли ойналар, қорнига эса оқ металлдан жуда чиройли қилиб безаклар ишлар эдилар.

Дастшўй — кўл ювиш учун ишлатиладиган мис идиш, у юмалок кўринишга эга бўлади. Дастшўйнинг усти панжара копқокли бўлиб, копқок

идишга бурама ҳолатда маҳкамланган. Сувни тўкиш ёки тозалашда ундан ажратиб олиш мумкин. Дастьёй ажойиб нақшлар билан безатилади. Ичимлик ва овқатларни маҳсус мис лаганларга қўйиб устидан копкоқ билан ёпишган. Мис лаган, мис товоқ, лаъли баркаш, озиқ овқатларни ёпиб қўйиш учун саври, кашкил, сатил ва бошқалар ишлатилган. Самарқанд ва бухороликлар оддий чекакни сатил деб юритадилар. Мис лаганлар энг кўп тарқалган идишлардан бўлиб, улар юмалок тухум (лаъли) шаклида ва тўртбурчак (лаъли чоркунж) шакларда бўлади. Лаганлар оёкли хам бўлиши мумкин. Бухорода биринчи бўлиб мис лаганларга меъморлик ёдгорликларига хос килиб безашни уста мулла Муқаддам Мукаррамов бошлаб берган. Лаганларга реалистик расм солишини эса Абдусалом Ҳамидов ишлаган. У күёш, юлдуз, ярим ой ва бошқа нақш элементларини жуда кўп ишлатган. Айникиса диний маросимларда, чилкалит, исириқдон, дарвешларни идиши, кашкил ишлатилган. Ўша вактларда ўлка бўйлаб сон-саноқсиз дарвешлар бўлиб, улар чекакка ўхшаш кашкилни кўлда кўтариб садака сўраб юрганлар. Катта кашкиллар хам бўлиб, улардан мозор ва мақбараларда тупрок ташилган. Дарвешларнинг кашкили жуда чиройли нақшлар билан безатилиб орасига куръондан оятлар ёзилар эди.

Ов дўмбираси — довул, пул сакланадиган ғаладон, шамдон, миркроз, безаклар сакланадиган қутича (сандиқча), қалам солинадиган мисчилим, киргич, кошиқчалар, манжал шу кабилар мисдан ясалган.

Хон ва беклар овга чиққанларида ов бошланганидан дарак бериш ва парранда, хайвонларни чўчитиш хамда хайдаш учун дўмбирапарни чалишган. Бу дўмбирапар довуллар деб юритилган. Улар хам ажойиб килиб безатиларди. Шам пайдо бўлгандан сўнг шамдон, шам учини тозалайдиган кайчи микроразларни хам кандакорлар ажойиб килиб безаганлар.

Ўсмажўшак — ўсма эзиш ва қош бўяш учун хамда турли бўёклар тайёрлашда ишлатиладиган мис идишча. Бу идишчани учта оёғи хамда дастаси бўлади. Ўсмажўшакни кандакор ислимий нақшлар билан безаган. Ўсмажўшак узум барги шаклида хам бўлади.

Сурмадон — оғзи кичкина, устки кисмида эса бурма тесиқчаси бўлиб, бу тесиқча темир найча ўтказилган пўйак билан маҳкамланган бўлади. Шу найча билан Ўрта Осиё, Шарқ хотинқизлари қош хамда киприкларини бўяр здилар. Бу сурмадонлар нақшлар билан безатилган бўлади. Айрим холларда балиқ шаклидаги сурмадонлар хам бўлган.

Манжалдон — печка ўрнида ишлатиладиган идиш. У оёқчалардан, деворчалардан иборат бўлиб, йигилганда киррали катта тўгарак ташкил киласи. Риҳтагарлар манжалдонларни ҳар хил шаклда ясадилар. Манжалдонлар юмалок, тўрт киррали, олти киррали, ўн икки киррали хам бўлади. Ясалган манжалдоннинг канча кирраси кўп бўлса, шунча у оғир бўлади. Уни кўтариб юриш учун икки томонида қулоги бўлади. Баъзида чойнак қўйиш учун чукурча хам ўйиб қўйилади. Манжалдонни айрим холларда сандал остига кўйиб иситиб ўтиришган. қишида унинг ичига арча кўмир ёкиб, хонадонларда, расталарда хунармандлар фойдаланадиган печка ўрнида ишлатиладиган идишидир.

Мева шарбатлари ҳамда ҳар хил ичимликлар учун: мис коса, шарбат коса, мис қозонлари, нон иситиладиган — нондон, турли хил кружка ҳамда чўмичлар, сархум, капкир ва бошкалар ҳам ишлатилган.

Кідишларнинг бъязи бирларини ишлатишга эхтиёж бўлмасада, лекин кўпчилиги кундалик ҳаётимиизда ишлатилиб келинмокда.

КАШТАЧИЛИК

Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг кадими турларидан бўлиб, у ҳалкнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Каштачилиқ санъати нафакат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбек ҳалқ усталари қўллари билан тикилган кирпеч, сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб кабилар Германия Федератив Республикаси, Белгия, Америка Кўшма Штатлари, Хиндистон, Афғонистон каби хорижий, шунингдек, мамлакатимизнинг Фаргонга водийсида факат хоналонларда эмас, балки музейларда доимий экспозицияга айланниб колган. Ҳозиргача буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг рангбаранглиги билан кишиларни хайратга солиб келмоқда. Бадиий каштачилик узок тарихга эга, буни археологик топилмалар ва ёзма манбалар исботлаб бермоқда. Ўзбек каштачилиги иклим, табиий шароит, мухит билан боғлик ҳолда барча қасб-хунарлари билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг кадимииси сақланмаган. XIV—XV асрларга мансуб миниатюралар оркали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганини кўриш мумкин. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур саройида ўзбек миллий кашта безакларини кўрганини кундалигига ёзиб колдирган. 1467 йили Камолиддин Бехзод «Зафарнома»га ишлаган «Темур таҳтда» миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган. XIX асрнинг иккичи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос солди. Машинада каштальарнинг кўп ишлаб чиқарилиши уларнинг бадиийлигига путур етказди. Қўл кашталари унугтила бошланди. Лекин айрим хилларигина сакланиб колди. Ўзбек каштачилиги кўшни ҳалклар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Ўзбек кашталарига назар солсак, унда Хинд, Хитой, Рус, Афғон, Қозоқ, Қирғиз ва Тожик каштачиликларининг усул ва услубларини учратамиз. Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул накшлари кўп бўлса, рус каштачилигига геометрик, ўсимликсимон шакллар, гуллар, күш ва мевалар кўп тасвирланади. Қозоқ ва қирғиз каштачилигига эса кўпроқ хайронлар, шоҳ ва туёкларни эслатувчи элементлар тасвирланади.

Қадими анъаналарга кўра, ўзбек қизлари — бўлажак келинчаклар сеплари — ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Кашталар канчалик нозик, чиройли бўлса, қайлик шунчалик юкори баҳоланар эди. Қизлар 7—9 ёшидан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч, тўрт йилдан кейин мустақил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиқсан каштачилар ўзининг санъати ва табиятига кўра гўзаллик ҳакидаги орзуларини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Каштачиликнинг мухим турларидан бири зардўзликдир.

Зардўзлик — зар ип билан кашта тикиш касби бўлиб, Ўзбекистонда, айникса Бухорда кенг таркалган. Зардўзи усулида тайёрланган кашталарда олгин, кумуш рангдаги ипак ҳамда сунъий ипак ва толалардан фойдаланилади.

Каштачиликнинг маҳсус турларидан бири — аппликациядир.

Аппликация — лотинча ёпишириш деган маънони билдириб, газлама, когоз ва бошка материалиларга рангбаранг газлама, қоғоз бўлакларини ёпишириш ёки тикиш ўйли билан безаш демакдир. Аппликация каштадўзликнинг маҳсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади. Аппликацияда кўпинча изма чоклардан фойдаланилади. Каштанинг бу тури Ўзбекистонда яхши ривожланмаган. Ҳозирги вактда кўпинча болалар пальтоларига, кўйлакларига, бош кийимларига ҳар хил күш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Айрим ҳолларда аёлларнинг кийимлари шу усулда безатиляпти.

Архитектурада ва бирор буюмларни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг таркалган бўлиб, оиласда ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзи тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб, ойнахалта, чой халта, зарлевор, палак, гулкўрга, дорпеч, бугжома, парда, белбог, такяпўш (ёстик устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, дастрўмол, ҳамён, жойнамоз, сумка, нимча, маҳси-кавуш, халтача ва бошқалар бадиий дид билан безатилган. Ўтмишда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи баҳмалга тикиладиган бўлди. Каштачиликда ишлаталидаган безак буюм турлари билан танишиб чикамиз.

Дўппи — Ўзбекистонда кенг таркалган енгил бош кийим. Дўппи кийиш дастлаб Эронда ва туркий халклар ўртасида, Россияда эса XIII асрда расм бўлган. Асрлар давомида дўппининг тури хиллари вужудга келган. Баҳмалга, сатинга, сидирга шойига ип, ипак ва зан билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда, Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарканд, Бойсун, Шахри-сабз дўппилари машхур бўлиб, улар ўзига хосдир. Жумҳуриятимизнинг барча районларида дўппи тикилади. Унинг Ироқи, Чуст дўппи, Гилам дўппи, Чакма тўр, Кизил гул, Пилтадўзи, Зардўппи, Тўлдирма деб номланадиган миллий дўппилар бор. Ҳар бир дўппи яратилиш услубига эга бўлиб, улар бирбиридан фарқ килади. Ўзбекистонда оммавий бош кийими асосан уч хил шаклга эга бўлади. «Кулоҳ», «аракчин», «тусдўппи».

Кулоҳ — конуссимон бош кийим. У асосан дарвешлар қалпоғи. Унинг матоҳи тоқ учбурчак парчаларидан бичилиб ёнламасига тикилади. Кулоҳ (эркаклар бош кийими) ҳозир жуда кам учрайди.

Аракчин — шарсимон дўппи, уни асосан кексалар кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар канда хаёл, босма, чакматўр, ироқи чок усулларида тикилади.

Тус дўппи — кенг тарқалган ясси юзали дўппи. Кўпинча тус дўппи чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппиларнинг биргина классик вариантининг ўзида саккизта ювелир чок услуби қўлланилади. Масалан, занжира, тўғри чок, чита, кунгура, сталатма, тароқ, ова, пиддироқ. Чуст дўпписининг тепасига кизакдан квадрат шаклида бўртиб чикиб, ярим шар кўринишида бўлади. Тошкент дўпписи сидирга баҳмалдан (гулсиз) тикилган бўлади. Бухоро дўппилари сидирга ёки гулли баҳмалдан жиякли килиб тикилади, жияги турли хил ипаклардан рангдор нақшли йўрма усулида тикилган бўлади.

Жойнамоз — ерга солиб устида намоз ўқийдиган тўшама. Ислом динига эътиқод килувчилар ишлатишади. У ибодат вактида кишини бу дунёдан ажратувчи омил деб тасаввур килинади. Жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлади. Ундан мачит, мадраса ва уйларда фойдаланилади. У турли ўлчамда бўлади. Ибодатни кида кимаслик учун бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, чопон, кийиқча, шоъла кабилардан, чунки улар диний нуктаи назардан пок хисобланади.

Жойнамоз каштачиликда жуда чиройли қилиб безатилган бўлади.

Зардевор — уй жихози, у сидирга шойи баҳмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадиий буюм. Зардевор ўзбек хамда тоҷикларда янги тушган келиннинг уйига, шифтига ёки деворига илиб қўйилади. У зар ип ёки ипак гажимли бўлиб, эни 40—70 см, узунлиги мўлжалланган уйнинг деворига мослаб тикилади. Палак — деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. Уни кадимда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гулларининг йириклиги, заминига ҳам кашта қопланиши билан фарқ қиласди.

Палакни ўртасида йирик ой тасвири кизил қирмизи, пушти ипак билан кашталанади ва атрофига жуда чиройли қилиб ўсимликсимон нақшлар тикилади. Нақшлар ичida кўпинча бодом, қалампир элементлари қўлланилади. Палакда кирктача ой ҳам тасвирлаш мумкин, шунинг учун ойини сонига қараб олти ойли палак, ўн икки ойли палак, ҳаттоқи катта уйлар учун кирк ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли өнглар билан бир неча хил тасвирланган. Машхур каштадўзлар баъзида ойни ажойиб нақшлар билан безаб, ўз маҳоратларини намоён этганлар. Агар ойни ичи сидирга рангда ифодаланган бўлса, уни ойпалак, агар нақшли бўлса гулпалак ва хоказо номлар билан юритилади. Кейинги вактларда палакни қўл меҳнати қўп бўлгани учун сўзана дейила бошлади. Лекин ҳозир палакни қўлда тикишга катта аҳамият берилмоқда.

Кирпеч — кирпӯш, токчага таҳлаб қўйилган кийимкечак устидан ёки девори вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадиий буюм. Кирпеч каштаиари қўлда ёки машинада тикилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийимкечакни чангдан сақлайди ва уйни безаб туради. Одатда, палакка ўхшатиб тикилгани кирпечпалак деб юритилади. Бу тури ҳам кенг ишлатилади.

Сўзана — форсча сўзани деб ҳам юритилади, игна билан тикилган деган маънени беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадиий буюм

бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб кўйилади. У сатин, бахмал, шойи ва бошқа матоларга кашта тикиб тайёрланади. У ўзига хос бадий кўринишга эга. Матонинг рангидан усталаримиз кашта замини сифатида фойдалана-дилар. Шунинг учун палақдан фарқ қиласди. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки бир қиз турмушга чикишидан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сеги хисобланган. Камбағал оиласда сўзанани малла, ок бўздан, бадавлатрокларида эса шоидан, бахмалдан тикишган. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўргасида кўпинча доирасимон гул тикилиб атрофи гулдор ислимий нақшлар билан безатилади. Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган бўлиб XIX асрчага бўлган сўзаналар сакланмаган. Факат XIX асрга оид Самарқанд, Бухоро, Нурота, Фарғона, Ўратепа, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона ва бошқа жойлардаги сўзана турларидан намуналар бор. Санъатнинг бу тури айниқса Ўзбекистон ва Тажикистон худудида қадимдан кенг тарқалган. Кейинги пайтларда 40 йиллардан бошлаб сўзана машинада тикилиб келмоқда.

Чойшаб — форсча тоҷикча рўйжо — тун чодири деган маънени билдиради. Чойшаб асосан таҳмонга тутиш, ётганда ёпиниш учун, тўшак устидан тўшалади. Тўшак устидан ёзиладиган чойшаб кам каштали ок суруп, таҳмонга тутиладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги вактда чойшабдан сўзана каби бадий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

ТОШ ЎИМАКОРЛИГИ

Тош ўймакорлиги ҳалқ амалий безак санъатининг ноёб турларидан бири. Бу санъат кишидан истеъод ва интилишдан ташкири меҳнатсеварлик ва гоятда зўр сабр-токат талаб қиласди. Бу санъатни тоштарошлиқ ва сангтарошлиқ деб ҳам юритилади. Тош ўймакорлиги тошни ўйиб, йўниб, тирнаб нақш ёки бирор тасвир ишлаш касбидир. Тошни ўйиб ишлашнинг чизикли ўйма, занжира ўйма, ясси ўйма, чуқур ўйма, панжарасимон ўйма ва ҳажмли ўйма турлари бор. Тош ўймакорлигига ишлатиладиган материаллар ўрни, мақсади ҳамда вазифасига қараб ҷомшоқ, ўртача каттиқликдаги ва қаттиқ тошлар ишлатилади. Юмшоқ тошларга гипстош, талькохлорит, оҳактош ўртача каттиқликдаги тошларга оникс, порфир, оҳакли мармар, мармар ва қаттиқ тошларга лазурит, амозон, агат, малахит, жадент, нефрит, яшма ва бошқалар киради. Бу тошлардан козон, кўза, лаган, пиёла, ҳайкалча ва ҳайкаллар тайёрланади. Кўза, лаган, намоён ва бошқаларга тошни ўйиб ўсимликсимон, геометрик рамзий нақшлар ҳамда сюжетли-расмлар ўйиб ишланади. Тош ўймакорлиги жуда қадимдан ривожланаб келаётган ҳалқ амалий санъати бўлиб, тошни ўйиб нақш ёки бирор тасвир хосил килишдир. Жумхуриятимиздаги водий ва тоғлар узок инсоният тараққиётидаги узок ўтмишда моддий маданиятнинг ўчоги хисобланган. Қояларга туширилган (петроглифлар) қадимий ёдгорликлар тарихидан далолат бераб турибди. Ўйиб ишланган тасвирларни коя тошларда ва сўқмоқ ҳамда дарё ён бағридаги тошларда кўриш мумкин. Тош асирида овчилар фақат хаёлларига келган шаклларни ўйиб чизиб ташламасдан балки, уларни жуда кизикириладиган

воқеъликни акс эттирганлар. Улар аввал ов қилинадиган ҳайвонни кейин эса ов қилиш, айрим қабилалар ўртасида урушларни тасвиrlаганлар. Бу тошларга ўйилган шакллар хар хил географик кенглика тасвиr этилган.

Чунончи Оқ денгиз ҳамда Шимолий кўл районларида ўйилган тошларга разм солсақ, у ерда ёзда сузаётган кайиқчалар ва оккушларнинг ови тасвиrlанган. Сибирда эса оккушлар ўрнига бугулар ва чанги учайдан овчилар тасвиrlанган. Ўрта Осиё шароитида эса ёвойи эчки, бука ва бошка ёвойи ҳайвонларнинг ови тасвиrlанган. Қизилкумда кўпинча туялар тасвирини кўриш мумкин. Намангандан вилояти Чодак қишлоғида жуда кўп қизикарли шакллар тасвиrlанган қоялар бор. Улардан бири олтита эчкининг шаклини мисол тариқасида слайлик. Бу тасвиrда битта эчкининг тасвири жуда кунт билан ишланган, колгандари шошилиб ишланган бўлиб уларни шакли геометрик шаклларни эслатади. Яна бир тошга 12 та эчкидан иборат эчкилар подасига камалакдан ўқ ёй отаётган овчи тасвиrlанган. Бу композиция эчки болаларининг овчидан кочиб кетиши, овчи итининг тасвиrlаниши табиийдир. Бу катта ва мураккаб композицияни ишлаш ўша давр ўймакор рассомининг юксак истеббод эгаси бўлғанлигидан далолат бериб турибди. Албатта, бу сурат ўрта тош асрига мансуб, ўқ ёй ўша асрда ихтиро килинган. Қадимги авлод аждодларимизнинг ғояларга ҳамда тошларга ишланган ишлари ўтмиш кишиларининг санъатини ўрганишда ноёб хужжат бўлиб хисобланади. Инсон қадимдан турли тошлардан фойдаланиб келган. Улар вулконларнинг отилиши ҳамда зилзилалар туфайли вужудга келган ўткир қиррали тошлардан меҳнат қуроли воситасида фойдаланганлар. Ўткир қиррали тошлардан гўшт майдалашда, ёгочни тилиш ва бошқаларда фойдаланилган.

Полеолит даврида тошдан кенг миёсда фойдаланганлар. Улар курилишда асосий материал бўлиб хизмат килган. Одамлар тошни турли навларидан курол ва асбоблар, ўй-рўзгор буюмлари ва безак ашёлари сифатида фойдаланганлар. Қадими ўрта Осиёда одамлар кимматбахо тошлардан безак буюмлари тайёрлашган. Бу ерларда турли тошлардан ташкари ёгоч, ганч жуда кўп бўлган. Географик шароити такозоси билан мъеморчиликда безак сифатида тошлардан жуда кам фойдаланилган. Бундан ташкари ислом дини жонли мавжудотни тасвиrlашни ман этганлиги ҳайкалтарошликини ривожланишига катта тўсик бўлган. Аммо йирик монументал биноларни безашда асосан мармар ва харсанѓтошдан фойдаланиб келганлар.

I—III асрларда Ўзбекистоннинг жанубида биноларни устунлари ҳамда пойдеворларни безашда харсанѓтош, мармартон ва оҳактошдан фойдаланганлар. Фаёзтепа, Айритом, Қоратепа каби ҳаробалардан кўриниб турибдики, мармар ва харсанѓтошдан безаш ишларида кенг фойдаланилган. Тошни кесиш, унга бадиий ийлов бериш сирлари тўғрисида Шарқ мамлакатларида рисолалар ёзиб қолдирилган.

XV асрда Ўрта Осиёда айниқса тошгарошлик ривожланди ва такомиллашди. Масалан, Амир Темур, Ахмад Яссавий макбараси, Бибихоним мачити ва бошқалар жозибадор килиб безатилди.

XIX—XX аср бошларида Бухоро, Самарканд, Шаҳрисабз, Хива, Кўкон, Тошкент ва бошқа жойларда ҳарсанг ва мармардан безак сифатида кўп фойдаланилган (XV асрда қурилган Улугбек мадрасасининг пештоқисига мармардан ўйиб ишланган безак ва кошинлар Калон минорасининг тела кисмидаги мармардан ўйилган мураккаб шарафа).

Ўша вактда усталар учун оддий ҳайкал ишлаш шунчалик қийин эдики ундан кўра, мураккаб накшлар ишлаш енгилпроқ эди. Амир макбарасидаги, Темир кабридаги тош ва мармар панжаралардан тош ўймакорлигининг ажойиб намуналарини кўриши мумкин. Айниқса, тош ва мармар ўймакорлик намуналари Хива архитектура ёдгорликларида кўп ишлатилган. Чунончи бу ерда пойустунларни тошдан ва мармардан ўйиб ишланган ажойиб намуналари кўп. Пойустун — аксарият, маҳаллий маъморчиликка хос архитектура детали бўлиб, устун ўрнатиладиган асос, таг курси. У ёғоч устунларни чиришдан саклайди ҳамда уларнинг баландлигини таъминлайди. Пойустун мармарни, тошни ўйиб ишланган нақшлар ислими, геометрик, чироили ёзувлар, нақш нигоралар билан безатилган. Айниқса, Хивадаги Тошховлида кишига завқ багишлайдиган пойустуннинг ажойиб намуналари бор. Бу зса тош ўймакорлик санъатининг юксак даражада ривожланганлигини намойиш этди. Нурота ва Қозғон кишлоқларида мармардан идишлар, яъни лаган, пиёла ва бошқалар тайёрлаш авж олди.

1947 йил Навоий театри биносини қуришга киришилди. Уни ажойиб мармар ўймакорлик намуналари билан безалди. Кўкон, Хива ва Самарқанд шаҳарларидан мармар ўймакор усталари ҳам таклиф этилган эди. Хивалик мармар ўймакор усталар С. Худойберганов, X. Рахимов, Б. Давлатов, А. Бекжонов, К. Полвонов, З. Аблубов ва К. Рўзматовлар бор эди. Самарқандлик усталардан ака-ука Жалол ва Болта Жўраевлар театрни безашда катнашдилар. Улар икки асосий мармар зиналарни, унинг тўсикларини ва таг курсиларини ажойиб ўйма ислими ва геометрик нақшлар билан безадилар. Хива зали деворининг пастки кисми, яъни изораси 12 та ўйма мармар плита билан безатилди. Бу ўйма гулларни хивалик А. Болтаев композициялари асосида ҳамشاҳрлари С. Худойберганов, X. Рахимов, А. Бекжонов ва бошқалар бажардилар. Театрда юкори дид билан бажарилган санъат асарлари хозиргача ўз кимматини йўқотмай кишиларни ҳайратга солмоқда. 1947 йили немисфашистлари устидан қозонилган галабамиз шарафига Тошкентнинг марказига курант қурилди. Курант ганч ўймакорлигини У. Ш. Муродов, мармар ишларини самарқандлик ака ука Жўраевлар бажардилар.

1960 йилдан бошлаб мармар билан биноларни безашга катта акамият берилди. Ҳамза номидаги театр, метро станциялари Ўзбекистон тарихи музейи ва бошқаларни ажойиб ўйма мармар билан безатилди. Ҳозирда бу кадимий тош ўймакорлик анъаналари билан замонавий биноларни безашда давом эттирилмоқда.

ЗАРГАРЛИК САНЬЯТИ

Ўзбек халқ амалий санъати турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллади.

Мусулмонларда феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари ниҳоятда қадрланган. Чунки улар инсон учун факат безак буюмлари бўлиб колмай, балки соглик учун, инсон рухияти учун ижобий таъсир этган. Масалан, марварид инсон организмини мустаҳкамлайди, юракдаги тушкунлик ва изтиробни хайдайди, кўз кобилиятини оширади, жинлардан саклайди, оғиздаги кўланса ҳидларни йўқотади, ошқозондаги ва жигардаги тошларни майдалайди, шамоллаш, бавосил ва бошқаларни тузатади. Феруза эса уни қудратли тумор сифатида такилган, ошқозон ҳамда кўз касаллигига шифобахш, таъсир этган, илон чакқанида энг яхши даво ҳисобланган. Шунинг учун қадимда келинлар кийимиға феруза тақишиган. Садаф Шарқда ҳам, Европада ҳам юқори баҳоланган. Ундан тўғнагич, балдок, маржонлар, имла тутгmalар ясалган. Уни қадимда ошиклар маҳбубасига совга килган. У тақкан кишини ажин ҳамда сепкиллардан асраган, зеҳнни равшан килган, кишини бардам, рухиятини кўтарган.

Халқедондан ўтмишда маржонлар, узук, тўғнагичлар, билакузук ва бошқалар ясалиб, у гўё одамларни қаҳру-газаб, ғаму-андуҳдан асраган.

Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий санъат бўлган. Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб эрамизнинг VIII асригача Айритом, Афросиёб, Даъварзинтепа, Холчаён, Болаликгепада чиройли ҳайкаллар, девор безаклари оркали заргарлик санъати ривожланганлигини кўриш мумкин.

Тош асрининг сўнгги даври носолитдаёк (эрамизгача IV—III минг йилликнинг охирида) шилдирок, мунчоқлар, ҳар хил тошлар, чиганок, ҳамда сүяклардан ясалган безаклар топилган. Бу эса заргарликни ривожланганлигидан далолат беради. Икки дарё оралигига жойлашган Юнонистонда ажойиб ва кимматбаҳо заргарлик буюмлари ишланган. Мис даврига ҳос тўғнагич, зирак, балдок, билакузук, шилдирок ва бошқалар металдан, ҳаттоқи оғлиндан ишланадиган бўлди.

Хоразмдаги Тупроккалъа деворлардаги тасвиirlардан ўша даврлардаги аёллар кулокларига нафис зирак таққанликлари маълум бўлган (бу тасвир III асрга тааллукли). Булардан ташқари бронздан куйиб ишланган бир қанча осма тақинчоқлар ҳам топилган. Бу осма тақинчоқлар I—IV асрда мансуб бўлиб Хоразмнинг Аёзкалъа, Етти асар, бургуткальва бошқа жойларидан топилган.

IV—V асрларда заргарлик буюмлари кам ишланган. Улар тош, шиша, пасталардан қилинган. Масалан. Хоразмда шишадан қилинган шер ва курбақа шаклидаги мунчоқлар топилган. Болаликтепадаги топилмада V аср охири VI аср бошларидан ишланган деворий -расмда аёл кишининг кулоги ва бармоғида заргарлик тақинчоқлари тасвиirlанган. Афросиёбдаги VI—VII асрда мансуб деворий расмда эркак кишининг қўлида совга тақинчоқларни олиб келаётган.

ни тасвириланган. Булардан ташқари аёл сочларида осма тақинчоқлар осилганилиги тасвириланган.

Х—XI асрлар ўртасида битта катта тешиги бўлган суюкли тугмачалар кўп ишланган.

XIV—XV асрларда заргарлик жуда яхши ривожланган бўлсада нимагадир бизгача жуда кам миқдорда сақланиб қолган. Баъзи бир ёзма манбаларда кўрсатилишича XIV аср охири XV аср бошларида Тожиддин заргар Бухоро яқинидаги Таванс шаҳрида яшагани, булардан ташқари Хусайннинг ўғли Мухаммад заргар, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган уста Али заргар, хўжа Султон Хусайн заргар, хўжа Бобо Дўстнинг ўғли хўжа Хасан заргар номлари бизга маълум.

XVI асрда ишланган кўкрак бесак заргарлик буюмлари факат деворий - расмлар орқали етиб келган. XIV—XVII асрларда заргарлик буюмларининг нақш безаклари жудаям мураккаблашиб боради.

XIII—XIV асрларгача заргарлик буюмларида кўпинча ҳайвонлар тасвириланган бўлса, кейинчалик эса араб ёзувлари композицияга кириб ўзига хос кўриниш берди. Бу ёзувлар бир томондан нақш безаги ва иккинчи томондан маъно жиҳатдан фарқланар эди. XVIII асрда Ўрта Осиёдаги ўзаро ички урушлар заргарлик санъатининг ривожланишига салбий таъсир этди. Кейинчалик хонликлар пайдо бўлиши билан заргарлик янада ривожлана бошлади. XVIII асрда мўғул босқинчиларидан сўнг биринчи марта олтин тангалар ишлаб чиқарила бошланди. Заргарлик буюмлари олтиндан, кумушдан ва бошқалардан ишланди. Курол-аслаҳалар ажойиб қимматбаҳо тошлар, шиша, билур, олтин ва бошқалар билан безатилди. Заргарлар жуда юмшок; ва еркин бўлмаган нефрит ва кумушдан, жуда еркин олтин ва нефрит кабилари ишлатдилар.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари ўртасида бадиий ҳунармандчилик ривожланди, шулар қатори заргарлик ҳам тез суръатлар билан ривожланди. Кўпина шаҳарлarda масалан, Хива, Бухоро, Кўкон, Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Тошкент, Андижон, Ургенч, Нурота, Китоб, Чуст, Асака, Фиждувон, Марғилон ва бошқа жойларда уста заргарлар бўлиб, улар маҳсус маҳалла маҳалла бўлиб яшаганлар. Шунинг учун заргар (заргарон) маҳалла деб юритилган. Хивада 1860 йилда 12 та ва XX асрнинг бошларида Бухорода 400 гача, Тошкент да эса 100 дан ортиқ, Самарқандда 1893 йили 20 дан ортиқ заргарлар дўйони бўлган. Ўша вактда катта шуҳрат қозонган заргар усталардан Кўконда уста Махмуд, уста Омон Ҳожи, М.Рахимов, X. Нажмиддинов, Наманганда уста Ниёз Охун, Андижонда уста Ойберган, X. Отабоев, Тошкентда С. Бобоҷонов, Охун Бобоҷонов, уста Самиғиддин, А. Шоисломов, уста Мирхалил, Ургенчда М.Абдуллаев, Самарқандда X. Юлдошев, И. Колимбоев, В. Ҳафизов ва бошқалар бор эди. Совет ҳокимияти йилларида ҳалқ амалий бадиий санъатининг барча турлари сингари заргарлик санъатида ҳам умумий услугга хос буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди.

1975 йилда ҳалқ бадиий касб ҳунари тўғрисида эълон қилинган карор жуда катта аҳамият касб этди. Бу карордан сўнг кўпина заргарлик корхона-

лари кайтадан очилди. Устахоналар кенгайтирилди. ҳозирги вақтда халқ оммасининг маданий-маиший акволи, фаровонлиги, заргарлик буюмларига бўлган эҳтиёжи янада ортди. Жумхуриятимизнинг Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Андикон, Фаргона ва бошқа шаҳарлардаги заргарлик корхоналарида заргарлик буюмлари (узук, тўғнагич, тиллақош, зирақ сингари) ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса Тошкент заргарлик фабрикаси колективининг ишлари дикқатга сазовордир. У ерда 100 дан ортиқ ранг-баранг зийнат ва совғабоп буюмлар тайёрлаб чиқарилмоқда. Бу буюмларни жумхуриятимизнинг турли чеккаларида кўриш мумкин. У ерда машхур заргарлар ишламоқда. Шулардан бири Иброҳим Жаворовдир. Уни дўстлари кўли гул заргар деб билишади. У металлга жон киритиб, сехрли ва нафис зебзийнатлар ясади. У кўп йиллик бой тажрибалари ва заргарлик санъати сирларини ёшларга сидкидилдан ўргатиб кўпгина шогирлар етиширди. Устанинг Жалол Содиков, Иброҳим Жаворов, Абдукарим Фаниев, Ўлмас Шоакбаров, ШохидА Каримжонова, Ҳалима Ойматова каби йигирмадан ортиқ шогирлари ишламоқдалар. Ҳозир жумхуриятимизнинг Андикон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фаргона, Бухоро ва бошқа шаҳарларида заргар усталаримиз бугунги кунда янги материаллар ва шаклларни ишлатиш билан бирга, заргарларнинг энг яхши қадимий анъаналари ва бой тажрибаларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Улар ҳозирги авлод дидига мос нафис заргарлик буюмларини кўплаб ишлаб чиқариб, харидорларни янада хушнуд этмоқлалар.

ГИЛАМ ТЎҚИШ САНЪАТИ

Гилам тўқини санъати халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, кўп асрлик миллий анъана ва узок тарихга эга. Гилам тўқиши бадиий тўқиши хунарига киради. У қадимдан аёллар орасида кенг тарқалган хунар сифатида машхурдир. Гилам тўқиши санъати айниқса чорвачилик билан шугулланадиган кўчманчи халқлар орасида тарқалган. Гилам қадим замондан бери хона ичини безатиш, иссик саклаш, товушни камайтириш учун хизмат килади. Гилам асосан полга ёки бўйра устига тўшалади, хонани безатиш учун деворга осилади ва ўтов ичига ўралади. Бу санъат жуда қадим замонлардан бери ривожланганлигини ёзма тарихий манбалар ва археологик топилмалар исботлаб берди. Археологик топилмалар натижасида Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликка мансуб гиламлар топилганлиги тасдиқланди. Қадимда Уссури, Бобил, Мидияда кейинроқ эса Эрон, Ҳиндистон, Туркияда тўқилган рангли гиламлар машхур бўлган.

VII аср кўлёзмалари гилам тўқиши санъати ўша даврларда Ўрта Осиёда хам ривожланганлигини тасдиқлади. V—VII асрларда Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлардан Хитойга ҳар хил гиламлар олиб келинган. Масалан, Карши ва Нашебодан тўқилган гиламлар Хитойга олиб бориб сотилган. Ўрта Осиё ва Афғонистон адабиётларида кўрсатилишича VII—XI асрларда Хоразм Ҳамда Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги баъзи шаҳарлардан кичик-кичик жойнамоз гиламчалар тўқилиб чет мамлакатларга сотилган.

XI—XII асрларда Ўрта Осиёда шу жумладан Ўзбекистон худудида гилам тўкиш санъати жуда ривожланган. XIV асрда эса Ўзбекистон худудида гилам тўкиш санъати ривожланмай қолди, чунки монгол босқинчилари Ўрта Осиёни эгаллаб олган эди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Амир Темур кўлига ўтиши билан бу соҳа яна ривожланиб кетди. Ҳар хил хорижий мамлакатлардан олиб келинган усталар гилам тўкиш устахоналарида ишлаганлар.

XVIII—XIX аср бошларида айникса, Бухоро ва Фарғона хонликларида гилам тўкиш санъати тез суръатлар билан ривожланди. Бунда гилам тайёрлаш ўзининг накши, юкори сифатли тўқилиши, бўялиш техникаси билан ажralиб турди.

XX аср бошларида Кўқон, Самарқанд, Андикон, Бухоро, Ўрта Осиёнинг гилам тўкиб сотиш маркази кисобланган. Лекин XX аср бошларида бу ерларда гилам тўкиш санъатининг ривожланиши пасайб кетди. Гилам тўқийдиган машиналар ихтиро этила бошланди. Хива, Андикон, Қарши, Ургут шаҳарларида гилам тўқийдиган корхоналар очилди. Машинада тўқилган гиламлар ўзига хос томонлари билан фарқ қиласди. Уларда кўпинча гиламлар сунъий толалардан тўқилади. Гиламларнинг арқоги кўпинча зигир ёки пахта толасидан тайёрланади. 30-йилларда мураккаб патли гиламлар машиналарда тўқиладиган бўлди. Пат боғлайдиган маҳсус дастгоҳли корхоналарда гиламлар ишлаб чиқарила бошланди. Андиконда «Мехнат гули» артели кошида гилам тўкиш курси очилди. Артелга Фарғона водийсидаги Ойим кишилогидан катта уста Мехринисо Тешабоева таклиф этилди. Машхур уста кўлида жуда кўп ёш мутахассислар етишиб чиқди. Жумхуриятда гиламдўзликни янада ривожлантириш учун Туркманистондан машхур усталар таклиф этилди ва кўплаб гиламдўз усталар тайёрлаб берилди.

Ўзбекистонда гилам тўкиш мактаби асосан икки — Самарқанд ва Андикон катта гурухларга бўлинади. Андикон гиламлари ўзининг чидамлилиги, пишиклиги, аниқ қизилкўй колорити билан фарқ қиласди. Фарғона, Қорақалпоқ гиламлари асосан икки хил, яъни қизил ва тўқ кўк гаммада тўқилади. Ўзбек гиламларининг четига кўпинча рута ўртасига турунж ёки доира накши ишланади. Самарқанд гиламдўзлик мактабига Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги гилам тўқувчилар киради. Бухоро гиламлари ўзининг рангбаранглиги, катталиги, узун патлилиги ва чиройли накшлари билан ажralиб туради. Самарқанд гиламлари кисқа патли, марказида турунж четига алоҳида алоҳида накшлар ишланади. Қалкон деб номланган турунж накши жуда кўп ишланади. Гиламлар хошиядор эстетик жихатдан чиройли ишланган бўлади.

Нурота гиламлари эса ўзининг узун патлилиги, ўртача катталика, сийракрок тўқилиши билан ажralиб туради. Дастигоҳда кўлда тўқилган гиламлар ўзининг чидамлилиги, нафислиги, табийлиги ва сифати жихатидан ажralиб туради. Бу гиламлар юз йиллаб хизмат килиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда кадимдан кўлда тўқиб келинаётган гиламлар яхши ривожланган. Масалан, Франция, Эрон, Хитой, Хиндистон, Афғонистон ва бошка мамлакатларда. Догистон, Туркманистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманис-

тонда тўқилган гиламлар энг яхши гиламлар қаторига киради.. Гиламнинг тўқима, тикма ва босма хиллари бор.

Тўқима гиламда — гиламнинг гули тўқилади. Ўзбекистонда патли ва патсиз (палос) гиламлар тўқилади.

Тикма гилам — тайёр буюмга гули тикиладиган гилам.

Босма гилам — гули бўяб босиладиган гилам.

Гиламлар тўқилган жойи ёки тўқиган қабиланинг номи билан юритилади. Туркман гиламлари ёвмут, текин, бешир гиламлар деб юритилади. Туркман гиламлари геометрик нақши бўлади. Кавказ гиламларининг машҳур ширвони, ахти, дарбанди турлари бўлиб, пушти, кизил, кўк, сарик, сарғиш ва бошқа рангларда барг, гул, күш тасвиirlари ишланади. Эрон гиламлари ўзига хос бўлиб, гул, ўсимлик, күш, ҳайвон тасвиirlанган доира-симон шакллар кўзга якқол ташланади. Улар синайи, ордабили, саррухи, ҷеризм ва бошқа гиламлари билан машҳурдир. Хитой гиламлари дунёга мушҳур бўлиб, патларининг нақши ҳар хил меъсрда киркилиб, рельеф хосил қилинган, тасвир замини эса қискароқ патли килиб ишланади. Баланд патли гиламлар бўртма нақшда, ҳайвон, балиқ, кушлар тасвири ишланиб, ўрта қисмига гул ишланмай очик колдирилади. Бу очик жойга сидирға ранглар (пушти, яшил, бинағаша, сарик, кўк) берилади. Турк гиламлари ўсимлик-симон, геометрик ёки аралаш нақшлар билан ишланиб ўзига хос бой кўринишга эга. Француз гиламларида сюжетли нақшлар, манзаралар, гуллар ишланган бўлиб, кишини ўзига жалб этади.

Хива, Андижон, Ургут, Қарши ва бошқа жойларда тўқима гиламлар тайёрланади. Улар ўзининг ўсимликсимон, геометрик нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан машҳурдир. Гиламдўзликнинг энг ривожланган жойи Туркманистон. Унинг гиламлари бутун дунёга машҳур.

Гиламлар ўтмишда ер багирлаб ётиқ ҳолатда ўрнатилган пастак содда дастгоҳда тўқилар эди. Кейинчалик тўқув дастгоҳлари анча мукаммаллашди. Бу дастгоҳларнинг тўқувчи аёллар ёнма ён ўтириб бирданига тўқийдиган кенг ғалтакли хиллари ясалди. Қўлда гилам тўқиши жуда кийин, масалан, яхши мутахассис 1 m^2 патли гилам тўқиши учун 20—25 кун сарф килади. Шунинг учун ҳам қўлда тўқилган гиламлар киммат туради. Гиламлар икки хил калта патли (3—7 мм) ва узун патли (8—17 мм) килиб тўқилади. Туркманлар гилам тўқишида тия тивити, кўй жуни, пахта толаси ва ипак ишлатади. Ўзбеклар ҳам тия тивити, кўй жуни ва пахта толаси ишлатишади.

XIX асрнинг охиригача гилам тўқишида ўсимликлардан тайёрланадиган бўёклар ишлатилган. Кейин эса анилин бўёкларидан фойдаланила бошланди. Пат гилам тўқиши анча мураккаб бўлиб, унда аркоқдан ташқари нах деган ип ҳам ишлатилади. Кейинчалик пат гиламлар маҳсус дастгоҳли корхоналарда тўқиладиган бўлди. Пат гиламлар нақш ёки гулни санама ирокига ўхшатиб рангли ипларни нусхасига қараб териш асосида тўқилади. Накш яратишда бандларни ҳисоби аниқ бўлиши ҳамда бир қатор банд боғлаб чиқилгач аркок ўтказилиб тароқ билан бостирилади. Шундан сўнг патлар қайчи билан текисланиб чиқилади. Гилам тўқувчи аёл гиламнинг 1 dm^2 юзасида 600—1030 тача пат боғлаши лозим. Қўлда тўқилган гиламлар ўлчами бўйича уч

турга бўлинади. Кичик (3 м^2 гача), ўртача, (3 м^2 дан 6 м^2 гача) ва катта (6 м^2 ва ундан кўп гиламлар.

Гиламдўзлик аёллар хунари сифатида машхур бўлиб, эркаклар бу хунар билан шугулланмаганлар. Гилам тўкиши жуда мураккаб иш. Тажрибали гиламдўз уста гилам тўкишини ёшлик пайтларидан ўргана бошлаб 16—17 йилда ҳакикий уста бўлиб етишган. 7—9 ёшдаги кизлар чархда ип йигиришни ўрганиб, 11—14 ёшида эса гилам тўкишда устага шогирд бўлган. Бу ёшда улар бўёқлаш ишларига қатнашмайдилар. 20—25 ёшда тўкишини яхши ўрганадилар, 30—35 ёшларда эса тажрибали, ҳар хил гиламларни мустакил тўкий оладиган бўладилар.

Ўзбекистонда кўпинча юк ташиш учун хуржун гиламлар ҳам тўкишган.

Хуржун — юк ташиш учун мўлжалланган гиламга ўхшаб тўқилган кўшалоқ ҳалта. У жун, пахта ипидан тўкилади. Хуржунни от, эшак, ҳачир, тия устига баъзида одамлар елкасига ташилаб юради. Унга ҳар хил буюмлар, озиқ-овқатлар солинади. У Ўрта Осиё, Кавказ ҳалқлари ўртасида кенг тарқалган. Туркман хуржунлари жуда чиройли ва сифатли тўқилиши билан ажрабиб туради. Хуржунлар кўпинча геометрик нақшли қилиб тўқилади. Гилам ўрнида шолча ҳам ишлатилади.

Шолча — қадимдан эчки, тия ва қўй жуни, пахта ва сунъий толадан тўқилади. У патсиз, такир бўлади. Шолча полга, ерга тўшалади. Шолча Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда кенг тарқалган. Украина, Молдавия, Руминия, Болгарияда ҳам бор бўлиб, ўзига хос тўқилади. Шолчанинг уч тури мавжуд. Гулли тўқиладиган, яъни тўқима шолчалар, гули бўяб босиладиган, учинчиси гули тикиладиган, яъни тикма шолчалар бўлади. Ҳозир айрим жойларда хусусан Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва бошқа жойларда замонавий шолчалар кўлда тўқилмоқда.

Ҳозир Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Қизилтепа районларида, Самарқанд вилоятининг Нурота, Ургут районларида, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда шолча тўкиш фабрикалари ишлаб турибди. Ўзбекистонда энг яхши шолча тўқидиган шаҳарлардан бири Бухоро бўлиб, улар шолчасининг каттатилиги, оддий кенг нақшлари, сифати, чидамлилиги билан фарқ килади. Шолча ишлаб чиқариш билан бирга коп, сумка, парда, бош кийимлар, пайпоқ ва бошқалар ҳам тайёрланади.

Гилам ўсимлик, яъни пахта, зиғир, толаларидан, қўй, эчки, тия жунидан тўқилади. Кейинги вактларда эса сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Гиламлар кўпинча геометрик нақшли бўлади. Гилам нақши маҳсус рассомларни эскизи ёрдамида солинади. Бадиий гиламлар тўкишда буюк кишилар, меҳнаткашлар, ёзувчиларнинг машхур асарлари чизилган ва бошқалар ишланмоқда. Ўзбекистон гиламларига инклибдан сўнг замонавий нақш элементлари масалан, ўрок ва болға, пахта чаноги ва бошқалар кириб келди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек гиламдўзлиги ўзининг миллий анъаналарини саклаган ҳолда янги тажрибалар билан бойитилди. Хива, Андижон, Самарқанд, Қаршининг патли, Шаҳрисабзнинг такир гиламларига эҳтиёж

катта. Ҳозир ҳар бир хонадонга кирап экансиз ўзбек ва туркман гиламларини албатта учратасиз. Ўзбекистоннинг тасвирий санъат, ўзбек халқ амалий санъати музейларида ҳамда бошқа музейларига кирсангиз бизнинг гиламларимиз доимий экспозицияга айланиб колганлигини кўрасиз.

КИГИЗ БОСИШ САНЪАТИ

Kigiz bosishi санъати қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган халқ амалий санъати турларидан бири. Ўзбекистон худудининг қайси жойида халқлар чорвачилик билан шуғулланган бўлса, шу ерда кигиз босиш касби кенг тарқалган. Бу санъат тури Ўрта Осиё ва Козогистонда қадимдан ривожланиб келган. Ота-боболаримиз кигизни ерга бўйира устидан солишиган, ўтовларни ўрашган, қалпок, пийма ва бошқаларда ишлатишган. Айрим ҳолларда гулдор, чиройли кигизлар бадиий буюм сифатида ишлатилган. Кигиз оқ, кизил, кора, гулдор ва гулсиз бўлади. Сурхондарё ҳамда Кашикадарё вилоятларида қорақўй ва чайдим кигизлар, Хоразмда эса такянамат хиллари бор. Ўзбекистонда кигиз босишнинг ўзига хос томонлари бўлиб, кигиз босиш қуйидаги технологияда бажарилади. Кигиз кўйининг кузги жунидан ёки эчки жунидан тайёрланади. Жун титиб тозаланади, ювиб куритилади. Шундан сўнг маҳсус савағичлар ёрдамида яхшилаб саваланади, яъни титилади. Бу жараёндан сўнг жун ранги ва сифатига кўра юзлик, оралиққа, танлаб ажратилиади, юзига маҳсус ранг билан бўялган майнин жунлардан нақшлар ишланади. Кигизларга шоҳ, ромб, юлдуз, булут ва оддий геометрик нақшлар ишланади. Босиладиган кигиз хажмига мослаб камиш колип тайёрланади. Кигизни тайёрлашда чий юзига юзлик ундан сўнг оралиқ жун ташланади. Сўнгра устидан қайнок сув қуйилади. Оралиқ жун яйратилади ва яна сув қуйилади. Маҳсус чий ўшлча ёки калинрок матога ўралади аркон билан маҳкам boglab устидан тез-тез қайнок сув сепиб думалатилади. Аркон ечилади ва кигизни чийдан ажратиб олинниб яна устидан қайнок сув сепилади. Кигизни ўртасидан аркон билан ўраб, уч-тўрт киши ўтириб уни думалатиб укалайди, билаклайди. Агар суви колмаган бўлса сув берилади ва икки учини биринкириб boglab бир ёки бир ярим соат тортиб чўзиб турилади. Кигиз котгандан сўнг икки ёнига тахта кўйиб ишқалаб текислаб чикилади. Ҳозир кигизлар маҳсус машиналар ёрдамида тайёрланаяпти. Масалан, саноат корхоналарида жун маҳсус машиналарда титилади. Унга маҳсус суюклик сепилади ва машинада аралаштирилади, аралашма машинадан тараб ўтказилиб момифи олинади. Момикни машинада текис қилиб тўшаб, зичланади. Шундан сўнг маҳсус сульфат кислота эритмаси шимдирилади. Керакли ўлчамда керакли зичликда машинада ишланади. Уни чўзиб, четлари тўғрилаб турилади. Кейин эса бугли куриткичларда куритилади. Охирида эса пардозланиб, ортиқча киллар киркиб ташланади, прессланади ва силкитилади. Баъзан жундан ташқари минерал ва кимёвий толалардан ҳам кигизлар тайёрланмоқда. Кигиз техникада ва қурилишда кенг ишлатилмоқда. Музика асбоблари, протезларда, самолётларда, амортизаторлар сифатида автомобилларда ишлатилмоқда. Қурилишда эса товуш ва совукни ўтказмайдиган материал сифатида ҳам кенг қўлланил-

моқда. Ҳозирги вактда палос, гилам, гилам пояндозлар күплас бишкекчилик санъати түфайли күлдә кигиз тайёрлаш технологияси унтилиб кетиш арағасыда турибди.

ПИЧОҚЧИЛИК САНЪАТИ

Пичоқчилик санъати деганда биз пичоқ ясаш касбини тушунамиз. Пичоқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб, хизмат килган. Ҳозирги вактда пичоқ ясаш санъати ҳалқ амалий санъати каторила эъзозланиб келинаётир. Нодир пичоклар ясашда ўзбек пичоксоз усталарининг олдига тушадиган уста қам топилади. Пичоқ ясаш бошлангич палеолит даврида маълум бўлган. Темир даврида хунармандчилик пайдо бўлган ва ривожланган. Мис ва бронздан пичоқ ясаш бронза даврига келиб авж олган. Темирнинг кашф этилиши пичоқчилик санъати тараккиётида катта бурилиш бўлди. Гесиоднинг «Мехнат ва кунлар», Гомернинг «Илиада» асарларида пичоқнинг хўжаликдаги роли ҳакида батафсил баён этилган. Ўрта Осиёда пичоқчиликнинг энг ривожланган жойи араб мамлакатлари бўлган, Испания ва Италияда эса тез ўсиб ривожланиб кетган.

XVI асрда Германия, Англия, Австрия, Францияларда пичоқчиликни касб сифатида таъкиклаб, пичокни ошхоналарда ишлатишган. XVII аср бошларида пичоқнинг очиб ёпиладиган, пакки, устара ва бошқа чўнтакда сакланадиган паккилар юзага келди. Археологик топилмалардан маълумки, Ўрта Осиё территориясида миллион йил аввал 2 минг йилликка оид пичоқ намуналари топилган. Болалик тепа, Афросиёб, Варахша деворларига ишланган расмлардан маълум бўлди, пичоқ уй рўзгордан ташқари ҳарбий курол сифатида ишлатилган. VI—XII асрларда пичоқ ясаш ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

XV—XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобир асарларида ишланган миниатюралардан кўриш мумкин.

Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фаргона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, улар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта кичикилиги ва безаклари билан фарқ килган.

Ўрта Осиёда қадимдан металлни қайта ишлаш, яъни хунармандчилик куроллари ишлаб чиқариш учун шароит деярли мавжуд эди. Миснинг табиий запаслари, кумуш, кўргошин, алюминий каби материаллар жуда кўп эди.

Хунармандлар қадимдан бир бири билан биришиб бир маҳаллада яшаганлар, шунинг учун маҳаллаларининг номи кўпчилик кайси хунар билан шугулланса шу ном билан юргизилган. Масалан, заргарлик билан шугуллансан заргарлик (заргарон), мисгарлик билан шугуллансан мисгарлик (мисгарон) ва ҳоказо маҳаллалар деб юритилган. Бухорода «Сўфикардгар» қишлоғининг номи хали ҳам сақланиб қолган. У ерда ҳозир ҳам пичоқсозлар авлоди яшайди. Ўрта Осиё худудидаги вилоятларда бундай маҳаллалар кўп бўлган. Пичоқдан кесувчи асбоб тарикасида кунда фойдаланилса, қадимда Ўрта

Осиёда эркакларнинг энг зарур иш қуороли, безаги тариқасида фойдаланилган. Пичокларни бадий безаш ҳам кагта роль йўнаган. Шунинг учун ҳам Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналарини қайта тиклаш ва ўзлаштириш натижасида Ўзбекистондаги пичоқсозлар миллий пичокни санъят даражасига кўтарганлар. Машхур венгер сайди А.Вамбери ўзининг ажойиб «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» асарида Қашқадарёнинг пичокчилиги ҳакида бундай дейди: «...бир хиллари сифат жихатидан ҳисорлиларникидан устун бўлмаса ҳам, аммо, бутунлай Ўрта Осиёга тарқалған бўлиб, хўжалар томонидан ҳатто Эрон, Арабистон, Ҳиндистонга олиб борилар ва ўз маҳаллий жойидан кўра, чет элларда пичоклар 3 - 4 баравар киммат сотилар эди». Шулар катори пичокчиликни янада ривожлантириш учун Ўзбекистоннинг турли вилоятларида артеллар ва ҳунармандлар тайёрлайдиган ўкув юртлари очилди. 1932 йилда Чустда «Қизил куч» номли артель тузилди. Бу ерда пичоклар ишлаб чиқарила бошланди. 1949 йилдан бошлаб артель район майший хизмат кўрсатиш комбинати деб юритилди.

1970 йилда Чуст шаҳрида пичоқ ишлаб чиқариш заводи қурилди. Чуст пичокларининг довруги бутун мамлакатга тарафди. Чуст пичоклари Бутуниттифоқ кўргазмаларида гина эмас, балки, Ҳиндистон, Суря, Польша, Туркия, Болгария, Венгрия, Белгия, Швеция ва бошка чет мамлакатлардаги кўргазмаларда муносаб ўриниларни эгаллади. 1980 йили НьюДелида очилган III Халкар Осиё ярмаркасига 10 хил Чуст пичоги юборилди. Улардан тўрттаси Ҳиндистонда экспозицияга айланниб қолди.

1978 йилда Чуст шаҳрида умумий таълимтарбия мактабларида юкори синф ўкувчилари учун ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди.

Республикамида йигирмага яқин пичокчилик марказлари бўлиб, улар ясалиш усулига кўра Чуст (тус) пичоги, пойтуғ пичоги, Кўкон пичоги, корасув пичоги, шаҳриҳон пичоги кабиларга бўлинади. Чуст усталари ясаган пичоклар бошқа пичоклардан кескин фарқ қиласиди. Пичокнинг даста ҳамда тиги узунроқ, тигининг уни ташқарига, дастасининг уни ичкарига томон қайрилган бўлади. Чуст шаҳрида ҳали ҳам пичокчилик ўз анъаналарини давом эттириб келинмоқда. Фарғона водийсида Чуст асосий пичоқ тайёрлаш ватани бўлиб, улар бошқа пичокчилик мактабларидан мутлақо фарқ қиласиди. Чуст пичоклари қатъйлиги, шаклиниң соддалиги ҳамда сикклиги билан машхур.

Хоразмдаги Хива шаҳри ҳали ҳам ўз анъаналарини давом эттириб келмоқда. Ҳозирда хивалик усталаримизнинг XIX—XX асрларда ишлаган пичоклари жумхуриятимизнинг турли музейларида доимий экспозицияяга айланниб колган. Бу пичоқчи усталарнинг ишларини кўрар эканмиз пичок шаклларининг нозиклиги, безакдорлиги ҳамда металлни мохирона қайта ишланганлигини кўрамиз. Улар пичокларининг тиги юзининг нозик ислимий нақшлар билан безатилганлигини, «қинбоги»нинг металлдан ясалаб бадий нақшлар билан безалганлигини кўрамиз.

Хива пичоклари гулдор бўлиб қини ўймакор нақшли мис ҳамда жез копламалар билан безатилган. Шаҳриҳон усталари кадимдан пичоқ ясада келганлар. Улар ясаган пичоклар кўпроқ сукма сопли, ихчам, ўткир дастали

гулсиз ёки сийрак гулли бўлади. Кўкон усталарининг пичоқлари ҳам ўзига хос бўлиб, тифи катта ҳамда қалин, сал узун, дастаси сарбастали бўлади. Уни усталаримиз кўконформа пичоқ деб ҳам юритадилар.

ДИЗАЙННИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

XIX аср ҳакиқатан ҳам тараққиёт аспи бўлган эди. Инсоният юз йил ичидаги техникани тараққий эттириша олдинги юз асрдагидан каттароқ йўлни босиб ўтди. Бир техникавий мўъжиза ўрнини бошқаси эгаллай бошлади. Энергиянинг янги манбалари пайдо бўлди, ҳатто энг мукаммал бўлиб туюлган буг машиналари ҳам ички ёнув двигателига, буг турбиналарига, электр моторларига ўрин бўшатиб бера бошлади. Диличанс ва ғоз пати билан бошланган аср автомобиль ва ёзув машинкаси билан якунланди. Телеграфдан кейин телефон вужудга келди. Асрнинг охиirlарида «симисиз телеграф» - радио ишга туширилди. Одам овозини ёзиб олиш, фотография ва кинони ихтиро килдилар. Асрнинг техника тараққиёти темир йўлларида ҳам кўзга ташланади. Машиналар тўғрисидги илм-фан ҳам тобора ривож топиб борди: Ўша давр конструкторлари фикрига кўра яратилаётган машина-механизмлар чиройли бўлиши шарт эмас, унинг вазифаси факат фойда келтиришдан иборат бўлган. Гўзалликнинг ҳар қандай кўринишларини эса факат рассомларгина санъат асарлари тарзида яратишлари мумкин деган турли қарама карши фикрлар бўлган.

Турли буюмларни машиналар ёрдамида оммавий равища ишлаб чиқариш узок вақт давомида буюмларнинг шактидан нусха кўчириш йўли билан борди, бу буюмларни илгари ҳунармандлар яратган эди. Бироқ уларни ишлаб чиқариш технологияси энди бутунлай бошқача эди: машиналар ёрдамида ишлаб чиқарилган буюмлар факат ҳунармандлик буюмларини эслатса ҳам яхши дидни ҳакорат килувчи ясама нарсаларга ўхшаб кетарди.

Шоир, истеъодоли ва ҳар томонлама билимдон рассом Уильям Моррис (1834-1896) бўлажак дизайннинг энг биринчи назарийчиларидан бири эди.

Моррис илгари сурган гояларнинг кўплари самарали натижалар берли. Унинг буюмлар ишлаб чиқаришнинг соҳаларига эстетик нарсаларнинг чекланмаган ҳолда кириб бориши тўғрисидаги гояси ана шундай бўлди. Сўнгра у материал билан бу материалдан ишлаб чиқарилган буюмнинг боғланишига эътибор берди. Нихоят у буюмнинг шакли, безатилиши ва пардозлари унинг моҳиятига, вазифасига мувофик келишидан иборат муҳим принципни кўрсатиб ўтди. Моррис назариясининг бу тўғри ва илғор элементларни кейинчалик эътироф килинди ва ривожлантичилди.

Машиналар, станокларнин шаклини ўзгартиришда «архитектура» услуги устунлик қиласиди. Бунинг асосан икки сабаби бор эди: биринчидан, архитектура техника, мухандислик ҳисоб-китоблари билан анъанавий равишида боғланган санъат эди, иккинчидан, ҳамиша шундай бўладики, янги конструкциялар олдинига ўз шаклларини эски, одатдаги шакллардан ўзлаштириб оларди.

Машиналарни безатишнинг архитектура услуби бир неча ўн йиллар мобайнида сақланиб қолди. Энг яхши профессионал архитекторлар машиналарнинг энг кўзга кўринган рассом конструкторлари бўлиши.

XIX асрнинг охирига келиб машинасозликдаги архитектура услуби секин-аста барҳам топа бошлади. Машиналарнинг шаклини ўзгартиришнинг канадайдир бутунлай бошқача фоялари талаб килинар, эстетикани ва унинг техника тараққиётидаги иштироқини тушунишда янги фикрлар етилиб келаётган эди.

Оммавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни эстетик жиҳатдан ўзлантириш муаммолари билан бир каторда хунармандлик буюмлари савдо-сотик бозорида жула мухим ўрин эгаллашда давом этди.

Уй-рўзгор ва хўжалик жиҳозлари хунармандлар томонидан муайян анъаналарга риоя килган ҳолда тайёрланади.: ҳар бир худудда ўзига хос тақрорланмас шакллар, безаклар ва ҳатто технология бўларди.

Рўзгордаги деярли барча жиҳозлар: идишлар, чўмичлар, бешиклар, саватчалар ўйиб ишланарди. Накшлар ўйиб ишланган нарсалар билан уйғуналашиб кетар, баъзан гоят ажойиб оҳангдошлик вужудга келтиради.

Асрнинг охирига бориб, кўпгина хунармандчилик ўзининг аҳамиятини йўқотади, арzon саноат маҳсулотлари билан каттиқ ракобатга бардош бера олмайди. Ёгочдан идишлар ишлаб чиқариш қисқара бошлайди, фабрикада ишлаб чиқарилган чит хонаки газмолни сикиб чиқаради. Кундалик турмушда ишлатиладиган кўпгина буюмлар умуман истеъмолдан чикиб кетади. Маҳсус устахоналар ташкил этилиб, уларда рассомлар буюмларни лойихалаштириш ёки илгари бажарилган нарсаларни – уй жиҳозлари, мусика-асблолари, мебель ва бошқа кўпгина нарсаларни безатишига жалб қилинади.

Хунармандчилик саноатини (шу жумладан бадиий хунармандчилик саноатини) кўллаб-кувватлаш учун бадиий хунармандчилик мактабларини тармоқлари очилди.

XIX асрнинг охирида ишлаб чиқаришнинг (хунармандчилик ва фабрика ишлаб чиқаришини) аралаш характерида бўлиши шароитда, кўлда буюм ишлаб чиқариш ва саноат ишлабчиқариш тарафдорлари бир-бирига карши курашаётган бир шароитда янги услуб йўналиш МОДЕРН (аниқ таржимаси «янги») вужудга келди.

Янги услубнинг дастлабки сезиларли аломатлари белгиялик архитектор ва рассом Ван де Вельденнинг ишланган интеръерларида пайдо бўлди. Дрездендаги халкаро кўргазмада (1897 йил) унинг ишлари хамманинг таҳсиси нига сазовар бўлди, «Модерн» услубига асос яратди, бу услуб тез орада Европанинг барча мамлакатларида хукмрон услуб бўлиб колди. Барча йирик шаҳарларда меҳмонхоналар, уй-музейлар ва бошка кўпгина ёдгорликлар, ўша давр буюмлари-мебель идишлар, кийимлар ҳам модерн руҳида ишланган эди.

Шаклларнинг одатдан ташқари хилма-хил бўлишига қарамасдан, модерн асарлари муайян услубий хусусиятлари билан ажракиб турган. биринчи марта одам билан теварак-атрофни куршаб олган буюмлар олами ўртасидаги ўзаро алоказорликни хисобга олиш зарурлиги тасдиқланди. Уй-жой ва унинг жиҳозланиши умумий бир-бирига таъсир килувчи организм, одамнинг мод-

дий ва маънавий эхтиёжларини кондириши лозим бўлган организм сифатида карала бошлади.

Архитектуранинг бетакрор индивидуал ечимларини, интеръер композицияларни, жихозлар, мебель, нақшларнинг шаклларини излаш барча янгиликларнинг ундовчи сабаби бўлиб колди. Модерн учун шаклларнинг манзаралииги, расмлилиги, пластиклиги характерли эди. Модерннинг бир канча усталари лойихалаш соҳасига рангтасвир соҳасидан кириб келганлиги тасодифий эмас. Рассомни турли юзаларининг уйғунлиги табиий фактуралар, бўялган дараҳт, шиша ва сополдан килинган хар хил инкрустация турлари, ялтироқ ёки чеканка килинган металл накладкалар юзаларини уйғунлиги кўпроқ кизикириарди. Шакллар ва рангларнинг уйғунлигига одатда такрорлаш, мослаштириш принципи асосида эришилади.

Модерн стилистикаси учун контраст киёслашлар умуман характерли эмасди ва хилма-хил бўлар, эгри чизиклар такрорланмас эди, гарчи чизикларнинг бирмунча заифлиги атайнан рангсизлиги мукаррар равишда кўзга ташланиб туарди. Модерн мебеллар ва уй жихозлари скъульпурадан кўра кўпроқ графикага ўхшар, буюмларнинг юзлари эса юпқа эди. Бирок бу барча ташки услубий белгилар оркасида кўпгина илғор тенденциялар яширганган эди. Бу модерндаги кўп сонли ансамблларнинг ниҳоятда яхлитлиги эди.

Модерн етакчи бадиий-стилистик йўналиш сифатида тарқалган даврда янги мебель яратиш муаммолари вужудга келди.

Тоборо янги-янги буюмлар: телефон, граммофон ва турли хил электр асбоблар турмушга активлик билан сингиб бораарди. Инженерлар томонидан лойихалаштирилаётган ва тоборо кенгрок оммалашиб бораётган автомобиллар секин-аста ўз киёфасини ўзгартириб, ўзининг махсус шаклига эга бўлган машинага айланшиб борди. Унинг кузови торрок бўлиб, айни бир вактда кўндаланг ўки бўйлаб узайтирилди, бундан максад ҳаракат вактида хавонинг каршилигини камайтириш эди.

Инженерлар, саноатчилар бў мутлақо янги бўлган, анъанага эга бўлмаган буюмларнинг шаклларини синчиклаб излар эдилар. Натижада аср бўсагасида машиналар оламида хам жуда аник бўлмаган услугу хукмон руҳи, тўғрироги, бирор услугу йўқ эди.

Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири – Германияда 1907 йилда «Веркбунд» ишлаб чиқариш иттифокига асос солинди, у саноатчилар, архитекторлар, рассомлар, коммерсантларни бириттирган эди. Улар шундай тушунчага амал қиласи эдиларки, саноат ишлаб чиқаришини, технологиянинг иқтисодий ва эстетик талабларини узвий равишда бир-бирига боғламасдан туриб, Германия халқаро бозорда ютиб чиқа олмасди. «Веркбунд»нинг асосчи-архитекторнинг Герман Мутезиус 1941 йилга кадар мазкур жамиятнинг президенти бўлиб колди.

«Веркбунд» ўзи вужудга келган дастлабки вактданоқ бир қанча асосий вазифаларни: хунармандлик ишлаб чиқаришни саноат негизида қайта қуриш: саноат ишлаб чиқариши учун идеал намуналар яратиш: безатиш, нақшлар

солишга карши кураш олиб бориши вазифаларини қўйди. «Веркбунд» ўз программасини: «санъат индустряя, хунармандчилик ва савдода амал қилаётган барча энг яхши имкониятларни танлаб олишни истайди. Бирлашма санъат меҳнатидаги сифатли бажарилган барча нарсаларни ва тенденцияларни ўзига қамраб олишга интилди».

Мутезиус «эстетик функционализм» принципини аник-равшан ифодалаб берди: бу принципга биноан буюмнинг ташки шакли унинг моҳиятидан, тузилиши, технологияси ва вазифасидан келиб чиқарди.

Петер Беренс архитектура иншоотларини куриш, мебель, идишлар, тўқимачилик буюмларини лойихалаштириш соҳасида катта тажрибага эга бўлган ҳолда фирманинг «бадий директор» лавозимига келди. У ясаган буюмларини ташки шакли асосан бир нечта геометрик элементларни – инженерлик, амалий шакллардан иборат бўлиб улар уйғунлаштирилган ва муйян мөъёр ва пропорцияларга келтирилган эди. П.Беренснинг амалий ишлари фаолиятини янги тури бўлган бадий конструкциялаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Уни том маънодаги биринчи дизайннер деб хисоблашлари бежиз эмас.

Россиядаги Октябрь революцияси ва Европадаги риволюцион воеалар урушдан кейинги дунёнинг илғор доно кишиларга жуда катта таъсир кўрсатди. Европа маданиятининг янги саҳиаси очилди, у билан биргаликда эса техника ва санъат нисбати муаммосининг янги жиҳатлари вужудга келди.

1919 йилда Германиянинг кичикрок шаҳри бўлган Вемарда «БА УХА УЗ» (айнан «Курилиш уйи») ташкил этилди. У саноатда ишлайдиган рассомлар тайёрлаши лозим бўлган дастлабки ўкув юрти эди. Киска вакт ичига «Баухауз» дизайн соҳасида чинакам методик марказ бўлиб колди. Унинг фоалияти бошланиши гармоник буюмлар мухитини вужудга келтириш йўли билан жамиятни қайта куриш мумкин, архитектурага эса «социал ҳамжиҳатлик тимсоли» деб қаралди, санъат, хунармандчилик ва техника бирлаштирувчи асос деб эътироф қилинди. «Баухауз» талабалар ягона предмет устида эмас, балки саноат ишлаб чиқариши учун керакли этalon устида ишлар эди. «Баухауз» буюмлари 20-йиллардаги тасвирий санъат, графика ва хайкалтарошликнинг сезиларли таъсирини ўзида акс эттиради. Буюмлар шаклида ўша давр учун характерли бўлган кубизмга хос геометрик шакллар кўзга ташланиб турарди. Масалан, чойнаклар, шардон, кесик конусдан ярим доирадан ясалиши, бошқа вариантда эса ярим доира, ярим айланада ва цилиндрлардан тузилиши мумкин эди.

Гропиус (Брейер билан ҳамкорликда) лойихалаштирган квартирасининг ички жиҳозланиши ўзининг демократик негизи бўйича келажакдаги програсив уй-жойнинг модели бўлган эди. У ниҳоятда камтарона курилганлиги, кулийликлари билан ажralиб турар ва кўп жиҳатдан майший бўшлиқни барпо этишнинг асосий тенденциялари орқада қолдирилган бўлиб, унда кенглик, ҳавонинг мўллиги, ҳажмдор мебелнинг йўклиги кўзга ташланиб турарди.

«Баухауз»нинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. У факат дизайннерлар тайёрлашни ташкил этишда намуна бўлиб колмай, шу билан бирга архитектура ва бадий конструкциялашнинг чинакам илмий лабораторияси бўлди.

Бадийи идрок этиш, шакллар хосил килиш, рангшунослик соҳасидаги методик ишланмалар кўпгина назарий асарларга негиз бўлди ва хозирга қадар ҳам ўзининг илмий қийматини йўқотган эмас.

1920 йилнинг декабрида ёълон килинган қарор билан Москва Давлат олий бадиий техника устахоналари (ВХУТЕМАС) ташкил этилди. Бу устахона маҳсус олий ўқув юрти бўлиб, «саноат учун олий малакали рассом-усталар» тайёрлашни мақсад килиб кўйиши лозим эди. ВХУТЕМАС дастлабки собиқ Строганов билим юрти билан собиқ рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меморлик билим юртини бирга кўшиш натижасида вужудга келади.

1926 йилда ВХУТЕМАС институтга (ВХУТЕМАС) айлантирилди, у 1930 йилгача мавжуд бўлиб турди. Янги ўқув юртида бадиий ижодни ҳам санъат асарларини ўз ичига оладиган ва уларни яратадиган ҳам турмуш ва техникадаги бадиий жиҳатдан қимматли буюмларни яратишни ўз ичига оладиган кенг соҳа сифатида талқин қилинарди.

Металл ва ёғочга ишлов бериш факультетлари бўлажак дизайнга асос солиб, жуда катта иш килдилар.

ВХУТЕМАС ва ВХУТЕИН хузурида илмий тадқикот лабораториялари ҳам ишларди, улар ҳақиқатан ҳам илмий жиҳатдан асосланган таълимни йўлга кўйиш ва бадиий фанлар табиатни текширишни ўзига мақсад килиб кўйган эди.

Ўша даврларда В.Татлин, А.Радченко, Л.Папова дизайнерлик йўналишининг энг эътиборли намоёнлаларидан эдилар.

1920 йилда инженер Я.Малин биринчи рус тракторини, 1924 йилда инженер Я.Гаккель тепловоз яратди.

Йигирманчи йилларда эса илмий дизайн вужудга кела бошлади.

Машхур Москва метрополитенининг яратилиши дизайн ривожлантирилиши-даги алоҳида муҳим воқеа бўлди. У лойиҳалаштириш ва қурилишнинг бошиданок яхлит архитектура транспорт комплекси сифатида тасаввур килинарди. Архитекторлар амалда дизайннерларга айландилар, улар факат станцияларни архитектурасини эмас, шу билан бирга вагонларни архитектурасини ҳам, ёзувларнинг шрифтини ҳам, эскалаторларнинг шаклини ҳам, лойиҳалаштирилган станцияларнинг жойлашувини ҳам, уларнинг ердаги транспорт билан боғланишини ҳам хал килдилар. Натижада Москва метроси ва унинг кулай вагонлари, станцияларнинг ёруғ ва чиройли залларида ҳеч кандай «сер ости шароити» сезилмасди.

Ўттизинчи йилларнинг охирида дизайн маданий-маиший буюмлар соҳасига ҳам кириб келә бошлади: рассомлар биринчи дискли телефон аппаратини, радиопрёмникни, ёритиш оператори, мебелларни лойиҳалаштириша катнашдилар. Бу қизиқарли ишларни янада илгари силжитишга иккинчи жаҳон урушининг яқинлашуви ҳалакит берди.

Маъкул бўлган янгиликларни серияли, оммавий саноатда яратиш билан бир қаторда бадиий конструкциялаш соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борилди. Уларга ёнгил ва юқ машиналари компонавкасини: бошқариш органларини жойлашуви, ўриндикнинг оптималь баландлигини, унинг қиялигини, олд ойнасини баландлиги ва у кабиларни аниқлашни киритиш мумкин.

Янги фан хисобланган эргономика йўллари излаб кўрилди. Кемасозлик ва автомобиль кузовини барпо килишда дизайнерлик лойихалари соҳасида ҳам назарий ишлар олиб борилди. 1943 йилда рассом В.Самойлов излаб чиккан «Победа» автомобили юқоридаги изланишлар натижасидир.

Бадий конструкциялаш факат айрим архитекторлар, рассомлар ва инженерларнинг ташаббуси туфайли ривожланди. Бирок, умуман олганда вакт ўз таъсирини кўрсатар, ўттизинчي йиллар якка-ягона дизайндан оммавий дизайнга ўтиш даври бўлган эди.

Урушдан кейинги йилларда дизайн буюмлар мухитини лойихалашибуришга тобора кўпроқ жорий қилина бошлади. Maxsus дизайннерлик ташкилотлари пайдо бўлди. Бадий конструкциялашни фойдаси ва унинг анъянавий соғ инженерлик конструкциялашидан афзалиги батамом аниқ бўлиб колди. Лойиҳачи рассомнинг конструктор ишидан илгарилаб кетиш билан ишлашнинг мақсадга мувофиқлиги исботлаб берилди.

БУГУНГИ КУНДАГИ ДИЗАЙН

Ҳар бир излаб чиқариш корхонаси излаб чиқариладиган буюмларнинг турига кўра асосий ва ихтисослаштирилган конструкторлик бўлимларидан изборат бўлади. Конструкторлик ташкилотлари шугулланадиган лойиҳалашибуришнига топширигини тузишдан амалий ишларни бажариш учун ишличи чизмаларни тайёрлашгача бўлган ишлар мажмуудан изборат бўлиб, жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён хисобланади. Конструкторлик хужжатларига графика ва тушунтириш матни шаклидаги хужжатлар киради. Улар алоҳида холда ёки биргаликда буюмнинг таркиби ва тузилишини белгилайди. Уни излаб чиқиш ёки тайёрлаш, назорат, кабул, эксплуатация ва таъмирлаш учун зарур маълумотларга эга бўлади.

Саноат-техник маҳсулотларнинг бадий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, уларга эстетик тус бериш олимлар, мухандислар, излаб чиқариш ходимларининг мухим вазифасидир. Қулай ва чиройли буюмлар яратишга қаратилган бадий лойиҳалашибуриш (дизайн)нинг диккат марказида ҳамиша одам, унинг ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжлари, истеъмол ва маннавий талаблари туради. Ҳар бир предмет кандайдир ҳаётий мухим вазифага (функцияга) эгадир. Лекин, деярли ҳар бир излаб ўзини гўзал буюмлар билан ўраб олиш эҳтиёжи бор. Шунинг учун ҳам буюмни қиммати икки асосни-фойда ва гўзалликни қамраб олади. Ҳар бир буюмда техник ва эстетик асос мавжуд бўлиб, у ҳамиша мухим бўлмайди ва тарихан алмашиниб туради.

Бизнинг асримиз фан-техника ютукларининг мислсиз даражада тараккӣ этиши ҳамда бу тараккӣёт натижаларининг оддий инсонлар ҳаётига жуда киска муддатларда кенг кириб келаётганинги билан тавсифланади. Мана шундай тараккӣ омилларидан бири бу шубҳасиз янги ахборот технологияларидир. Бугунги кунда ҳаётимизнинг хеч бир соҳасини, жумладан таълим тизимини ҳам янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ҳамда унинг асоси бўлган компьютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва янги ахборотни яратиш билан шугууланувчи технологияларни компьютерлар асосида жорий этиш, яъни белгиланган фаолият турини амалга оширувчи компьютер ва унда жорий этилган дастурий таъминотни юритиш мажмуаси янги ахборот технологияси деб юритилади. Ахборотлар даври ҳисобланган бугунги кунда тарихда биринчи маротаба инсоният фаолиятининг кўплаб соҳалари моддий буюмлар билан эмас, балки ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда ёшларни ахборот даврида яшаш ва ишлашга ўргатиш, уларда ахборотларни йигиш, тартиб ва таҳлил қилиш, уни узатиш кўнкималарини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Булар ўз навбатида ўқувчиларнинг кўплаб қобилияtlарини, шу жумладан, ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантирища хам муҳим асос вазифасини ўтайди, чунки ҳар қандай янги гояни таклиф қилишда илгари қаралаётган соҳани батафсил ўрганиб чикиш, янги ахборотларни топиш ва уни тавсия этилаётган ечим билан боғлашни ўрганиш лозим бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун бўлса, албатта оддий инсон хотирасида саклаб бўлмайдиган даражада катта ҳаждидаги ахборотларни қайта ишлаш талаб этилади. ЯАТ имкониятлари ушбу муаммони автоматлашган ўқув-ахборот тизимлари, билимлар банки ва маълумотлар банклари воситасида осон ва самарали ҳал қилиш имкониятларини яратади.

Шу муносабат билан кейинги пайтда республикамида бу соҳага эътибор кучайиб бормоқда, кейинги беш йил мобайнода мавжуд компьютерлар парки бўйича ватанимиз жаҳон кўрсаткичларига яқинлашиб қолди. Бирок, таълим жараённида замонавий ахборот техникалари, жумладан шахсий компьютерларнинг кўлланиши учун зарур назарий ва амалий, илмий-услубий асосларнинг ишлаб чиқилмаганлиги айниқса ижодий қобилияtlарни ривожлантириш билан боғлиқ катор муаммоларни келтириб чиқармокда.

Техник ижодкорлини амалга оширишда компьютерларни кўллашнинг шакл ва усулларини белгилашда, аввало улар ёрдамида ўқувчиларнинг ижод қилишини эмас, балки янги техник счимни яратишга ахборотларга бўлган эҳтиёжини кондириши ва уни амалга оширишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишида фойдаланишини эътиборга олиш лозим.

Республикамида таълим тизимини ислоҳ қилиш баробарида бадиий ижодиёт, дизайн йўналишларига хам алоҳида аҳамият бериляпти. Чунончи республика миллий рассомлик ва дизайн институти, катор ўрта маҳсус касб-хунар колледжлари очилди. Турли кўргазмалар, танловлар, илмий-амалий тадбирлар ўtkазилмоқда. Буларнинг ҳаммаси албатта ўз самарасини кўрсатмай колмайди. Айниқса либос, интеръер ва экстеръер дизайнни бўйича ажойиб лойиҳаларни ва уларнинг амалдаги тадбигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ҳалқаро микёсла техника йўналишидаги гоят турли-туман мукаммал дизайннерлик санъатининг намуналарини кўришимиз мумкин. Бу йўналишда хам жазира маҳаллий белгилари билан фарқ киласади.

Масалан, Тошкент трактор заводининг конструкторлик бюроси ўзининг етакчи дизайннерлари кучи билан қишлоқ ҳўжалик тракторларининг бир неча

моделларини яратди. Бу жуда прогрессив дизайнерлик ишланмаси бир қанча блоклар (ёки узеллар)дан фойдаланишини кўзла тутарди. Ана шу блоклардан турли вазифалар учун мўлжалланган тракторларни йигиш мумкин.

Аммо бизга қизиқарли томони шундаки, дизайнерлар машинанинг ташки шаклига жуда ўзига хос киёфа бера олдилар: унда маҳаллий регионал маданиятга мансублик якъол акс этиб турибди, бунга сабаб-бу машина ўзбек эпосининг қаҳрамони номи билан «Мансур» деб атаси ҳам бежиз эмас.

Трактор корпуси йигилган панелларни рельефи унчалик баланд эмаслиги, кабинанинг юпка бўлакларга бўлиниши анъанавий Ўрта Осиё шаклари билан уйғунлашиб кетган. Унинг асрлар бўйича карор топган пластикаси характеристики маълум даражада саҳий жануб күёшининг таъсири остида вужудга келган, у хатто унчалик баланд бўлмаган рельефда ҳам кескин ва аник ёруғлик сояни талаб қиласди. Масалан, дизайннерлардан Ю.Масунов билан А.Флоров оқилона ва ўзига хос инженерлик ва бадиийлик жиҳатларининг ажойиб уйғунлигини топишига муваффақ бўлишиди.

Буюмларнинг доимо алмашиниб туришини рағбатлантиришда, талабни сунъий равишда қизиктириб туришда дизайнинг роли буюkdir. У ҳамиша буюмларга янги шинамлик фазилатларини багишлади ёки уларни кўзга ташланадиган рамзий киёфасини шунчаки ўзгартириб юборади.

Бизнинг давримизда дизайнда шубҳасиз мавжуд бўлган айrim умумий вазифалар турли мамлакатлардаги бу янги санъатнинг илгор, чинакам ижодкор арбобларини якинлаштиришга ёрдам беради.

1957 йилда ташкил этилган дизайннерлар халқаро ташкилоти (ИКСИД) жаҳон рассомларининг буюмлар мухитини такомиллаштириш соҳасидаги бутун кўп киррали фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Мунтазам ўтказилаётган амалий семинарлар ҳам профессионал жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўляпти, уларга турли мамлакатлардан дизайннерлар тўпланишади.

II БОБ. ДИЗАЙНЕРЛИК (БАДИЙ) ЛОЙИХАЛАШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

ШАКЛ ВА ФУНКЦИЯ

Биз хар қандай буюмга қарар эканмиз, биринчи навбатда, кўзимиизга унинг шакли ташланади. Бирор максадда фойдаланиладиган буюм ташки шакли (форма) ва ранг билан характерланади. Унинг функционал кулагай, но-кулайлигини ишлатиб кўргандагина биламиз.

Энди буюм шаклини таҳлил килиб кўрамиз, бунда унинг хар қандай амалий ва эстетик мазмунини истисно қиласиз. Энг оддий шакллар-булар бизга маълум бўлган асосий геометрик шакллар; параллелопипед, призма, цилиндр, шар, конусдир.

Бу геометрик жисмларнинг биримлари уларнинг турли комбинациялардаги кесмаси ва туташуви ҳам бўлиши мумкин. Кўпгина буюмлар яна анча мураккаб шаклга эга бўлади: икки хил эгри тасвири, ташки бўшлиқнинг шу буюм доирасига кириши ва шу кабилар.

Буюмнинг формаси симметрик ва асимметрик бўлиши мумкин.

Хар бир буюм ўзининг ички нисбатлари билан ҳам характерланади. Биз буюмни кўриб чиқар эканмиз, унинг ана шу ҳажмлари нисбатини идрок этамиз. Оддий геометрик жисмда (масалан, цилиндрда) диаметр билан ба-ландлик нисбатини пайқаб оламиз. Одам киёфасига баҳо берганда, бошнинг ўлчовларини гавда тузилиши ўлчовлари билан таккослаймиз. Шунда биз: «Бу кишининг боши катта экан», «бу одам баланд бўйли», «буниси эса аксинча, калта оёкли одам» деймиз.

Буюмлар хилма-хил бўлиб, уларни таърифлаш учун «ҳажмли-фазовий тузилиш» терминидан фойдаланилади. Одий рўзгор буюмлари: соат, табуретка, стаканни киёслаб, бу тушунчани тушунтириб беришга ҳаракат киласиз. Соат-ёпик, ҳажми, цилиндрлик, куб ёки призма ҳажмидан иборат. Биз бу ҳажмни осонлик билан чизиб чиқа оламиз, унинг ташки фазога нисбатан ёпиклигини хис этамиз.

Хар қандай буюм маълум бир материалдан ишланади, кўп холларда биз унинг қандай материалдан килинганлигини биламиз. Фақат айрим синтетик маҳсулотлар ва хар хил алмашинувчи материаллар бизни кийин ахволга солиб қўйиши мумкин: ташки кўриниши жиҳатидан бу материалнинг қандайлигини ва у қандай хоссаларга эга эканлигини билолмай қоламиз. Хар бир буюмнинг сирти қандайдир ўзига хос сифатлари билан ажралиб туради, яъни

у ғадир-бұдур ёки силлик, ялтироқ ёки сирланган бўлади. Унинг функционал кулай, нокулайлигини ишлатиб кўргандагина билиб оламиз. Буюмлар безаги диний ақидаларга, анъаналарга кўра давр ўтиши билан ўзгариб турган. Лекин буюм қандай материалдан ясалган бўлишига карамасдан унинг шакли вазифасидан келиб чиқкан ҳолда ўзгарган.

Илк ўрта асрларда ишланган буюмлар чиройли шаклли, лекин уларнинг айримларида функция жиҳатидан бироз нокулайликлар мавжуд. Жумладан, VI асрга оид дастали кадаҳни олиб кўрайлик. Унинг шакли чиройли. Идиш деворидаги туёкли хайвон, тоб эчкиси бўлса керак, тасвири бирданига кўп микдорда куйилиб кетиши эҳтимоли бор. Қолаверса, суюклик солинган идиш факат ушлаб туришга мўлжалланган, чунки пастки кисми таянчсиз ишланган XI-XII асрларга оид кадаҳларда бу камчиликлар сезилмайди. Жумладан, шиша кадаҳлар узун, нафис даста-ўққа ва доирасимон таянчга эга. Қадимий кадаҳларни айрим цуконлари VIII асрга доир ўсмажӯшак тузилишида ҳам сезилади.

Хўжалик буюмларининг ҳам шакли, тузилиши уларнинг функционал кулайлигидан келиб чиқканлиги яққол сезилади. Хоҳ металлдан, хоҳ сополдан ишланган буюмлар бўлсин, уларнинг тузилишига, дастасининг жойланиши жўмрагининг формасига алоҳида эътибор берганликларини кўрамиз. Жумладан, оғзи кичкина ва чукур идишларда даста пастрокқа ўрнатилган. Бу билан идиш ичидаги суюкликни кўйиш осон бўлади. Катта ҳажмдаги узун идишларнинг дастаси юкорида жойлашади. Бу идишларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб кўйишга мўлжалланган. Идиш ичидаги суюкликни бошқа идишга олишда бир кўл билан дастадан ушлаб, иккинчи кўл билан идиш остидан кўтариб кўйиш мумкин, холос. Вазасимон идишларда даста узун бўлиши мумкин. Узун даста идишни кўтаришда ҳам, ичидаги суюкликни кўйишда ҳам кўл келади. Чунки даста юкорисидан ушлаб уни кўтариш, даста пастрогидан ушлаб унлаги суюкликни кўйиш мумкин. Бунда XII асрга доир Конқа шахри (Тошкент вилояти) харобаларидан топилган идиш гувохлик беради. Мис кўзаларда ҳам шу тадбирларга амал қилинган.

Дастасиз, графинга ўхшаган узун бўйинли кўзалар ҳам топилган. Улар кўтаришга ёки ичидаги суюкликни кўйишга қулай бўлган. IX-XI асрларга оид шундай кўзалар Бунжикат харобаларида учратилган. Шундай тузилишдаги кўзалар шишадан ҳам ишланган.

Жўмракли кўзалар Риштонда XIX аср ва XX аср бошларида ҳам ишланган. Жўмрак ўрнатиш кўза тузилишига боғлик. Асосан кенг елкали кўзаларнинг бир елкасига ўрнатилган. Шундай кўзалар ичидаги сувни тўқаётган, яъни охирги томчисини ҳам кўп эгмасдан ёки остидан кўтармасдан жўмрагидан куйиб олса бўлади. Жўмракни торрок вазасимон идишларда ҳам кўриши мумкин. Бундай идишларнинг жўмраги уларнинг оғиз кисмига ўрнатилган. Афросиёбдан топилган идиш фикримиз исботи бўлади.

Сув танкис жойларда сув ташишга қулай тузилишдаги кўзалардан кўпроқ фойдаланишган. Шунинг учун ҳам Риштонда ишланадиган кичик диаметрли узунчок кўзани асосан кишлоқ ахолиси сотиб олишган. Бундай кўзаларни хуржунга солиб ёки дасталаридан боғлаб, от-уловнинг икки томонига ташлаб, сув ташиш қулай бўлган.

Коса, пиёлаларнинг формаси ҳам асрлар давомида силликланиб келган. Коса ва пиёлалар лаби ташкарига бироз эгилган ҳолда ҳам учрайди. Лаби ташкарига эгилган пиёла чой ичишга қулайроқ, албатта. Ундан ташкари бундай идиш slabни куйдирмайди. Коса ва пиёлаларнинг пастки кисми, таянчи қиркимда ўйикча шаклида ичкари томон ёйсимон чизикдан кўтарилиган. Бундай идишини ушлашда катта бармоқ унинг лабига, ёйсимон таянч кисми колган бармоклар устига кўндирилган. Ёйсимон таянч қирраси бармоқ бўгинига яхши ўрнашган. Шунингдек, коса таянчини ёйсимон ўйикча шаклида ишлаш идиш оғирлигини камайтириш, қолаверса бироз бўлса ҳам лойни тежаш имконини берган.

Сиёҳдонларни айтмайсизми! Улар сополдан, металлдан бир ва кўп ўйикчали қилиб ясалган. Бир ўйикчали сиёҳдон ҳажми кичик бўлади, албатта. Унга бироз бўлса ҳам салобат бағишлиш учун у панжарали деворча (кути) ичига олинган. Бу эса ўз навбатида сиёҳдонга тантанавор кўриниш ҳам бағишлиланган. Вазифа жиҳатидан бир-бири билан боғлик буюмлар накш тузилиши жиҳатидан бир-бирини тўлдириган. Жумладан, қаламдонни олиб кўрайлик. У, биринчидан, жуда қулаг, ичига бир нечта қалам сигади. Иккинчидан, жуда гўзал, кўлингиздан кўйингиз келмайди. Лавҳ ҳам ихчам, қулаг ва чиройли кўринишга эга. Сиёҳдон, қаламдон, лавҳ бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирини тўлдириб, бир гурӯх буюмни ташкил киласди.

Чилим тузилиши унинг функционал вазифасидан келиб чиқкан. Унинг ковокка ўхшашлиги қадим замонларда чилим ковоқдан ишланганлигидан далолат беради. XIX аср ва XX аср бошларида ҳам чилим ясаш учун ковок кобиги ишлатилган. Уни кўл билан ушлаб чекишига қулаг бўлиши учун ўрта кисми торрок ишланган. Қолаверса, бу тутуннинг сув орқали тозаланиб айланниб келишига ёрдам беради. Чилим чекилаётганда унинг орқа кисмидаги тешикча бармоқ билан ёпилади. Чекаётган одам найдаги орқали нафас олганда чилим сарҳонасидан тамаки тутуни идиш ичидаги сув тагига чўқади. Бармоқ тешикчадан олинганда тоза хаво ўз босими билан тутунни сувдан сикиб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, барча буюмларга шакл бериладиганда унинг функцияси ҳисобга олинган.

ШАКЛ ВА КОМПОЗИЦИЯ

Биз ҳар қандай буюмга-сунъий ёки табиий буюмга хос бўлган, унинг эстетик сифатларига боғлик бўлмаган асосий белгилари билан танишиб чиқдик. Мазкур белгилар билан танишиш бизга асосий мақсадга-гармоник шакл нима, унинг қандай белгилари бор ва у қандай яратилишини билиб олиш учунгина зарур.

Буюмнинг рассом томонидан топилган гармоник шакли бир қанча сифатларга эга бўлади. У узвий ва яхлит, кисмлари пропорционал ва ритмлик бўлиб, у бутунлай одамга ва атрофдаги буюмларга мос, пластик бўлади, ранги кўзни кувонтирали.

Гармоник шакл гўзаллик қонунлари асосида яратилади. Ҳаммага маълум бўлган бу таъриф қонунларига ўхшаган қонунлар йўқ, гал фактат айрим қонуниятлар хакидагина бориши мумкин.

Гармоник асар яратиш жараёни «композиция» номига ҳам эгадир. Композиция тушунчаси ижоднинг бошка турлари-рангтасвир ва ҳайкалтарошлиқ, адабиёт ва мусиқага ҳам тааллуклидири.

Тасвирий санъатнинг барча турлари каби бадий лойиҳалаш ишлари ҳам композициянинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун бу ишлар дизайнер рассомдан етарлича билим ва малакаларни талаб килиши билан бирга, доимо композиция масалаларини диккат марказида тутишини тақозо қиласди.

Бадий лойиҳалаш ишларидан композициянинг асосан учта: текис, ҳажмли, кенглик ва чукурликка эга бўлган турлари мавжуд. Буларнинг барчаси у ёки бу гояни амалга оширишда қандайдир бир умумий сифат ва белгиларга эга бўлади.

Фронтал композиция-бу иккита координатлар бўйича фронтал тасвирини ташкил этиш демакдир.

Фронтал композициянинг характерли ҳусусияти унда ҳажмли элементларни ишлатишнинг чекланиши ва шу билан бир пайтда, унинг ўлчовларини катталаштириш имкониятлари ортиб боришидир. Шунинг учун айрим рельефсимон тасвиirlар (масалан: кандакорлик, ёғоч ҳамда ганч ўймакорлиги ва ҳоказолар) пластика қонуниятлари асосида курилса ҳам текис юза композициялари турига киради.

Таълим-тарбия муассасаларидағи безак ишларининг кўп қисми, масалан, кўргазмали куроллар, деворий газеталар, тематик стендлар таклифнома, табрикнома, тематик альбом ва ҳокзволар фронтал композиция асосида бажарилади.

Композициянинг курилиши маълум объектнинг вазифаси ҳамда мазмунига, ундан кўзланган максадга боғлиқ бўлади. Композицияларнинг асосий тузилмалари куйидагилардан иборат:

Горизонтал композиция-бунда композиция элементлари гоизонтал юзага жойлаштирилади. Масалан, дала, шахар панорамаси ва бошқалар.

Вертикаль композиция-актив, динамик композиция бўлиб, юкорига ўсиш, парвоз тасаввурини хосил қиласди, унинг деталлари асосан тик чизик бўйича жойлашади.

Диагонал композиция-унинг курилиши динамик ва шиддатли схемаларга асосланади.

Учбурчак ва пирамidal композиция-бунда тургун, осойишта холатга таянилади.

Сурат юзасининг пастики қисми пирамиданинг негизи ҳисобланади.

Фронтал композиция бошка тур композициялардан ҳажмни, масофа ва кенглигни бериши билан фарқланади.

Ҳажмли композиция турли кўриш нукталаридан идрок килишга мўлжалланган уч ўлчов шаклда бўлади.

Асарларнинг мазмуни ва вазифасига мувофиқ композициянинг бирор хусусияти бўрттирилиши мумкин.

Композиция ўз хусусиятлари билан пировард натижада бадиий безаш ишларининг юксак бадиийлыгини таъминлашга асос бўлиб хизмат килади.

Композицияларнинг гармоник яхлитлигида ранглар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ранг асосий ўрин тутадиган мазоик панно, витражларда композицион гармонияга жиддий қараш лозим. Шундагина асарнинг ранг бирлиги эстетик таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири бўлади. Композиция конуниятларида асоссиз четлатиш одатда бадиий безаш ишлари мазмунини ҳам эстетик моҳиятни ҳам пасайтиради.

Агар композиция элементлари томонларда бир-бирига, нисбатан бир хил жойлашса, улар композицион мувозанатда бўлади.

Композициянинг асосий масалаларидан бири комбинациядир. Комбинация асосида бир ва бир неча элементларнинг жойини ўзгартириш оркали композициянинг янгидан-янги ифодали варианatlари тайёрланади.

Динамик ва тургун композициялар ҳам ўз конуниятларига эга. Булар ўртасида қарама-карши маъно келиб чиқишига йўл қўймаслик, яъни асосий ва иккинчи даражали элементларнинг мантикий уйгунилигига эришиш лозим.

Ритм конуниятларини билиш таъсирчан композиция тузишда ритмик кўринишнинг характеристини тўғри танлашга катта ёрдам беради.

Ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Шунинг учун дизайннадаги композиция ҳам ўз методикаси ва терминалогиясига эгадир. У аввало асарнинг зарур сифатларига ёки дизайннерлик хусусиятларига таянади. Бу сифат ва хусусиятлар идрок этиш хусусиятларига асосланади ва композиция категориялари деб аталади. Биз улардан энг асосийларини: форманинг узвийлиги ва яхлитлиги, пропорционаллик ва ритм, масштаблилик, пластиклик, ранг ва ранглар уйғунилигини айтиб ўтамиш. Биз бу категорияларнинг ҳар бирини максад сифатида қараб чиқамиз, бу максадга қандай воситалар ёрдамида эришиш мумкинлигини билиб оламиз.

ФУНКЦИЯ РАНГ ВА БЕЗАҚ

Ота-боболаримиз хона ички композициясини яратишида ҳар бир элементнинг бажарадиган вазифасининг кулаги, гўзаллигини биринчи ёки иккинчи даражали эканлигини, рамзий ифодаларини ҳам эътиборга олганлар. Мисол учун Тупроқкалья саройининг аскарлар залини олиб қарайлик. Девор атрофи бўйлаб жойлаштирилган кўчкор шохига ўхшаш валюталар мардлик рамзини ифодалаган. Валюталарнинг катта ҳажмда ишланиши аскар учун довюраклик хусусияти биринчи ўринда туришини билдирган. Аскарлар саркардасиз ёки саркарда аскарсиз бўлмайди, деган маъно ётади. Уларнинг бир-бираидан фарқини билдириш учун саркарда ҳайкаллари оддий аскарлардан каттароқ килиб ишланган.

Қадими Нисо шахридаги квадрат сарой ва айлана ибодатхона интеръерлари композициясида кўп масалаларни ижобий ечишга ҳаракат килинган. Уларнинг иккаласида ҳам иккинчи яруслада ритм билан токчалар ичидаги

хайкаллар жойлаштирилган. Шу ўринда ҳайкаллар нега биринчи ярусда эмас? деган савол тугилади. Дарҳақиқат, нега иккинчи ярусда? Аввало шуни айтиши керакки, ҳайкаллар ўша даврда ҳалкнинг диний эътиқодларига биноан худоларни ифодалаган. Уларни банда билан бир хил баландликда ўрнатиш мумкин амас. Колаверса, биринчи яруsgа ўрнатилган ҳайкалларни хонанинг ҳамма жойидан кўриб бўлмайди. Айникса, хонада одам кўп бўлганда. Ҳайкалларнинг равоқли токчага олиниши ҳам ўзига хос рамзий ифодага эга, яъни равоқ коинотдаги камонни, яъни осмонни ифодалаган. Ҳайкалларнинг токчага ўрнатилиши, токча орка деворининг тўқ кизил рангга бўялиши замирида худоларнинг зим-зиё коинотда ҳам шуъла таратагэтган бўлиб туриши каби маънолар ётади. Худога мурожаат қилиб тспага қараган кишига коронги токчалардан оппоқ худолар ҳайкаллари кайси дардингга дармон бўлайлик,- деб бокаёт-гандек туюлади.

Милоддан аввали 1 асрга оид Холчаён саройидаги барельефда девор сатхидан бўрттириб ишланган ҳайкаллар шоҳ, унинг оила аъзолари, аъёнлари, саркардаларига бағишлиланган композиция ҳам хона уч девори (кириш эшиги каршисидаги ва икки ён девори) нинг юкори кисми бўйлаб йўналган горизонтал бўлинмада жойлаштирилган. Шунинг учун ҳам саройга кирган киши диккатини биринчи навбатда мавзули барельеф бўлинмаси ўзига тортади. Мазкур сарой интерьерида шоҳга бағишлиланган ҳайкаллар мажмуаси асосий ўрин тутади, улар учун хона деворининг юкори кисмидаги горизонтал бўлинма ажратилган.

Сарой ибодатхоналаридаги хона ўртасида одам кўкраги баландлигидаги оташдонларда муқаддас олов ёниб турган. Нисодаги айлана ибодатхона муқаддас оташдонлари бунга мисол бўла олади. Мазкур ибодатхонада муқаддас олов билан боғлиқ айrim расм-руслар жамоа томонидан тик турган холда бажарилган бўлса ксрак. Хонадонларда эса муқаддас олов билан боғлиқ расм-русларни оила аъзолари хотиржам ўтириб изро этишган. Бунга ўчок атофидаги супалар гувоҳлик беради. Ўчоклар ҳам супа баландлигига бўлган. Деворга қапишган супага ўрнатилган муқаддас ўчок киши диккатини жалб қилиши учун унинг рўпарасидаги деворга боззакли меҳроб ишланган.

Ҳалк тафаккурида диний ақидалар ҳамма вакт алоҳида ўрин эгаляган. Шунинг учун ҳам хоҳ аввали динларга, хоҳ ислом динига мансуб ақидаларни бажаришга мўлжалланган элементлар бўлсин, улар хона композициясида асосий элемент вазифасини ўтаган. Шунинг учун унинг тузилишига, безагига алоҳида эътибор берилган. Масжидаги меҳроб ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Меҳроблар тарихда уч-беш киррали қилиб ишланган. Шунингдек, меҳробнинг юкори кисми кўп киррали шарафалар билан тўлдирилган. Бу тадбиrlар нафакат безак вазифасини ўтаган, шунингдек хонада акссадони кучайтиришга ёрдам берган. Товуш меҳроб синик кирраларига урилиб, хонақоҳнинг ҳамма томонига жаранглаб қайтган.

Бухородаги ёзги хоналар, Самарканд ва бошка шаҳар меҳмонхоналарининг ховли томон девори деразалари пол сатхидан бироз кўтарилиган. Деразалар бағодди эшиклар билан тўсилган. Ёзда дераза эшиклари очилган-

да меҳмонлар кўз олдида ховлидаги манзара пайдо бўлади. Меҳмон ўзини худди боғда ўтиргандек хис киласди.

Хона деворларида токчалар ҳам функционал вазифасидан ташкари ўзининг гўзаллиги билан киши эътиборини тортади. Катта-кичик оддий токчалар девор юзасига тик ва ётик ҳолда жойлашган, жимжимадор контурли, майда нақши, замини нафис рангли равоқчалар билан копланган, бу ҳол уларга бутунлай жозибали кўриниш бағишилаган. Токчабанд девор ва тахмонлар жойланиши, олд, орқа ва ён деворларида ўрин алмасиши жихатидан оммавий тус олган бир неча хил композицияни ташкил қилган.

Ён деворлардаги токчалар пастдан 50-70 см, тўрдаги деворда эса 30-40 см юкоридан бошланган, бу биринчидан, деворга суюниб ўтиришга шаронг яратади, иккинчидан, токчаларнинг юкори томон майдалашиб боришига қарамасдан, улар хонанинг барча бурчагидан яккол кўринишини таъминлайди. Шунинг учун токчалардаги буюмларни бир қарашда англаб олиш мумкин ҳамда пастдагиларини тик турган ҳолда, кўп энгашмасдан, юкоридагиларини эса курси кўймасдан олиш мумкин.

Тоғли Бадаҳшондаги уйларнинг меҳмон кутадиган супаларида киши худди замонавий стул баландлигига ўтиргандек бўлади. Оштон - ўчок ёнларидаги супаларда хонадон аъзолари ҳамда хўжалик буюмлари меҳмон ўтирган жойдан кўринмайди, чунки бу супалар «меҳмон ўтирадиган супалардан икки баравар баланд ҳамда таҳта панжара билан тўсилган». Супалар деворчасига ўрнатилган токчалар ҳам хона саронжомлигини таъминлайди. Умуман, Тоғли Бадаҳшондаги уйларда паст-баланд супалар бутун хонани этгallайди. Бу ерда мебелга хожат йўклиги яккол сезилади.

Хона пойгоҳи ўз функционал вазифаси билан киши онгига шундай таъсир кўрсатганки, киши хеч вақт оёқ кийимини ечмасдан, тўгридан-тўғри пешгоҳга ўтмайди. Мўри ва ўчокларнинг хона пойгоҳи деворида ўрнатилишидан максад, биринчидан, хонага эшикдан кирадиган совук ҳавони қайтариш бўлса, иккинчидан, хона асосий қисмининг тоза бўлишини таъминлашга қаратилган. Мўрилар безаги ҳам назардаи четда қолмаган. Хонанинг ҳар бир жиҳози функционал вазифасига қараб ҳар хил материалдан ишланган. Дон саклайдиган кутилар гилдан ишланган, сабзавот кутилари ёғочдан ясалган. Уйларнинг хонага қараган қисми безаклар билан бойитилган.

Бешиклар худди ҳозиргидек, ўзининг тузилиши, баландлиги билан она-нинг ўтирган ҳолда ўз фарзаидини бешикка ётқизиши, ечиб олиши ёки эмизишига қулайлик яратган. Бешикнинг устки ёғоч суюнчигига суюниб бола эмизишига, ундаги ҳалкалар бола кўл-оёғини боғлашга, ранг-баранг бўёкли ҳалкалар чакалоқ фикрини чалигитишга ҳамда бешик оёқларининг ёйсимонлиги уни тебратишга кўл келган. Кундалик хаётда курсидан кўп фойдаланадиган ҳалкларда бешик оёқлари баланд килиб ишланган. У онанинг курсида ўтириб, чакалоқни белашига мўлжалланган. Шундай бешиклар осетинларда ҳозир ҳам мавжуд.

Умуман олганда хонадаги ҳар бир жиҳознинг нафакат функция жиҳатидан қулай бўлишига, балки ўша жиҳоз композициясининг гўзал, сербезак бўлишига ҳам алоҳида эътибор берилган.

ЖОРІЙ ВА ОРАЛИҚ БАХОЛАШ ТЕСТЛАРИ

1. «Дизайн» сүзининг лугавий маъноси нима?

*инглиз тилидан олинган бўлиб - чизма, тасвир, лойиха маъносини англатади.

немис тилидан олинган бўлиб - чизма маъносини англатади.

араб тилидан олинган бўлиб - китоб маъносини англатади.

рус тилидан олинган бўлиб – рассом маъносини англатади.

2. Дизайн тушунчасини яна қандай аташимиз мумкин?

*бадиий лойиҳалаб курмок.

расм чизмок.

буюм ясамоқ.

бетон қуймок.

3. Антропометрия нимани ўрганади?

одам руҳиятини ўрганади.

*одам тузилиши ўлчамлари, ҳаракат ва ҳолатларини ўрганади.

тарихни ўрганади.

тижоратни ўрганади.

4. Ассортимент изделий – буюмлар хилма - хиллиги деганда нимани тушунамиз?

аралаш моллар.

курилиш моллари.

ўкув ва идора моллари.

*бир мақсадда ва бир даврда ишлаб чиқарилган хилма - хил буюмлар.

5. “Декор” қайси тилдан олинган бўлиб қандай маънони англатади?

рус тилидан олинган бўлиб – чизма маъносини англатади.

*лотин тилидан олинган бўлиб – безатаман деган маънони англатади.

инглиз тилидан олинган бўлиб - чирок маъносини англатади.

турк тилидан олинган бўлиб - бино маъносини англатади.

6. “Интерьер” сўзи қандай маънони англатади?

французчада – ташки.

инглизчада - юкори.

руссчада – юкори.

*французчада – ички.

7. Компактность – зич (шакл ва элементларнинг энг юқори зичлиги) сўзи қайси тилдан олинган?

*рус тилидан.

немис тилидан.

инглиз тилидан.

украин тилидан.

8. “Композиция” қандай маънони англатади?

*тўкиш, тузиш.

доимий бир текисда тақрорланиш.

симметрик конун - коидаларнинг бузилиши.

чизма чизиш.

9. “Дизайн” (бадиий лойихаласи) маңсули асосини нима ташкил қылади?
цемент.
бүек.
*шакл, ранг, мазмун.
гипс, алебастр.
10. “Компоновка” қандай маңнори айглатади?
түкиш, тузиш.
*үлчовларнинг бир – бирига муносабатлиги, түгри жойлашиши.
доимий бир текисда такрорланиши.
буюм ясаш.
11. Пенопласт нимада кесилади?
арра, пичоқ.
*электр токи, пичоқ, арра.
қайчи.
лезвия.
12. Хона безатилаётганда асосан нимага эътибор берииш керак?
*хона қандай мақсадда ишлатилишига.
хонанинг катта – кичиклигига.
хонанинг баландлигига.
хонанинг иссиклигига.
13. Хонага ишланган безаклар қандай ўлчамда бўлиши керак?
ишлар мазмунига қараб.
*кўриш кулагилигига қараб.
хонанинг катта – кичиклигига.
хонанинг баландлигига қараб.
14. Хонада безак ишлари ранги қандай бўлиши керак?
*хонанинг рангига мос.
контроль ранглар.
хона рангидан бошқача.
тўқ ранглар.
15. Спектр ранглари асосан неча хил бўлади?
3 хил.
2 хил.
*8 хил.
4 хил.
16. Хоналарга кўрсаткичларни ёзишиниң маъқул варианти.
ойнага мой бўёқ билан.
куйма харфлар билан.
тунукага гуашда.
*аракалда.
17. Ташкилотлар номларини қандай асосга ёзган маъқул?
*ойнага.
тунукага.
челакка.
полга.

18. Күёш нури бир неча ранг нурлари тұташидан иборат эканлигини қайси физик олим аниқлаған ва системага солған?

Б. Паскаль.

*И. Ньютон.

А. Беруний.

Ибн Сино.

19. Экстерьернинг bezatилиши деганда нимани түшүнілади?

*бинонинг ташқи безаги.

бинонинг ички безаги.

хона безаги.

китоб безаги.

20. "Колорит" сүзига берилған түөри таърифни аниқланғ?

ранглар уйғунлиги.

*бадий асардаги етакчи ранг.

икки хил рангдан учинчі хил ранг ҳосил килиш.

ранглар түплами.

21. Ранг контрасты нима?

ранглар доираси.

ранглар түплами.

ранглар уйғунлиги.

*рангларнинг қарама – каршилиги.

22. "Гармония" сүзига берилған түгри таърифни аниқланғ?

ранглар доираси.

ранглар түплами.

*ранглар уйғунлиги.

ранглар номутаносибилиги.

23. "Комфорт" қандай маңынни англатади?

чиroyли буюмдан фойдаланиш.

*бир ва бир неча буюмлардан фойдаланилғанда уннинг қулайликларидан баҳраманд бўлиш.

киммат буюмдан фойдаланиш.

уй жиҳозлари түплами.

24. "Кострукция" сүзи қандай маңынни англатади?

чизма.

болалар ўйинчоги.

*қуяпман.

курилиш моллари.

25. "Мода" қандай маңынни англатади?

*ўлчов, киёфа, усул.

чиroyли кийим.

янги машина.

замонавий компьютер.

26. "Стайлинг" сүзига берилған түгри таъриф.

кашфиётчи олим.

машина тури.

- *бадиий лойихалаш йўналиши.
сайёра номи.
27. “Эргономика” сўзи қандай маънони англатади?
ишлаб чиқариш асосларини.
*шахсининг турли иш курол ва воситалари билан алокасидаги психофизиологик факторларни.
иш куролларни.
ишлаб чиқариш воситаларини.
28. Композициянинг қандай турлари мавжуд?
*текис, хажмли, кенглик ва чукурликка эга бўлган турлари.
текис, хотекис, баланд.
чизикли, хажмли, қийшик.
катта, кичик, орик.
29. “Рельеф” сўзи қандай маънони англатади?
чизикли тасвир.
рангли тасвир.
рангсиз тасвир.
*бўртма тасвир.
30. “Пластика” сўзи қандай маънони англатади?
пластмасса буюм.
*нафис, кўркам.
кимёвий модда.
физик махсулот.
31. “Ритм” – сўзига берилган тўғри таъриф.
паст – баланд.
мутика асбоби.
кўшиклилик жанри.
*вазн, оҳанг, маком, бир текис.
32. Актив рангларга қайси ранглар киради:
совук ранглар.
бир – бирига мос ранглар.
*рухни тетиклаштирувчи илик ранглар.
иссиқ ранглар.
33. Қайси ранглар “Ахроматик” ҳисобланади?
сарик, кўк, қизил ва шунга яқин ранглар.
нилоби, кўк, бинафша ва шунга яқин ранглар.
*ок, кулранг, кора ва шунга яқин ранглар.
илик ранглар.
34. Қайси ранглар “Хроматик” ҳисобланади?
ок, кулранг, кора ранглар.
*сарик, кора, яшил ранглар.
қизил, сарик, кўк ранглар.
совук ранглар.

35. Энг тоза ранглар қайсилар?

ахроматик ранглар.

*спектр ранглари.

барча совук ранглар.

барча иссик ранглар.

36. Ранг контрасты нима?

*рангнинг қарама – қаршилиги.

ранглар түйинганлиги.

ранглар доираси.

ранглар уйгунылиги.

ЯКУНИЙ АМАЛИЙ БАХОЛАШ САВОЛЛАРИ

1. Дизайн (бадий лойихалаш)га кўйиладиган асосий талаблар.
2. Мавзу асосида рамзий белги композициясини тузинг.
3. Дизайнда ижтимоий омиллар деганда нимани тушунасиз?
4. Амалий санъат буюмларидан бири лойиха эскизини чизинг.
5. Функционал талабларни айтиб беринг.
6. Шрифт композициясини тузинг.
7. Эргономик факторлар.
8. Реклама стенди конструкциясини чизинг.
9. Техник, конструктив-технологик ва иктисадий талаблар.
10. Академик шрифтдан намуналар ёзib беринг.
11. Эстетик талаблар нимадан иборат.
12. Рамзий белги композициясини тузинг.
13. Ишлаб чиқариш санъатида композициянинг асосий қонуниятлари.
14. Болалар ўйинчоги лойиха эскизини чизинг.
15. Бадий лойихалаш босқичлари.
16. Реклама шрифтидан намуналар ёзib беринг.
17. Таълим муассасаларида бадий лойихалаш.
18. Электр ёритгич конструкцияси лойихасини чизинг.
19. Шрифтнинг кўргазмали тарғибот ва ташвиқотда тутган ўрни.
20. Амалий санъат буюмларидан бири лойиха эскизини чизинг.
21. Шрифтнинг ривожланиш тарихи ва унинг қонуниятлари.
22. Болалар ўйин майдончаси элементларидан бири эскиз-войхасини чизинг.
23. Бадий лойихалашнинг қонуниятлари.
24. Спорт майдончаси лойиха эскизини чизинг.
25. Интерьер ва экстерьерни лойихалашда кўйиладиган асосий талаблар.
26. Спорт кубоги лойиха эскизини чизинг.
27. Амалий санъат ривожланишининг асосий босқичлари.
28. Ёзув композициясини тузинг.
29. Бадий лойихалаш ривожланишининг асосий босқичлари.
30. Реклама плакати эскизи.

31. Бадиий лойихалашнинг ёш хусусиятлари.
32. Болалар ўйинчоги лойиха эскизи.
33. Шакл тузилишининг ижтимоий-иктисодий аспектлари.
34. Уй жиҳозларидан бирининг эскиз-лойихаси.
35. Саноат буюмлари ишлаб чиқаришда техник эстетика талаблари.
36. Амалий санъат буюмларидан бирининг лойиха-эскизи.
37. Эргономика нима?
38. Рамзий белги композициясини тузинг.
39. Бадиий лойихалаш боскичлари.
40. Сувенир – ёдгорлик буюми эскиз лойихаси.
41. Бадиий лойихалашга кўйиладиган асосий талаблар.
42. Реклама плакати эскизи.
43. Бадиий лойихалашда шакл, ранг, ўлчам тушунчалари.
44. Болалар ўйинчоги лойиха эскизи.
45. Бадиий лойихалашнинг конуниятлари ва композиция.
46. Реклама шрифтларидан намуналар ёзib беринг.
47. Стандартлар ва маҳсулот сифаги.
48. «Наврӯз» байрами безаги эскизи.
49. Ўзбекистонда бадиий лойихалаш боскичлари.
50. Мустақиллик байрами безаги эскизи.

Изоҳ: Дизайн асослари машғулотларида бажариладиган амалий вазифалар якуний баҳолаш учун асос бўлади. Кафедрамизда фанлар бўйича бажариладиган якуний иш амалий машқ асосида бажарилади ва якуний баҳолаш мезони асосида баҳоланади.

АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

Антрапометрия (юнонча сўз «antropos» - одам, «metron» - ўлчов маънисини билдиради) – антропологиянинг бир бўлими хисобланиб, одам танасининг тузилиши, асосий харакат ва ҳолатини, тавсиф ўлчамларини ўрганади. Антропометрия ўрли жинсдаги, ёшдаги, этник жиҳатдан мансублиги ва географик регионига караб одамлар учун ўрта катта-кичик меъёrlарини ўрнатади. Антропометрия асослари, маҳсулот ва биноларни проекциялашда, уларнинг одамларга лойик таъминлаш максадида ва охир-оқибат кулаги ишлатилишида ва кулаги яратишда кенг фойдаланилади.

Бадиий конструкция – лойихалаш фаoliyatinинг алоҳида тарздаги хилма-хил обьектлари бўлмиш саноат ва майний йўналишдаги маҳсулотлар, йирик серияларда саноатлашган услубда ишлаб чиқарилиши. Бадиий конструкция обьектларининг характерли хусусияти-уларнинг ишланмасида инженер-констуктор ва технологларнинг катнашишлари зарурлиги. Рассом-констуктор маҳсулот ишланмаси устида, техникавий эстетиканинг, назарий ва методологик билимларига таянган ҳолда иш олиб боради.

Бадиий лойихалаш – уни таркибий қисмига кирувчи бадиий конструкцияга нисбатан, маҳсулотларни ишлаб-чиқариш жараённида кенгроқ доираси-

дир. Унинг объектига, хозирги пайтгача йигилган методлар бўйича ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар киради.

Бадий сифат – маҳсулотнинг интеръер ва шу каби ташки кўринишида афзаликлари, шакл ва элементлар ўлчамларининг ўзаро уйғунлиги, мутаносиблигини, ритмик тузилиши, фактурасини, ранг ва бошка композицион характеристикаларини аниклади. Бадий сифат асосий кўрсаткичларидан бири, одам учун хизмат қиласидаган предмет мухитининг органик элементи сифатида, барча характеристик шаклларни, маҳсулотнинг асосий гоя ечимида бўйсундиришdir.

Бадий услугуб (стиль) – бадий ижод доирасига мансуб бўлиб, мавжуд бўлган қатор умумий томонларга эга мэйморчиликда, санъат асарларида, дизайнда тарихий боскичнинг у ёки бу даврларида якъол намоён бўлади. Бадий услугуб кўпинча буюмларнинг мэйморчилик ва бадий асарларида композицион курилишида намойиш этилади.

Декор (лотинча «dekor» сўзидан – безайман, маъносини билдиради) – bezak элементлари ва маҳсулот безагини тўплами. Декорнинг асосий кўринишилари: орнаментика, тасвирий ва архитектура мотивлари, bezakли коплами. Ривожланган декор, декоратив – амалий санъат маҳсулоти учун характеристидир, айниқса ўтмишда, унинг шаклига агайн безатиш учун киритилган элемент (деталь)лар кўринишида тез-тез чикиб турган. Декор характеристи, биронта устани буюмларнинг гўзаллик моҳиятини, давр тасаввурлари оркали аникланади.

Декоративлик – шакл таъсирчанлиги шартларидан бири, маҳсулот хусусияти, унинг шакл ва силуэт конфигурация хосиятлари ҳамда материалнинг ранги, фактура ва текстураси билан боғлиқдир. Кўпинча декоративликни декор элементларининг кўлланилиши, масалан орнаментика билан боғлашади. Лекин бу вазиятда декоративлик эмас, балки маҳсулот декоративлиги дейилса, тўғри айтилган бўлади. Аслида декоративлик барча декорлардан маҳрум бўлган кўпгина предметларда, масалан: радиопрёмник, автомобиллар, металлнинг устки коплами, кристаллар, ўсимликлар барги ва боша нарсаларда мавжуддир.

Маҳсулотнинг декоративлиги, шаклнинг тартибга солиниши ва мантикий конструктивлиги, ритми, ранги, мутаносиблиги, фактура ва шу кабиларнинг ташкил этилишига боғлиқдир.

Дизайн (инглизча «design» сўзидан – чизма, расм, лойиха маъносини билдиради).

1) бадий конструкциялаш;

2) маҳсус фаолият соҳаси, одамларнинг ҳаётий шарт-шароитлари учун атрофлича бажарилган лойиха ва илмий-ташкилий ишланмасидан иборат.

Дисгармония (юнонча «*harmōnia*» сўзидан – гармония, уйғунлик, «*dis*» - олд кўшимча бўлиб, инкор этиш маъносини англатади) – мувофиқлашмаганлик, шаклга барча ва алоҳида бўлган хусусиятлари орасидаги қарама-каршилик, масалан: маҳсулотнинг ритмик тузилмаси билан унинг ранг ечими орасидаги зиддият. Шаклда дисгармониянинг пайдо бўлиши, унинг бадий сифатини пасайишига олиб боради.

Интеръер (французча «*intérieur*» сўзидан – ички маъносини билдиради) – бинонинг ички мухитининг, функционал – эстетик муносабатда, нисбатан ёпилган ва ташкил этилганлигидир. Интеръер хона тўсиқ сиртлари (девор, шип, пол) ва унинг барча жихозлаш ва безатиш воситалари тўпламидан ташкил топади.

Компактлик (лотинча «*compactus*» сўзидан – зич, ғуж, йиғилганлик маъносини билдиради) – шакл элементларининг жойлашувида максимал зичлиги. Компактлик даражасидан, маҳсулотнинг кўйилганлиги аникланади.

Комплекс лойиҳалаш – катор маҳсулотларнинг лойиҳаланиши, одамнинг иш фаолиятини муайян жараёнидаги тарабларни тўлик таъминлаш; масалан, ошхона, учун жихозлар, мактаб учун мебель ва х.к. Комплекс лойиҳалашнинг максади, одамлар учун иложи борича дам олишда, уйда, ишхоналарда кулагиликни, уйғунликни ва бадиий мухитни яратишdir.

Композиция (лотинча «*compositio*» сўзидан – ўйлаб чиқараман, тузаман, яратаман маъносини англатади) – маҳсулотнинг муайян максадга хизмат киладиган тартибда жойлашуви ва уларнинг мувофиқлиги.

Компоновка (лотинча «*compropositio*» сўзидан -- тузаман маъносини англатади) – турли элементларнинг ўзаро мос килиб жойлаштиришнинг қидирув жараёни.

Комфорт («*comfort*» - инглизча сўз бўлиб) одамнинг маълум бир нарса ёки баъзи буюмлар тўпламидан оладиган барча кулагиликлар йигиндисидир. Маҳсулотлар кулагиликнинг талабига тўлик жавоб берса, улар хузур-халоватли хисобланади. Бундай кулагиликларнинг йўклиги эса, маълум иш жараёни мухитида дискомфортни юзага келтиради.

Конструкция («*constructio*» лотинча сўз бўлиб – кураман маъносини англатади) маҳсулот элементларининг ўзаро боғликлари, алоқадорлиги. Конструкциянинг хосияти, асосан маҳсулот элементларининг ўзаро боғланишида ва ўзаро жойлашувида аникланади.

Конструкция типологияси – маҳсулот элементларининг ўзаро боғликларини, конструктив классификация типларидаги фарқлари.

Конструкция классификациясичинг асосларига:

- 1) элементларнинг боғланиш типи (ажралмас, ажраладиган; йигиладиган ва бўлинадиган);
- 2) элементларнинг ўзаро муносабат типи (тургун; кинетик);
- 3) уларнинг уланиш схемаси ва усули; (яхлит; каркасли; жилдли; тўпламили);
- 4) маълум маҳсулотнинг бошқа буюмлар билан боғланиш конструкция типи (автоном; блокланадиган);
- 5) функционал холатнинг типи (стационар; сафарбар; ихчам);
- 6) конструкциянинг асосий ва асосий бўлмаган элементларини ўзаро муносабат типи (очик; ёпик; ярим очик) ва х.к..

Маҳсулотларнинг ассортименти (французча сўз бўлиб «*assortiment*») – кўп маҳсулотларнинг турлича моделларининг бир мухитда тадбик этилиши, жихозларнинг бир максад ёки турдаги тўплами маъносини англатади. Масалан, майший йўналишда, турар жойда ошхонани жихозлаш учун маҳ-

сулот ассортименти, ошхона учун идиш-төвоклар ассортименти ва бошқалар. Ассортименти, бир вақтнинг ичидаги ишлаб чиқарилган моделларгина ташкил этиши мумкин.

Махсулотлар комплекси – турли функционал йўналишдаги маҳсулотлар тўплами, одамнинг муайян иш жараёнида воситаларнинг умумий системасини шакллантиради.

Махсулотнинг сифати – саноат маҳсулотларини ўлчов киймати, уларнинг хусусиятларини баҳолаш нуқтаи назаридан келиб чиқсан холда, барча кўрсатилаётган талабларга мувофиқ ҳамда замонавий технологиянинг юкори кўрсаткчилари билан уларнинг ишлаб чиқариш технологияси даражасининг мувофиқлиги.

Махсулотнинг сифатини баҳолашнинг асосий аспектлари – бу уларнинг фойдали бўлиши, техник ва технологик мукаммаллиги, эргономик талабларга жавоб бериши, тежамкорли бўлиши, ишлатишида кулайлиги, бадий сифатининг эстетик кимматлигидир.

Махсулотнинг фойдали бўлиши – жамиятнинг ва одамларнинг маҳсулотни ишлаб чиқаришда ҳамда истеъмол қилиниш қизиқишилари нуқтаи назаридан келиб чиқадиган зарурат даражаси. Маҳсулот жамиятнинг қизиқишиларига жавоб бера олиши ва жамият талабига мувофиқ, унинг фойдали эканлиги аникланади.

Мода (лотинча сўз бўлиб, ўлчов, шакл, услугуб маъносини англатади) – замонавий талабга жавоб бера оладиган ва одамларнинг айнан шу нарсаларга эга бўлиш интилишига кўра, саноат маҳсулотлари ва бошка буюмларнинг ишлатилишида намоён бўлади. Одатда, буюмнинг юкори сифати билан ажralиб туриши, техник жиҳатдан янгилиги ёки бошка ёрқин ифодалайдиган хосиятлари билан ажralиб туриши ифодаланади, масалан, кўринишнинг ажойиблиги, юкори чидамлилиги, ихчамлиги, кулайлиги ва ҳк..

Нуфузли (престиж) истеъмол килиш («пресстиж» - французча сўз «presnige» - кадр-киммат маъносини англатади) – бу буюмларнинг шундай ишлатилиши-ки, унда истеъмолчи, шу оркали ўзининг фаровонлигини, маданиятини, одамларнинг қайси табакасига мансуб эканлигини намойиш этади.

Орнаментика (лотинча сўз «ornamentum» - зийнатлаш, зеб бериш, безатиш маъносини билдиради) – декорнинг хилма-хиллиги, буюм, бино, китобларни ва ҳк. безаш элементлари йигиндининг, ҳар хил табиий шакллар стилида ишлов беришдир, айниқса катта қисми ўсимликлардан ташкил топган, масалан: барглар, гуллар, мевалар ва шу кабилардир. Табиий тимсоллардан холи бўлган орнаментика ҳам ғоят тарқалган, яъни асоси геометрик накшлардан иборатдир. Орнаментика турли усувларда кўлланилади: накқошлик, гравировка, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, каштачилик, аппликация, тикувчилик ва ҳк.. Орнаментика миллий ҳислатга эгадир. У жуда кўп нарсаларда ишлатилади: кийим-кечак, турли анжомларда, мебель, заргарлик буюмларида ҳамда интеръерда ва шу кабиларда ишлатилади.

Предмет мұхити – маҳсулотларнинг маълум шаклда, биргаликда ташкил этилиши.

Саноат маҳсулоти – маҳсулотнинг саноат усулида ишлаб чиқариш, яъни машина техникасидан фойдаланиб ва шунга биноан, бирқанча сондаги ўхаш нусҳаларнинг ишлаб чиқарилиши тушунилади.

Саноат маҳсулотларида шакл тузилиши – бадиий лойиҳалашнинг изланиш жараёнида, маҳсулотлар шакл бирлиги ва техник эстетика талаблари асосида таркиб топишидир. Саноат маҳсулотларининг шакл тузилиш, асосий конунийтларга; шакл маҳсулотнинг характеристик таркибига мувофиқлиги; шакл кострукция ва материалларга боғлиқлиги ва бошқалар.

Стайлинг (инглизча сўз «styling») – бадиий лойиҳалаш йўналишидир. Унинг мақсади харидорларни маҳсулотларга жалб қилиш. Бу маҳсулот ташки кўринишнинг таъсирчанлиги, ифодавийлиги, шаклнинг кўзга тез кўриниши ва безатилиши орқали ўзига жалб этишидир. Стайлинг учун маҳсулотларни ўтмишнинг ўйғониш даври, барокко, классицизм ва шу кабилар услубида ишлаш характеридир.

Ташки кўриниши – бунда, буюмнинг шакли идрок этиш орқали томоша килинади. Шакл элементлари буюмни ишлатиш жараёнида идрок этиш ҳам буюмнинг ташки кўринишига киради. Маҳсулотнинг идрок этилишида, унга эстетик баҳо берилиши, ташки кўриниш учун ягона манбадир.

Техник эстетика – илмий соҳа бўлиб, предмет мухитини шаклланиши ва ривожланиши, одамларнинг иш фаолияти жараёнида предметли шароит конунийтларни ўрганади. Техник эстетикани ўрганиш специфик предмети – бу одамларнинг биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида предметли мухит билан ўзаро муносабатидир.

Фойдали эффект – маҳсулотларнинг тўғридан-тўғри ўз ўрнида ишлатишнинг натижасидир. Маҳсулотни ишлатишда фойдали эффектнинг катта-кичиллиги, бир қатор талабларга амал қилиади: маҳсулотнинг техник мукаммаллик даражаси; антропометрик ўчловларга муносаблиги; эксплуатация мухитида, унинг конструкция ва шаклнинг ўзаро мослиги ва ҳ.к.. Шундай килиб, фойдали эффект маҳсулот сифатини белгилашида асосий кўрсаткичларидан биридир.

Фойдаланиш кулайлиги – маҳсулотни ўзининг жойида оддий, ҳавфсиз ва шу каби ишлатилиши тушунилади. Фойдаланиш кулайлиги, маҳсулотни транспортировка қилиш, саклаш, йиғишириш, таъмирлаш эмас, уни фақат гина ишлатиш, фойдаланиш жараёнида кўлланилади. Фойдаланиш кулайлиги, маҳсулотни курилиши ва шакл орқали таъминланиши, уларнинг антропометрия, эргономика талабларига ҳамда эксплуатациянинг конкрет шароитда мутаносиблигидир.

Шакл – маҳсулотнинг мухитга мос курилмаси, яъни нуқта, чизик, кирра, сирт, бурчак, шакл, ҳажм ва бошқаларнинг аниқ ўлчамга эга бўлишидир.

Саноат маҳсулотларида шаклнинг умумий талабларидан бири барча элементларнинг композицион конунийтлар асосида мувофиқлиги.

Шаклнинг ифодавийлиги – маҳсулотнинг бадиий кўрсаткичларидан бири, бунда буюмнинг ташки кўриниши ва тузилишини ўзаро муносаблиги, мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Бундан ташқари, одамнинг эмоционал

кайфиятига таъсир этиши ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Махсулотнинг бундай таъсир этиш ҳусусиятларидан бири – унинг декоратив ечимини эстетик фахмланишидир.

Эргономика - (юонча сўз бўлиб, «ergon» - иш, «potomos» - конун Дегани) илмий-назарий ва илмий-экспериментал соҳа бўлиб, одамнинг ўзгариб турадиган мухитда, маълум таъсирланишини талаб этувчи ҳар хил жиҳозлар ва иш фаолияти мухитида воситаларнинг одамга таъсир қиласиган психофизиологик факторларини ўрганади. Эргономиканинг назарга оладиган ва ўрганувчи асосий факторларига ҳар хил қўзгатувчиларга одамнинг муносабати (реакцияси), яъни оптик, товушли, ҳароратли ва х.к. киради. Шу муносабат билан, эргономика одамнинг физиология, психофизиология билимларига таянди ва лойиҳаланаётган обьектлар шаклига бирқанча таалабларни аниклаб беради.

Эстетик киммати – маълум маҳсулот ёки предметли мухитининг одамлар эстетик карашларига мувофиқлиги. Эстетик баҳоланаётган обьектни, унинг барча ҳусусиятларини умумийлиги ва улар орасидаги ҳар хил боғланишларнинг пайдо бўлиши, биринчи томондан одам ҳамда иккинчи томондан ижтимоий мухитини характерлайди.

Умуман олганда, бадиий сифат одатда, маҳсулотнинг эстетик аҳамияти шартларидан бири бўлиб ҳизмат киласиди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Холмянский Л.М., Шипанов А.С. Дизайн. -М.:«Просвещение»,1985.
Ўзбекча таржима. «Ўқитувчи», 1991й.
- 2.Нешумова Б.В.,Щедрина У.Д. Художественное проектирование. - М.:
«Просвещение», 1979.
3. Булатов С.С. Ўзбек халк амалий безак санъати. Т. Мехнат 1991
4. Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайнни тарихидан. Т. Ўзбекистон 1998
5. Литвинов В.В Программа современной экспозиции. -М.: Плакат, 1989.
6. Ковальский Л.Н. Архитектура учебно-воспитательных зданий.
Киев: «Будивельник» , 1988.
7. Степанов Н.Н. Цвет в интерьере. –Киев: 1985.
8. Исаев Д.А. Советы художники-оформителю
9. Кузин В.С. Психология. –М.: Высшая школа, 1982.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
1-БОБ. ДИЗАЙН САНЬЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ.....	8
Тарих ва буюмлар олами.....	15
Ўзбек ҳалқ амалий безак санъатининг дастлабки бошланиш даври, турлари ва ривожланиш жараёни.....	27
Накқошлик.....	28
Ганчкорлик.....	33
Мис буюмларининг турлари.....	52
Заргарлик санъати.....	61
Дизайннинг вужудга келиши.....	70
2-БОБ. ДИЗАЙНЕРЛИК (БАДИЙ) ЛОЙИҲАЛАШНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ.....	78
Шакл ва функция.....	78
Шакл ва композиция.....	80
Функция, ранг ва безак.....	82
Жорий ва оралиқ баҳолаш тестлари.....	85
Атамаларнинг қисқача изоҳли лугати.....	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96

Зокир Сотиболдиев

ДИЗАЙН АСОСЛАРИ

Мухаррир

Э. Бозоров

Компьютерда
саҳифаловчи

Б. Гафурова

Босишига рұхсат этилди 02.10.2008. Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}.
Хисоб-нашр табоги 6.25. Адади 50
Буюртма № 6

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100084, Тошкент шаҳар, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-үй.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO’JIZASI” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси – 39.